

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Дилфуза Собирова

ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ТОТАЛИТАР ТУЗУМИНИНГ АЁЛЛАР
МАСАЛАСИДАГИ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ
(XX асрнинг 40-80 – йиллари)

Ўқув қўлланма

Тошкент
«Университет»
2010

Бобур номидаги Андижон давлат университети Илмий Кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган (. .2010 йил – сонли баённома).

Масъул муҳаррир:

Такризчилар:

Ушбу ўқув қўлланмада XX асрнинг 40-80 – йилларида советлар
хукумати томонидан Ўзбекистонда хотин – қизларга нисбатан олиб борилган
сиёсати, уларнинг ижтимоий аҳволи ва республика саноати тараққиётида
ўрни, каби масалалар атрофлича ёритиб берилган.

Ушбу ўқув қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, шунингдек, совет
даврида Ўзбекистонда хотин – қизлар масаласи билан қизиқувчи барча
китобхонлар оммасига мўлжалланган.

КИРИШ

Мустақиллик шароитида жамиятдаги янги ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида, жамият аъзоларини эркин, демократик тафаккур ва миллий ғоя руҳида тарбиялаш вазифаларини бажаришда тарих фанининг аҳамияти ортиб бормоқда. «Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф – одат ва анъаналари, ҳаётий кадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди»¹.

Миллий истиқлол йилларида Ватанимиз тарихини ҳаққоний, илмий асосда ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, 70 йилдан ортиқ давр ичида халқимиз бошидан кечирган маънавий тазйиқларнинг ўзбек хотин – қизлари ижтимоий ҳаётига таъсири, совет тоталитар тузумининг маҳаллий миллат хотин – қизларига бўлган муносабати масаласи ўзининг илмий асосланган талқинини кутаётган муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов айтганидек: «Бутун маърифий дунёда хотин – қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар аёлларга етарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги бўлмаслиги ҳақида, ўйлайманки, узоқ гапириб ўтиришнинг ҳождати йўқ»². Бу борада яқин ўтмиш, совет даври тажрибасини синчиклаб ўрганиш ва ундан зарур сабоқлар чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Ўқув қўлланмада архив ҳужжатлари, матбуот материаллари, эълон қилинган ҳужжат ва материаллар тўпламларининг таҳлили асосида мустамлакачилик сиёсатининг маъмурий – буйруқбозлик тизими асосида олиб борилган хотин – қизларга муносабати масаласи, улардан аввалом бор иқтисодий фойда келтирувчи арзон ишчи кучи сифатида саноатда ҳамда қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланилганлиги, пахта яккаҳокимлиги сиёсати оқибати – Орол муаммоси туфайли хотин – қизлар саломатлиги масалалари, миллий – маънавий кадриятларимиз поймол этилишининг хотин – қизлар

¹ Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.30.

² Каримов И.А. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш – давр талаби // Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004.– Б.350.

турмуш тарзига салбий таъсири, оммавий катағонликларнинг аянчли оқибатлари масалалари бирламчи манбалар ёрдамида тадқиқ қилинган.

Муаллиф ушбу қўлёзмани нашрга таёрлашда катта ёрдам кўрсатган т.ф.д., профессор И.А. Алимовга ҳамда тақризчилар т.ф.д., проф. Р.Х. Муртазаева ва т.ф.н., доц. А.А. Одиловга миннатдорчилик билдиради.

I. МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН – ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ – СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

1-маъруза. Совет ҳукуматининг хотин – қизлар масаласидаги сиёсати ва унинг мустамлакачилик моҳияти

Режа:

1. Совет ҳокимияти йилларида хотин – қизларга муносабат.
2. Уруш йилларида ўзбек аёлларининг матонати ва жасорати.
3. XX асрининг 80 – йилларида аёлларининг ижтимоий соҳадаги муаммолари.

Совет мустабид тузуми йилларида коммунистик партия хотин – қизларга нисбатан муносабатда ўз мақсад–манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб борди, шунинг учун ҳам мазкур масалани мафкуравий таъйиқ остида ҳал этишга ҳаракат қилиниши оғир оқибатларга олиб келди. Яъни, совет ҳокимияти ва коммунистик партия ўз олдида «аёлларнинг бутунлай янги авлодини, уларни фақат оилани ўйлайдиган шахслар эмас, балки кўпроқ жамият ижтимоий, сиёсий ҳаётида эркалар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган шахслар қилиб тарбиялашни асосий вазифа қилиб қўйган эди». Шунинг учун хотин – қизларни ҳар соҳада эркалар билан «тенгҳуқуқлилигини таъминлаш»нинг бутун бир тизими ишлаб чиқилдики, унинг асосини хотин – қизлар фаолиятига таъсир этишнинг мафкуравий ва ишлаб чиқариш омиллари ташкил этди.

Советлар ўз тарафдорлари сонини ва марказнинг итоаткор хизматкорларини кўпайтириш сингари сиёсий мақсадлардан келиб чиқиб, турли ғаразли мақсадлар яширинган режалар асосида никобланган мустамлакачилик сиёсатнинг «айёрона» тадбирлари орқали фаолият олиб борди ва шу мақсадда турли қарор ҳамда кўрсатмалар қабул қилди.

Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин – кизлар орасида олиб борган сиёсати қарама – қарши характерга эга бўлиб, ижобий ва салбий аҳамият касб этган, бу жараёни 1 – жадвал орқали кўришимиз мумкин:

1 – жадвал

Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин – кизларга нисбатан олиб борган сиёсатининг моҳияти*

№.	Хотин – кизлар бўлими фаолият олиб борган соҳалар	Советларнинг хотин – кизлар масаласига муносабатининг	
		Ижобий томони	Салбий томони
1	Ижтимоий – сиёсий соҳа	Хотин – кизларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллиги ошиб борди; уларнинг онгида совет тузуми ва ҳукмрон мафкурага нисбатан аниқ ижтимоий – сиёсий дунёқараш ва фикрлар пайдо бўлди.	Хотин – кизларни сиёсий жиҳатдан совет ҳокимиятининг итоаткор ҳайрихоҳлари этиб тарбиялаш асосий вазифа этиб белгиланди.
2	Ҳуқуқий соҳа	Хотин – кизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги қонун йўли билан мустаҳкамланди; уларнинг жамиятдаги иштирокини фаоллаштириш ҳақида қарорлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қонунлар қабул қилинди.	Хотин – кизлар масаласига бағишлаб қабул қилинган қонунлар кўпинча амалиётга татбиқ этилмай, қоғозларда қолиб кетди.
3	Маънавий–тарбиявий соҳа	Аёлларнинг маънавий–маърифий жабҳадаги иштироки фаоллашди.	Атеистик сиёсат маънавий ҳаётга салбий таъсир кўрсатди. Миллий расм–русумлар ўрнига “советча” урф–одатлар жорий қилинди; миллий маданиятга эътибор қаратилмагани ҳолда, байналмилал совет маданияти бирламчи аҳамият касб этди.
4	Иқтисодий соҳа	Хотин – кизларнинг ишлаб чиқаришга жалб этилиши натижасида уларнинг турли касбларни эгаллашига имкон туғилди; махсус курслар ташкил этилди; кўп болали аёлларга нафақалар берилди.	Аёллар оғир жисмоний меҳнатга жалб қилинди; бундан бош тортганлар жазоланди; аёллардан асосан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланилди.

* Фойдаланилган адабиётлар асосида тузилди

Ижобий томони шундаки, ҳақиқатдан ҳам аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги амалда конун орқали мустаҳкамлаб қўйилди. Бу жараён ўз навбатида хотин – қизлар ҳуқуқини таъминлаш, уларни яратувчанлик, жамоатчилик ишларига жалб этишда муайян ютуқларга эришишга сабаб бўлди. Масаланинг салбий томони эса, советлар томонидан олиб борилган ўзбек хотин – қизларининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантирмасликка қаратилган сиёсат туфайли маҳаллий миллат вакилларида миллий ўзликни англаш ва мустақиллик учун курашишга зарур бўлган туғма эҳтиёжларнинг уйғонишига йўл қўйилмади.

Шунингдек, аёлларнинг машаққатли ҳаёти, у ёки бу кўринишдаги фожеалари сабаби ижтимоий – сиёсий тузумдан, жамиятнинг ўзидан изланмай, бош айбдор деб, дин ва шариат ҳисоблангани ҳолда эътиқод эркинлигига нисбатан жанговар атеизм сиёсати олиб борилди. Ислом динига қарши кураш баҳонасида халқимизнинг қадимий урф–одатлари, маданияти, қадриятларига ҳужум бошланди. Хотин – қизларни «озодликка чиқариш» баҳонасида 1927 йилда республикада «Хужум» ҳаракати бошланди. Хужум ҳаракати ва унинг салбий оқибатлари ҳақида ёзувчи Чингиз Айтматов шундай деган эди: «Афсуски, давлат томонидан ўтказилган «Хужум» кампанияси ўша даврнинг оғир хатоларидан бири эди, дейиш камлик қилади. Бу инсониятга қарши қаратилган жиноят эди. Устига–устак, илоҳий олам қурилмасига қарши йўналтирилган жиноят эди. Худонинг барқарорлигини инкор этган муртадлар худонинг вазифасини ўз зиммаларига оладилар ва «янги одам яратамиз» деб, даҳшатли ўйин бошладилар». Советлар барча қолоқликларнинг сабабини дин билан боғлашга ҳаракат қилишди. Ислом дини хотин – қизларнинг ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда қатнашишини ман этмаса–да, ислом динини тан олмаслик сиёсати олиб борилди. Бу эса, ўз навбатида маҳаллий аҳоли орасида совет ҳокимиятига қарши душманлик кайфиятини кучайтирди. Шунинг учун ҳам «...аёллар ўртасида динга қарши ташвиқотни кескин йўлга қўйиш, уларни ижтимоий

меҳнатдан четлаштириб юбориши» мумкинлиги туфайли советлар томонидан «кўпхотинлик ва қалин олиниши диннинг айби» қилиб кўрсатилди.

1940 йил 15 майда 1925 йилда ташкил топган «Курашчан худосизлар Иттифоқи»нинг 15 йиллигини барча жойларда тантанали равишда нишонлаш ҳақида махсус қарор қабул қилинганидан сўнг, атеизм бўйича тарғибот–ташвиқот ишлари янада кучайтирилиб, маърузачилар моддий рағбатлантирилди. Бироқ, 1942 йилда уруш йилларидаги совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг ижтимоий ҳамкорликни кўзлаб динга нисбатан вақтинчалик курашни тўхтатиши лозимлигидан келиб чиқиб, «Курашчан худосизлар Иттифоқи»нинг Марказий Кенгаши тугатилди. Аммо, урушдан кейинги йиллардан бошлаб атеизм бўйича тарғибот ишлари яна давом эттирилди.

Ўрганилаётган даврда хотин – қизларнинг фаолияти тоталитар тузум томонидан махсус «қолип»га солинган, уларга нисбатан ўта мафкуралаштирилган сиёсат олиб борилган бўлсада, ўзбек хотин – қизлари ўзларининг инсонпарварлигини, миллий қадриятларини сақлаб, доимо уларга содиқ қола олди. Айниқса, фашизмга қарши уруш йилларида ўзбек хотин – қизлари ватанпарварлик, инсонпарварлик намуналарини кўрсатиб, уларни амалда намоён қилди.

Маълумки, 40–йилларнинг биринчи ярми эрксевар халқларнинг жаҳон ҳукмронлигини эгаллаш мақсадида босқинчилик қилган фашизмга қарши кураши билан изоҳланади. Бу оғир дамларда нафақат эркакларнинг, балки биринчи галда хотин – қизларнинг ҳам метин иродалари катта синовдан ўтди. Ўзбек хотин – қизлари Ватан сўзини қанчалик теран ҳис этишларини ўша оғир йилларда янада ёрқинроқ намоён этдилар.

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида 1,5 миллион нафар ватандошимиз жангга кирган бўлса, республикада ўша пайтда қарийб тўрт миллион аҳоли истиқомат қилар эди. Тўрт юз мингдан зиёд аҳоли урушда ҳалок бўлган бўлса, тахминан 130 минг нафар киши бедарак кетган. Булар ўзбек халқи

учун катта йўқотиш эди. Маълумки, Ўзбекистондан 4555 нафар хотин – кизлар уруш йилларида фронтда эркаклар билан бир сафда туриб, ўз матонат ва жасоратининг мисли кўрилмаган намуналарини намойиш этдилар.

1941 йил 26 июнда тошкентлик 1551, 28 июнда фарғоналик 423, хоразмлик 147, андижонлик 798, наманганлик 267 нафар хотин – кизлар кизил армия сафига қабул қилишларини, фронтда жанг қилиш истагини билдириб ариза берган. 1942 йил баҳорда Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатиб, фронтга отланган 20 нафар ёш врачлар орасида Нури Шокирова, Пўлатой Қодирова, Собира Мажидова сингари ўзбек кизлари ҳам бор эди. Урушнинг дастлабки йилларида 1–ўзбек делегацияси тушган ва совға–саломлар ортилган поездни бошқариб борган машинист Башорат Мирбобоева, Зебо Ғаниева, Мукаддам Ашрапова, Азиза Қаландарова, Роза Иброҳимова ва Мавжуда Саматовалар ҳақиқий қаҳрамонлар каторидан ўрин олишган. Бироқ, совет мустамлакачилиги даврида ўзбек аёлларининг табиатида мавжуд бўлган ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғулари сунъий равишда Иттифок деб аталган ҳудуд билан ўлчанган. Бу эса, уларда миллий ўзликни англаш ва миллий мустақиллик учун курашга қаратилган зарур эҳтиёжларнинг шаклланишига имкон бермаган.

Ўрганилаётган даврда коммунистик партия раҳнамолигидаги совет давлати республика ижтимоий–иқтисодий салоҳиятининг фашизмга қарши сафарбар қилинишида аёллар ролини ўстиришда хотин – кизлар бўлимлари фаолиятдан кенг фойдаланди.

Тарихдан маълумки, совет тузуми даврида хотин – кизлар бўлимлари бир неча бор тугатилиб, «вазият талаб этган вақтда» яна қайтадан ташкил этилиб борилган.

Хотин – кизлар матбуоти ҳисобланган «Коммунистка» журналининг 1930 йилда ва «Янги йўл» журналининг эса, 1934 йилда чоп этилиши тўхтатилгандан сўнг, хотин – кизлар ўртасида олиб бориладиган бутун ишларнинг масъулияти Меҳнат ва турмушни яхшилаш Комиссиялари зиммасига ўтган. Комиссия таркибида республика бўйича 100 дан ортиқ аъзо

бўлиб, улар комиссия зиммасидаги катта ҳажмдаги ишларни бажариш имкониятидан йироқ эди. Шунинг учун комиссиялар 1930 йил май ойида иттифок республика, вилоят, шаҳар ва жойлардаги ижроия кўмиталарига айлантирилиб, 1932 йилда эса ВКП(б) МҚнинг 5 январдаги қарори билан ўз вазифасини бажариб бўлган орган сифатида тугатилган эди. Шундан сўнг, хотин – қизлар бўлимларининг вазифалари фирма кўмитаси ва унинг бўлимларига ўтиб, махсус секторга айлантирилди. Мазкур секторлар 1934 йилгача амалда бўлиб, улар зиммасига совет ҳукумати ва коммунистик партия томонидан «хотин – қизлар масаласининг ҳал бўлганлиги» ҳақидаги ғайриилмий хулосани илмий–амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган эди.

Аслида хотин – қизлар бўлими фаолиятининг тугатилишига сабаб, совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг хотин – қизларни «иктисодий озодликка чиқариш» шиори остида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, улар меҳнатидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш билан жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучига айлантириб, ўз мақсадига эришишида ҳамда ижтимоий – сиёсий фаоллиги ошиб борган аёлларнинг ўз ҳақ–ҳуқуқлари учун курашиб, мустабид тузум томонидан ўзларига нисбатан олиб борилаётган сиёсатдан норозиликнинг кучайиб боришида эди.

Шунинг учун ҳам коммунистик партиянинг XVII съезди Уставига мувофиқ партия кўмиталари қошида ихтисослашган ишлаб чиқариш бўлимлари ташкил этилган бўлса-да, съезд мазкур бўлим таркибида хотин – қизлар ўртасида иш олиб борувчи сектор ёки бўлим тузиш масаласини кўриб чиқмади.

Уруш йилларида хотин – қизларнинг ижтимоий – сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг халқ хўжалигидаги ролининг ўсиши давр талабига айланганлиги муносабати билан хотин – қизлар бўлимлари 1943 йил май ойида ВКП(б) МҚнинг қарори билан қисқа муддатга қайта ташкил этилиб, улар фаолиятида ишнинг йўналиш, шакл ва усуллари анча ривожлантирилиб, мураккаблаштириб борилди.

1943 йил 18 май ойида ЎзКП(б)МҚ бюроси қарори асосида МҚ аппаратида хотин – қизлар ўртасида ишлар бўйича бўлим ва бўлим мудир, вилоят, шаҳар ва район партия қўмиталарида ҳам хотин – қизлар бўлими ва секретар (котиба)лари лавозими жорий этилди.

Бу бўлимлар турли ташкилотлар, фондлар орқали, касаба уюшмалари, бошқа жамоат ташкилотларига таяниб оммани бошқарган. Бу ташкилотлар қонуни мустақил бўлсаларда, аслида партиянинг кўрсатмаси асосида «партия давримизнинг ақл-идроқи, шон-шарафи ва виждони» байроғи остида, ўзаро ҳамжихатликда унинг сиёсатини амалга оширган.

Хотин – қизлар бўлимлари ташаббуси билан аёлларнинг уруш шароитидаги вазифаларига бағишланган хотин – қизлар кенгашлари колхозларда, конференциялар эса, туманларда ўтказилган. 1943 йил июль–август ойларида Фарғона вилоятининг шаҳар ва районларида хотин – қизларнинг уруш кунларида жамият ҳаётидаги ролига бағишланган слёти бўлиб ўтган. Шу йили октябрь ойида Фарғонада хотин – қизлар бўлими ходимларининг вилоятлараро йиғилиши бўлган. Вилоят бўйича 1943 йилнинг август – сентябрь ойларида бўлиб ўтган кенгаш ва конференцияларда жами 20538 нафар хотин – қизлар иштирок этган. Мазкур йиғилишларда хотин – қизлар бўлимларининг иш усули ва услублари, хотин – қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш масалалари муҳокама этилган. Махсус тарғибот – ташвиқот жойлари ташкил этилиб, хотин – қизлар фронт ва халқ хўжалигида юз бераётган янгиликлардан хабардор қилиб борилган.

ВКП(б) МҚнинг 1943 йил 22 январдаги қарорига мувофиқ 1943 йилнинг май ойидан бошлаб республика партия қўмиталари қошида хотин – қизлар советлари ташкил қилинган бўлиб, уларга вилоят партия қўмиталарида обком секретарлари (вилоят котиблари)нинг ўринбосарлари, шаҳар ва район партия қўмиталарида хотин – қизлар ишлари бўйича секретарлар раҳбарлик қилган. Бутун республикада бу соҳага масъул сифатида вилоят партия қўмиталарида 10 та секретарь ёрдамчиси, шаҳар

партия кўмиталарида 13, шаҳар таркибидаги район партия кўмиталарида 11, кишлоқ район партия кўмиталарида 133 секретарь тайинланган эди. Янги ташкил топган бу ташкилотлар зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган эди:

- хотин – қизлар ўртасида партиявий–сиёсий ва оммавий–тарбиявий ишларни кучайтириш;
- хотин – қизларнинг фронт ва фронт орқасини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган меҳнатларини уюштириш;
- жангчиларнинг oilаларига зарур бўлган ёрдамни ташкил этишга кўмаклашиш.

Хотин – қизлар бўлимларининг фаолияти билан Тошкент шаҳрида 1943 йилнинг июнидан 1944 йилнинг май ойига қадар ишлаб чиқариш корхоналарига 15270 нафар хотин – қизлар ишга жойлаштирилди, улардан 700 нафари ўқишга юборилди. 1944 йил охирига келиб, Тошкент, Бухоро ва Самарканд вилоятларида 35 минг нафар хотин – қизлар ишга жойлаштирилиб, улардан 26 минг нафари саноат корхоналарига жалб қилинди.

II – жаҳон уруши йилларида хотин – қизлар мамлакат иқтисодий салоҳиятини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланганлиги боис ҳам, уларнинг «фавқулодда уруш шароитида инсон, ишчи–хизматчи, раҳбар сифатидаги обрўси қарор топди».

1941 йил 9 сентябрда Тошкент шаҳри партия ташкилотининг уруш даври шароитидаги иши тўғрисидаги қарорида, Ўз КП(б) МҚ нинг 1941 йил декабрь ойидаги Пленумида, 1942 йил 21 апрелдаги Андижон вилояти партия фаоллари йиғилишида ҳарбий вазиятда партиявий–сиёсий ишларни ташкил этиш масаласи муҳокама қилиниб, кўплаб хотин – қизлар ижтимоий – сиёсий ҳаётга жалб қилина бошлади. Хотин – қизлар партия ва бошқа совет ташкилотларининг масъулиятли лавозимларини эгаллай бошладилар.

Жумладан, Наманган вилояти Олмос қишлоғидан Мастурахон Исматова Чуст район ижроия кўмитасининг раиси, Қорақалпоғистон

Автоном Совет Республикаси Шоббоз туманида эса 52 нафар аёл колхоз раиси ўринбосарлари лавозимида ишлаган. Уруш йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги раҳбарлик лавозимларига хотин – қизларнинг жалб қилиниши оқибатида уларнинг раҳбар ва инсон сифатидаги обрўси қарор топди. Урушдан олдинги йилларда эса, раҳбарлик лавозимида банд хотин – қизлар салмоғи республика бўйича атиги 280 нафар аёлни, яъни жами раҳбар ходимлар таркибининг 1,2 фоизини ташкил этар эди.

1943 йилда республика бўйича 3458 нафар хотин – қиз колхоз раисларининг ўринбосарлари, 11950 нафар хотин – қиз колхоз бригадири, 48772 нафар хотин – қиз звено бошлиқлари лавозимида меҳнат қилишган бўлса, 1944 йилда Ўзбекистоннинг тўрт вилояти (Самарқанд, Бухоро, Наманган, Хоразм) ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида колхоз раисларининг ўринбосарлари лавозимига 3,5 минг хотин – қизлар тайинланган.

Наманган вилоятида 1944 йилнинг ўрталарида бу лавозимда 478 нафар аёлнинг ишлагани, 1945 йилнинг 1 январига келиб, бу рақамларнинг 690 тага етгани маълум. 1944 йилда вилоятда 2623 нафар хотин – қиз колхозларда бригадир, 2352 киши эса бухгалтер, чорвачилик фермаларининг мудирлари бўлиб ишлаган. 1945 йилда вилоятда раҳбарлик лавозимига тавсия этилган 2745 нафар хотин – қизлардан 11 та колхоз раиси, 942 та бригада бошлиғи, 2398 та бригадир ўринбосарлари, 5162 та звено бошлиқлари, 1097 та бригада ҳисобчилари, 26 та бухгалтер тайинланган. Андижон вилоятида эса, 1943 йилда хотин – қизлардан 163 киши раҳбарлик лавозимига жалб қилинган. 1945 йилнинг бошларида правление (бошқарма) раиси ўринбосарлари лавозимида 401 нафар хотин – қизлар ишлаган.

Бухоро вилоятида 1944 йилда 47 нафар хотин – қизлар бригадир, 3641 хотин – қизнинг эса звено бошлиғи бўлиб ишлагани маълум. 1945 йил март ойида вилоят қишлоқ хўжалигида хотин – қизлардан 259 нафар аёл бригадир, 3623 нафар аёл звено бошлиғи, 1147 нафар аёл бригада ҳисобчилари сифатида фаолият юритишган. Фарғона вилоятида 1944 йилда биргина

Охунбобоев районида хотин – кизлардан 17 та бригадир, 64 та звено бошлиғи бор эди. Фарғона районида 6 та бригадир ва 310 та звено бошлиғи аёллардан тайинланган эди. Қўқон районида 1944 йилнинг февраль ойида 17 нафар хотин – кизлар колхозлардаги раҳбарлик лавозимларига тайинланган.

Сурхондарё вилоятида 1941 йилдан 1944 йилгача 427 нафар хотин – киз раҳбарлик лавозимларига тайинланган. 1943 йилда хотин – кизлардан 3458 киши республика колхозларида раис ўринбосарлари, 11950 киши колхоз бригадаларининг бошлиқлари, 48772 киши звено бошлиқлари бўлиб ишлаган.

Андижонлик уруш йиллари меҳнат фахрийси Турсуной Каримова ўша даврни хотирлар экан, ўзининг ўша пайтда 16 яшар кизча бўлиб, звенони бошқарганини таъкидлайди. Урушнинг иккинчи йили май ойида Турсуной Каримова илғор теримчилар катори Бутуниттифок фронтчи хотин – кизлар кенгашига Ўрта Осиё хотин – кизлари номидан вакила қилиб юборилади. У ердан қайтгач, ташкил этилган зарбдор бригадага раҳбар этиб тайинланади. Мазкур бригада бошқа бригадалар гектаридан 15–19 центнер ҳосил олганда, у 26 центнердан ҳосил олишга эришган. Колхоздаги шижоатли меҳнати туфайли Турсуной Каримова 18 ёшида колхоз раиси этиб тайинланди. У етарли билимга эга бўлиш мақсадида Москвага икки йиллик партия мактабига ўқишга боради. У ердан қайтгач, Ўзбекистон пахтачилик министрининг ўринбосари лавозимида тайинланади. Сўнгра кўп йиллар мобайнида Андижон вилояти Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари вазифасида меҳнат фаолиятини давом эттирди.

Наманган вилоятидан Зайнабхон Иброҳимова уруш йилларида Уйчи райони К.Маркс номи, Назирахон Рустамова «Байналмилал» номи колхоз раисининг ўринбосари лавозимида меҳнат қилган. Кўпчилик аёллар бригадир сифатида меҳнат қилишган (Ҳалимахон Тўхтабоева, Азизахон Бўронова, Ойхон Абдуллаева, Назирахон Рустамова). 1958 йилда вилоят бўйича жами 61 нафар ўзбек аёллари бухгалтер лавозимида меҳнат қилган.


1943 йилда Хоразм вилоятида 81 нафар аёл колхоз раиси, 334 нафар аёл раис ўринбосари, 133 нафар аёл ферма мудир, 77 нафар аёл бригадир, 744 нафар аёл звено бошлиғи вазифасида фаолият юритган. Умуман олганда, Ўзбекистонда уруш йилларида 64 мингдан зиёд хотин – қизлар колхозлардаги раҳбарлик лавозимларига тайинланган эди.

1944–1945 йиллар давомида партия ва совет ташкилотларида 940 нафар хотин – қизлар раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Раҳбарлик лавозимида ишлаётган аёлларни сиёсий рағбатлантириш мақсадида уларни партия сафига ёки партия аъзоси номзодлигига қабул қилиш жараёни оммалашган. Агар 1943 йилнинг биринчи ярмида республикада хотин – қизлардан 2486 киши партия сафига қабул қилинган бўлса, шу йилнинг иккинчи ярмида бу кўрсаткич 3386 тага етди. 1943 ва 1945 йилларни қўшиб ҳисоблаганда бу муддатда ВКП(б) аъзолигига 7897 нафар эркаклар ва 13698 нафар хотин – қиз партия аъзолигига номзодликка қабул қилинган. Қуйидаги 2 – жадвалга эътибор қилинг:

2 – жадвал

Уруш йилларида хотин – қизларнинг партия сафига жалб қилиниши

№	Йиллар	Партия сафига қабул қилинган аёллар сони
1	1941 йил	12 223
2	1942 йил	16 032
3	1943 йил	21 591
4	1945 йил	25 135



Ўзбек аёлларининг ўз вазифасига нисбатан масъулият билан ёндошуви туфайли уруш йилларида халқ хўжалигида маълум ютуқларга эришилди. Шу билан бирга, республиканинг барча вилоятларида агитатор –хотин – қизлар томонидан фашизм устидан ғалабага руҳлантирувчи, халқ хўжалигини ривожлантиришда ватанпарварлик ҳис–туйғуларини шакллантиришга қаратилган маърузалар мунтазам ўқиб борилган, давра суҳбатлари ташкил этилган. Бундай тадбирлар қизил чойхона ва бошқа маданий–оқартув муассасаларида олиб борилган. Жумладан, уруш йилларида Тошкент вилоятида 1183, Самарқанд вилоятида 5300, Андижон вилоятида 1750, Фарғона вилоятида 1455, Наманган вилоятида 2500 нафар хотин – қизлар оммавий тарғибот–ташвиқот ишларини олиб бориш учун жалб этилган.

Урушдан кейинги йилларда ҳам хотин – қизлар ўзларининг раҳбарлик соҳадаги фаолиятини давом эттирди. 1949 йилнинг охирига келиб, республикада ишлаётган колхоз раиси бўлган аёлларнинг сони 5000 нафардан зиёд эди.

Беш йил давом этган урушдан сўнг, иқтисодий тинч ҳаётга мослаштиришдан иборат вазифани мураккаб ижтимоий – сиёсий ва иқтисодий шароитларда олиб бориш лозим эди. Советларнинг мустамлакачилик сиёсати натижасида Ўзбекистоннинг мавжуд имкониятлари, миллий манфаатлари ҳисобга олинмади. Ишлаб чиқилган ижтимоий ва иқтисодий дастурлар марказ манфаатлари йўлига хизмат қилди.

Уруш йилларида тинимсиз меҳнат қилган хотин – қизлар урушдан кейинги тикланиш йилларида ҳам тараққиётни таъминлаш учун жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этиб, ўзларининг юксак меҳнат намуналарини кўрсатиб, аввалгидай даражада меҳнат қилишга мажбур эдилар. Чунки, совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг мақсад–манфаатларини амалга оширишда хотин – қизларнинг арзон ишчи кучи сифатидаги меҳнати талаб қилинар эди. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон аёллари иқтисодий ҳуқуқлардан сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига нисбатан кўпроқ фойдаланганлар.

Ўз КП МҚ нинг қарори ҳамда Ўз ССР Енгил саноат вазирлигининг 1953 йил 14 апрелдаги 192–а сонли буйруғига кўра, маҳаллий миллат хотин – кизларини раҳбарлик лавозимларига кўтариш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Андижон шаҳридаги тикувчилик фабрикаси ишчиси бўлган маҳаллий миллатга мансуб 3 нафар аёл Тошкентга, 3 нафар аёл Москва ва Ленинградга малака ошириш учун юборилган. Самарқанд вилояти Катта кўрғон тумани Крупская номли колхоз раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Р.Исламовадан ташкари яна 15 нафар аёл колхоздаги раҳбарлик лавозимларига жалб этилган.

КПСС МҚнинг 1960 йил 9 январдаги «О задачах партийной пропаганды в современных условиях» (Ҳозирги шароитда партиявий тарғиботнинг вазифалари тўғрисида)ги қарорида, Ўзбекистон КП МҚнинг XVIII Пленуми қарорида жойлардаги тарғибот – ташвиқот тадбирлари, давра суҳбатлари ва маърузаларни хотин – кизларнинг касбий фаолияти ва бандлиги соҳасидан келиб чиқиб юксак даражада ташкил этиш лозимлиги таъкидланган эди. Биргина 1977 йилнинг ўзида «Билим» жамиятининг маҳаллий бўлимлари томонидан хотин – кизларни «коммунистик» руҳда тарбиялашга қаратилган 800 дан ортиқ маърузалар ўқилган. Ушбу чора–тадбирлар натижасида хотин – кизларнинг жамият ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги фаоллигига эришилган. Бироқ, хотин – кизлар миқдорий жиҳатдан советлар ва партиявий лавозимларда, съезд ва анжуманларда депутат ёки делегат сифатида иштирок этган бўлсаларда, уларда етарли салоҳиятнинг йўқлиги боис, беписандлик билан «тил – забони йўқ, қиёфасиз кўпчилиқни» ташкил этган ҳолда амалдаги қонунларга янгиликлар, ўзгартиришлар киритишга қодир эмас эдилар. Чунки, улар етарли салоҳиятга эга бўлмаган совет ҳокимиятининг «гегемон синфи бўлган ишчи ва деҳқон» вакиллари эдилар. Аёлларнинг мартабали йиғилишлардаги иштироки уларнинг эркаклар билан амалдаги «тенг»лигини исботлаш, ижтимоий келиб чиқиши ҳақида мажлис ҳисоботида киритиш учун зарур эди, холос. Шунингдек, марказ томонидан махфий равишда сайланадиган депутатлар таркибининг

канчаси аёл – ишчи, аёл – деҳқон, аёл – хизматчи бўлиши лозимлиги аввалдан белгилаб қўйилар эди. Натижада XX асрнинг 40-80 – йилларида хотин – қизларнинг ижтимоий – сиёсий фаоллиги миқдорий жиҳатдан ўсиб борган:


- Биринчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида–92 нафар аёл;
- Иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида–106 нафар аёл;
- Учинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида– 124 нафар аёл;
- Тўртинчи ва бешинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида– 129 нафар аёл;
- Олтинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида– 139 нафар аёл;
- Еттинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида– 141 нафар аёл

бўлган, Ўзбекистон депутатларининг маҳаллий советларига 37 минг 274 нафар хотин – киз депутатликка сайланган. Агар биринчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибидаги хотин – қизлар 23,3 фоизни ташкил этган бўлса, еттинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида аёллар 30,79 фоизни ташкил этган. Бу жараёни 3 – жадвал орқали ҳам кўриш мумкин:

3 – жадвал

**Хотин – қизларнинг миқдорий жиҳатдан ижтимоий – сиёсий
фаоллигининг ўсиши**

№	ЎзССР Олий Совети чақириқлари	Аёллар сони
1	Биринчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида	92 нафар аёл
2	Иккинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида	106 нафар аёл
3	Учинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида	124 нафар аёл
4	Тўртинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида	129 нафар аёл
5	Бешинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида	129 нафар аёл
6	Олтинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида	139 нафар аёл
7	Еттинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида	141 нафар аёл
8	Саккизинчи чақириқ ЎзССР Олий Совети таркибида	151 нафар аёл
9	1987 йилда ЎзССР Олий Совети таркибида	183 нафар аёл



1955 йилда 15 мингдан ортиқ хотин – қизлар маҳаллий советларга депутат, 128 нафар хотин – қизлар Ўз ССР Олий Совети, 16 нафар аёл СССР Олий Совети депутати этиб сайланган бўлса, 1971 йил 13 июнда маҳаллий советларга бўлган сайловлар жараёнида депутатларнинг 38,5 минг нафарини аёллар ташкил этган. Шундан собиқ Иттифок Олий Советига Ўзбекистондан 22 нафар хотин – қизлар сайланган. 1975 йилда республиканинг 27 нафар вакили собиқ Иттифок Олий Советининг депутати, 151 нафар хотин – қизлар республика Олий Советининг депутати бўлиб, улар депутатларнинг 33 фоизини ташкил этган. Республика маҳаллий советлари депутатларининг эса 44 фоизини хотин – қиз депутатлар ташкил этган.

1980 йилларнинг охирида хотин – қизларнинг республика ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги, давлатни бошқаришдаги иштироки марказ томонидан олиб борилган аёлларнинг «партиянинг актив ёрдамчилари бўлишлари лозим» лигига қаратилган сиёсати натижасида партия сафларида хотин – қизлар 178 минг нафарни, яъни 28 фоизни, партия ташкилотларида котиба лавозимида фаолият олиб бораётган аёллар 32 фоизни ташкил этган; 27 нафар хотин – қизлар собиқ Иттифок Олий Совети депутати бўлиб, 38 фоизни, 183 нафар аёл республика Олий Советининг депутати бўлиб, 36 фоизни, 69 нафар аёл Қорақалпоғистон АССР Олий Совети депутатлари этиб

сайланган бўлиб, 37 фоизни ташкил этган. Республика маҳаллий советлари депутатларидан 42 фоизи хотин – қизлардан иборат бўлган.

Собиқ иттифоқ раҳбарияти хотин – қизларнинг ижтимоий – сиёсий фаоллиги ўсганлигини 1958 йил 7–8 март кунлари, 1961 йил 16–17 май кунлари, 1987 йил 26 апрелда бўлиб ўтган республика хотин – қизларининг съездлари орқали кўрсатишга интиланган. Шу билан бирга депутат аёллар таркибида олий маълумотга эга бўлган хотин – қизлар биринчи съездда 327 нафарни ташкил этган бўлса, иккинчи съездда 512 нафарни ташкил этган.

Социалистик қурилиш амалиётига биноан, совет жамияти ҳаётий фаолияти барча соҳаларининг ривожини зиёлиларнинг алоҳида социал қатлам сифатидаги ижтимоий ролининг ошиб бориши билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам съезд депутатлари таркибида зиёли аёллар миқдори юқори бўлишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўрганилаётган даврда совет жамиятининг энг оммавий ташкилоти – касаба союзларида ҳам хотин – қизларнинг роли катта бўлган. Улар касаба союз аъзолари сонининг ярмидан кўпроғини, 52 фоизини ташкил этган. Республика касаба союзлари кенгаши таркибида 215 нафар хотин – қиз бўлиб, улар 47 фоизни ташкил этишган. Республика касаба уюшмаларининг 11 та пленумида хотин – қизлар иш ва турмуш шароитини яхшилаш бўйича 1980 йил 27 июнда (Республика Марказий ижроия қўмитаси қошида ташкил этилган шундай комиссия 1932 йил 27 майда тугатилиб, советлар ижроия қўмиталари қошида хотин – қизлар секторига айлантирилган эди) тузилган комиссия хотин – қизлар, уларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш борасида анчагина ишларни амалга оширган. Жумладан, аёллар меҳнатини энгиллаштириш учун саноат корхоналарини юк ташувчи машиналар билан таъминланишини назорат қилган; аёллар учун 10 фоизга камайтирилган иш куни, узайтирилган таътил кунларини жорий қилган. Аммо, комиссия фаолияти барча оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган хотин – қизларнинг талабини қондириб, уларни ижтимоий

муҳофаза қила олмаган. Бунга сабаб, етарли имкониятларнинг йўқлигида эди.

Шу билан бирга жойларда ташкил этилган хотин – қизлар қўмиталари (женсовет)лар ҳам хотин – қизларнинг ижтимоий – сиёсий фаоллигининг ошишида муҳим аҳамият касб этган. Биргина Тошкент вилоятининг ўзида 1960 йилда 10 минг хотин – қизни ўзида бирлаштирган 1145 та хотин – қизлар қўмиталари фаолият юритган. Хотин – қизлар қўмиталари ўзларининг тарғибот–ташвиқот ишларида турли клублар, тўғараклар, тиббий маслаҳатхоналар, маърузачилар фаолиятидан кенг фойдаланган. 1970 йил 26 – 27 октябрь кунлари Ашхободда Ўрта Осиё ва Қозоғистон Хотин – қизлари озодлиги тарихига бағишланган халқаро илмий конференция ўтказилиб, унда минтақада хотин – қизлар масаласининг ҳал бўлиши тарихи муаммоларига, хотин – қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш ва маданий жараёнлардаги роли масалаларига бағишланган 40 та илмий маъруза тингланган. Уларда хотин – қизлар ҳаракати тарихини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги фикр–мулоҳазалар ўртага ташланса–да, минтақада хотин – қизлар муаммоларини ўрганиш бўйича илмий марказ ташкил этиш борасида ҳеч қандай таклиф ва хулосалар берилмаган.

1975 йилда собиқ Иттифок Фанлар академияси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ҳамкорлигида халқаро хотин – қизлар йилига бағишланган «Национальный аспект решения женского вопроса в СССР» (СССРда хотин – қизлар масаласи ҳал қилинишининг миллий аспекти) мавзусида умумиттифок илмий конференцияси бўлиб, унда ўқилган маърузалар ўз моҳиятига кўра илмий эмас, балки кўпроқ сиёсий аҳамият касб этган. Конференцияда маъруза қилган Р.Х.Абдуллаева хотин – қизлар масаласининг «тўлиқ ва буткул» ҳал қилинганлиги ҳақидаги фикрни айтган. Ваҳоланки, конференцияда қилинган маърузаларнинг биронтаси ҳам мавзуларни муаммоли тарзда танламай, балки фақат рақамларга оид статистик маълумотлар бериш билангина чекланган эди. Уларда хотин –

қизлар муаммолари ва уларнинг ечимлари юзасидан биронта ҳам таклиф ёки фикр – мулоҳазалар ўртага ташланмаган эди.

70 – йилларнинг охирига келиб, аёллар муаммосига тааллуқли камчиликларни жаҳон миқёсида умумижтимоий ҳодиса эканлигининг эътироф этилиши ҳамда бу камчиликларни изчиллик билан бартараф этиб боришга ҳаракат қилиниши, аёлларнинг ижтимоий ҳаётга аралашуви, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширди.

«Хотин – қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда қабул қилинган бўлиб, унда «аёлларнинг оилавий аҳволидан катъи назар, эркеклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги асосида уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ёки бошқа ҳар қандай соҳадаги инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари тан олиншини, фойдаланилиши ёки амалга оширилишини сусайтиришга ёхуд уларни йўққа чиқаришга қаратилган жинсий белги бўйича ҳар қандай тафовут, истисно ёки чеклаш» аёлларни камситиш деб белгиланади (1–модда). Жаҳон миқёсида миллат ва жамиятнинг келажаги аёл фаолиятининг иштироки билан тўлиқ эканлиги, уларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштироки таъминланган тақдирда жамият ўз ривожига мукаммал йўналишга эга бўлиши мумкин эканлиги эътироф этилди.

Бироқ, Ўрта Осиё хотин – қизларининг ўзига хос ижтимоий муаммолари, уларнинг оғир аҳволи ҳақидаги масалалар эса асримизнинг 80 – йиллари охирига келиб ўртага ташлана бошлади. Чунки, 80 – йилларнинг ўрталаридан бошланган «қайта қуриш сиёсати», «янгича фикрлаш», демократия ҳамда ошкоралик жараёнининг ўсиб бориши, ҳукмрон мафкура тазйиқининг бўшашуви натижасида миллий ўзликни англашнинг ўсишига, тарихий ҳақиқатнинг тикланишига ижтимоий зарурат туғилди.

«Қайта қуриш»нинг дастлабки йилларида ҳам аввалгидек, хотин – қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ролига ижобий баҳо берилди. Лекин, «Хужум»нинг 60 йиллигига ва хотин – қизлар ҳаракати тарихига

бағишлаб чоп этилган Р.Х.Аминова, Р.Я.Ражапова, Р.А. Убайдуллаева, В.Г.Чеботарёваларнинг рисоаларида илк маротаба хотин – қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш муаммолари, уларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, маиший турмуш тарзига эътиборни кучайтириш каби масалалар ўртага ташланди. Улар хотин – қизларнинг кўпроқ оғир саноатда қийин шaroитда меҳнат қилаётгани, бу эса улар организмнинг ўзига хос хусусиятларига мос келмаётганлиги, аёллар меҳнатидан унумли фойдаланиш муаммоси ишлаб чиқариш масалалари билан чекланмаслиги, малакали фаолиятни оила вазифалари билан бирга олиб бориш осон эмаслиги, хотин – қизларнинг касаначилик меҳнатидан, кўп болали аёлларнинг тўла бўлмаган иш кунидан фойдаланиш имкониятлари каби масалалар хақида фикр – мулоҳаза билдирдилар.

«Қайта қуриш» йилларида хотин – қизлар ҳаракатини баҳолашга янгича услубий ёндошув ишлаб чиқилиши зарурлиги асослаб берилган бўлса-да, лекин бу масаланинг тўлиқ ҳал қилинишига муваффақ бўлинмади. Чунки, коммунистик мафкуранинг давом этиб келаётган ҳукмронлиги, мустабид тузумнинг сақланиб турганлиги бунга имкон бермади.

1985 йил апрель ойида бўлиб ўтган XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси, 1987 йил январь ойида бўлиб ўтган Хотин – қизлар Бутуниттифоқ конференцияси аёллар масаласини давлат сиёсати миқёсида қўйди. Агар илгари халқ хўжалигида банд кишиларнинг ярмидан ортиғини аёллар ташкил этишидан мағрурланиб ёзилган бўлса, бугун бу нарсанинг қанчалик йўқотишлар эвазига бўлгани ҳеч кимга сир эмаслиги, аёллар эришган муваффақиятлар қатори уларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга кўп жиҳатдан ҳалақит бераётган муаммолар ҳали ҳам ҳал этилмаганлиги ошқора айтила бошлади. Собиқ Совет Иттифоқида эркинлик, демократия ва фуқароларнинг, жумладан, аёлларнинг сиёсий ҳаётдаги чинакам иштироки етишмаганлиги факти энди тан олинмоқда эди.

1987 йил январь ойида бўлиб ўтган коммунистик партиянинг марказий комитети Пленумида хотин – қизлар комитети бошлиқ хотин – қизлар

кенгашлари аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда партиянинг энг яқин ёрдамчилари эканлиги таъкидлангани ҳолда, «Хотин – кизларни бошқарувнинг барча поғоналаридаги ва жамият ҳаёт фаолиятининг ҳамма соҳаларидаги раҳбарлик лавозимларига кўтариш принципиал жиҳатдан муҳим» деб айтилган эди. Мазкур Пленумда хотин – кизларнинг ижтимоий – сиёсий фаоллигини оширишга ҳалақит қилаётган сабаблардан бири сифатида аёлларга нисбатан ҳали ҳам сақланиб келаётган патриархал муносабатлар, айрим раҳбарларнинг сиёсий фикрлашдаги қолоклиги туфайли истеъдодли хотин – кизларни пайкамаслик ҳолатлари ҳақида фикр – мулоҳазалар билдирилиб, кадрларни юқоридан туриб танлаш сиёсати танқид қилинади.

Шунингдек, аёлларнинг тортинчоқлиги ҳақидаги анъанавий тасаввур, лавозимга кўтаришда танлов йўлининг йўқлиги аёл кишига раҳбарликка даъвогарлик учун имкон бермас эди, бу эса кўпгина эркак раҳбарлар манфаатига мос тушарди. Натижада, халқ ҳўжалигида ишловчиларнинг ярми хотин – кизларни ташкил этса-да, раҳбарлик лавозимларида улар ниҳоятда камчилиқни ташкил этишар эди. Кейинги даврларда ҳам бу кўрсаткич мақтанарли даражада эмаслиги маълум.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимияти коммунистик партиянинг маънавий раҳнамолигида аёлларнинг ижтимоий – сиёсий ва касб – кор мартабасини, уларнинг раҳбарлик лавозимларида ишлашини қўллаб-қувватлади ҳамда мунтазам рағбатлантириб борди. Давлатнинг ҳомийлик сиёсати натижасида аёлларнинг ҳокимият органларида вакиллик қилишлари кўпайиб борди. Совет тизими аёллар номенклатурасини вужудга келтирди, бироқ у аёлларга нисбатан бўйсунувчи мавжудот сифатидаги анъанавий муносабатни бартараф эта олмади. Совет даврида ўзбек аёли учун тенг ҳуқуқлилиқ ва ижтимоий меҳнат фаолияти оиладаги анъанавий итоатгўйлик билан уйғунлаштирилди. Аёлнинг дин таъсиридан холи ва мустақилликка бўлган ички интилиши давлат томонидан қўллаб – қувватлангани ҳолда, миллий ва маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш манфаатлари йўлидаги ҳар қандай ҳаракат эса бостириб келинди.

Таянч сўзлар

Ижтимоий – сиёсий тузум, ҳукмрон мафкура, маданий оқартув муассасалари, депутат, делегат, гегемон синф, ишчи – аёл, интенсив, «қайта қуриш», ижтимоий муҳофаза, касаначилик.

Савол ва топшириқлар

1. Совет тузumi даврида хотин – қизлар бўлимлари қандай вазифани бажарган?
2. Хотин – қизлар матбуоти қачон ташкил этилган?
3. Уруш йилларида Ўзбекистондан 4555 нафар хотин – қизларнинг фронтда иштироки, уларнинг матонати ва жасоратлари ҳақида ҳақида гапириб беринг.
4. Совет ҳокимиятининг оммавий ташкилоти қасаба союзларида хотин – қизларнинг роли қандай бўлган?
5. «Қайта қуриш» йилларида хотин – қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқишдаги ролига қандай баҳо берилди?
6. 1985 йил апрель ойида бўлиб ўтган XIX Бутун иттифок партия конференциясида аёллар масаласи қандай ёритилди?

2–маъруза. Ўзбекистон хотин – қизларининг ижтимоий аҳволи

Режа:

1. Собик Иттифок даврида ўзбек хотин – қизларининг ижтимоий аҳволи.
2. Хотин – қизлар масаласига бағишланган халқаро ҳужжатлар.
3. Ҳукумат томонидан қабул қилинган қарор ва қонунларнинг моҳияти.

Хотин – қизларга муносабат масаласи башарият тарихида доимо ўзига хос мураккаб ижтимоий муаммолардан бири бўлиб келган бўлса-да, собик Иттифок тузуми даврида ўзбек хотин – қизлари аҳволига муҳим ижтимоий масала сифатида қаралмади. Совет ҳукумати ва коммунистик партия ушбу ижтимоий – сиёсий масалани ўзининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, кескин ҳал қилиш йўлидан борди.

Шунинг учун ҳам хотин – қизлар масаласи муаммоларини ҳал этишга бағишланган хорижий мамлакатлар томонидан қабул қилинган кўплаб халқаро ҳужжатлар собик совет ҳукуматининг эътиборини тортмади. Мисол учун, 1935 йил 21 июнда Женевада қабул қилинган «Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига 40 соатга қисқартириш тўғрисида»ги 47–Конвенция, 1936 йил 24 июнда қабул қилинган «Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисида»ги Конвенция, 1919 йилда Женевада қабул қилинган ва 1952 йил 28 июнда қайта кўриб чиқилган «Оналикни муҳофаза этиш тўғрисида»ги 103–Конвенция, 1979 йил 18 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Нью–Йоркда қабул қилинган ва 1981 йилда кучга кирган «Хотин – қизлар ҳуқуқларини камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги Конвенция шулар жумласидандир. Натижада, совет даврида аёлларнинг ҳуқуқлари жаҳон ҳамжамияти хотин – қизларидан ижтимоий муҳофазалаш борасида анча орқада қолган эди.

Хотин – қизлар аҳволи бўйича тўртинчи Бутунжаҳон конференцияси расман 1975 йилда – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ассамблеяси томонидан Халқаро хотин – қизлар йили деб эълон қилинган йилда бошланган жараёни тезлаштириши зарур эди. Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг Хотин – қизлар ўн йиллиги (1976–1986) хотин – қизлар ахволи ва ҳуқуқларини ўрганиш ва барча даражаларда қарорлар қабул қилишда бутунжаҳон ташаббусига айланди.

Аёллар муаммосига тааллуқли камчиликларни жаҳон миқёсида умумижтимоий ҳодиса эканлигининг эътироф этилиши ҳамда бу камчиликларни изчиллик билан бартараф этиб боришга ҳаракат қилиниши, аёлларнинг ижтимоий ҳаётга аралашуви, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширди. Аёлларга турли фаолият майдонини яратиб берди. Улар моддий қарамликдан қисман қутулиб, ўз истеъдод ва қобилиятларини тўла намоён этиш имкониятига эга бўлдилар. Бу ҳодиса, деярли барча мамлакатларнинг аёллар бўйича олиб борган сиёсатини, уларга муносабатини ўзгартиришга олиб келди. Миллат ва жамиятнинг келажаги аёл фаолиятининг иштироки билан тўлиқ эканлигини эътироф этишга, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида илм – фан, техника, ишлаб чиқаришда, бошқарувда уларнинг фаол иштирок этувига эришган тақдирдагина жамият ўз ривожига мукаммал йўналишига эга бўлиши мумкин эканлигини жаҳон аҳли тушуниб етди. Аёл ночор ва кўрқоқ ерда ҳаёт ҳам ночор ва кўрқинчга тўла эканлиги ҳар томонлама, ҳар ерда исботланди. Ночор аёл қудратли ўғил ва ўктам қизларни туғиб, тарбиялай олмаслиги аниқланди. Бу жамиятнинг феминизациялашувига йўл очди ҳамда аёлларнинг турли ижтимоий соҳаларда катта ютуқларни қўлга киритишига имконият яратди. Шунга қарамадан, ҳали биронта мамлакатда ҳам аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эришганлари йўқ.

Собиқ Иттифоқ даврида «аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берилиши» муносабати билан аёлларнинг жамоат ишларидаги иштироки ортиб борди. Улар жамиятда, жамоатчилик ишларида эркаклар билан тенг иштирок этиши билан бир вақтда уларнинг оиладаги анъанавий, этник ҳолатлари: аёллик, оналик мавқеи, оилавий роллар тақсимоотида улар зиммасига тушадиган ишлар миқдорининг кўплиги сақланиб қолаверди.

Совет ҳокимияти ва коммунистик партия ўзининг дастлабки кунлариданоқ халқни тоифа ва гуруҳларга бўлиш сиёсатини қўллади. Бу

билан ижтимоий ҳамкорлик ғоясига зарба бериб, маҳаллий аҳоли ўртасида ижтимоий зиддиятни юзага келтирди. Бу ҳол албатта хотин – қизлар турмушига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб, улар аҳволининг янада оғирлашувига сабаб бўлди.

Совет ҳокимияти хотин – қизлар ўртасида олиб борган сиёсатининг мустамлакачилик моҳиятини турли шаклларда ниқоблашга ҳаракат қилди. Жумладан:

- ўзбек аёллар менталитетининг ўзига хослигини, уларнинг миллий ва диний анъаналарини, маънавий кадриятларини эътиборга олмай, уларнинг ижтимоий аҳволини ҳамда турмуш тарзини ўзгартиришга интилди;

- аёллар руҳиятидаги исёнкорлик, жанговарлик туйғулари эса моддий неъматлар ишлаб чиқариш доирасига йўналтирилиб, қоралаб кўрсатилган ўз миллий, диний анъаналари ва урф–одатларига қарши курашга сафарбар этилди;

- ўзбек хотин – қизларининг сиёсий ҳамда ҳуқуқий онгини шакллантирмасликка қаратилган сиёсат туфайли уларнинг миллий ўзликни англаш ва мустақиллик сари курашиш учун зарур бўлган туғма эҳтиёжларининг уйғонишига йўл қўйилмади;

- ўзбек аёлларига хос бўлган хусусиятлар, яъни ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик каби туйғулар сунъий равишда Иттифок деб аталган ҳудуд билан ўлчанди;

- ўзбек аёлларининг ўз оиласидаги фаолияти ижтимоий меҳнат тури сифатида қадрланмаганлиги оқибатида оила ўзининг ижтимоий мавқеини йўқотди.

Чунки, совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг мақсад–манфаатлари маҳаллий миллат хотин – қизларининг ижтимоий аҳволи ҳамда турмуш тарзини тубдан ўзгартиришни талаб этар эди. Яъни, уларни фақат оилани ўйлайдиган шахслар эмас, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркаклар билан тенг асосда фаол иштирок этишни истайдиган шахслар қилиб тарбиялаш вазифасини ўз олдига қўйган эди. Шу мақсадда хотин – қизларни

хар жабҳада фаоллаштириш ишларига зўр берилган. Бу жараёни биз уруш йиллари даврида ҳам кўрамиз.

Урушнинг биринчи кунларидан бошлаб ҳарбий госпиталларда текин ишлаб берувчи аёллар ҳаракати кенгайиб борди. Ўзбекистонга жойлаштирилган 30 дан ортиқ госпиталларда аёллар жангоҳларда оғир яраланган жангчиларни парвариш қилишда тиббий ходимлар билан биргаликда фаолият олиб бордилар.

1941 йил 15 ноябрда Ўзбекистон КП(б) Марказий Қўмитаси собиқ Иттифоқ ХКСнинг 1941 йил 5 июлдаги «Уруш вақтида аҳолини кўчириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида аҳоли ва болаларни кўчириб келтирилиши муносабати билан фронт чизиғидан эвакуация қилган болаларни жойлаштириш ҳақидаги масалани муҳокама қилди ва уларнинг қабул қилиниши ҳамда жойлаштирилиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқди.

Эвакуация қилинган аҳолини жойлаштириш ишларига жиддий эътибор бериш мақсадида ўша даврда ЎзССР ХКС ва коммунистик партия 185-сонли махсус қарорни қабул қилди. Етим болаларга ёрдам кўрсатиш оммавий тус олиб, «Эвакуациядаги болаларни жойлаштириш ва тарбиялаш» республика комиссияси қошида жамоатчи аёлларнинг доимий фаоллар гуруҳи таркиб топди. Улар орасида ўзбек аёлларидан С.Ўлдошева, Г.Абдурахмонова, Ҳ.Носирова, С.Қобулова, Исомухамедова, Л.Саримсоқова, «Ўртоқ» фабрикасининг ишчиси Ниёзалиева қабилар бор эди.

Ўзбекистон ҳукумати собиқ Иттифоқ Халқ Комиссарлари Советининг 1942 йил февralида «Ота – онасиз қолган болаларни жойлаштириш» ҳақидаги буйруғи муносабати билан Ўз КП МҚ ва ЎзССР ХКСнинг «Фронт ёқасидан кўчириб келтирилган болаларни жойлаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эвакуация қилинганларга шарт-шароитлар яратиш учун 1941 йил ноябрь ойида «Фронтга яқин жойлардан кўчириб келтирилган болаларни жойлаштириш ҳақида»ги қарорни ва ҳамда эвакуация бўйича кенгаш қошидаги аҳолини эвакуация қилиш бўйича

бошқарма штатларининг низомини тасдиқлаш ҳақида эвакуация бўйича кенгаш 1941 йил 14 ноябр № СЭ187 рақамли қарорларни қабул қилди.

Эвакуация қилинганлар орасида кексалар, аёллар, болалар ва турли миллат вакилларига мансуб кишилар бор эди. Буни биз биргина Тошкент вилояти Тошкент шаҳрига фақат 1942 йил январ ойининг ўрталарида эвакуация қилинганлар мисолида кўришимиз мумкин. Жумладан, Тошкент шаҳрига шу даврда келганлар – 2712 нафарни ташкил этди. Шулардан эркаклар – 1252, аёллар – 1460, улардан 16 ёшдан – 59 ёшгача бўлган эркаклар – 1007, 16 ёшдан – 54 ёшгача бўлган аёллар – 1103, 7 ёшгача бўлган болалар – 205, 7 ёшдан – 16 ёшгача бўлган болалар – 182 нафарни ташкил этган.

Президент И.А.Каримов ўзбек халқининг олийжаноб ва инсонпарварлик фазилатлари ҳақида шундай деган эди: «Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, канчадан-канча етим есирларнинг бошини силади».

Ўзбекистонга 1941 йилнинг 1 октябридан 1942 йилнинг 1 октябригача фронт орти шаҳарларидан 78 болалар уйи ва 43 минг нафар болалар эвакуация қилинди. Умуман уруш йилларида республикага 200 минг бола келтирилган. Ота-онасиз қолган болаларни ўз оилаларига тарбияга олиш, биринчи навбатда, аёллар хоҳиши билан юз бера бошлади.

Масалан, 1942 йилнинг январиди 500 киши иштирок этган Қўқон хотин – қизлар активида республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Дадажонова: «Ўзимнинг олти фарзандим бор, бироқ еттинчисини ҳам тарбиямга олмоқдаман», – деб оналик меҳрини намуна қилганидан сўнг, унга издош бўлган 17 нафар қўқонлик аёллар ҳам эвакуация қилинган болаларни ўз тарбияларига олдилар. Тошкент бўйича 1942 йилнинг январ ҳолатига кўра 4672 нафар бола шаҳар аҳолиси хонадонидан бошпана топди. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад ота Шоаҳмудов ва Баҳри ая Ақромова турли миллат вакилларида иборат 14 нафар етимга бошпана бериб, бухоролик Муаззам ва

ва Шароф Жўраевлар, 8 болани тарбияга олган Баҳрихон Аширхўжаева, Самарканд вилояти Манғит қишлоғида яшовчи Ҳамид Самадов 13 болани тарбиялаган бўлса, Энгельс колхозининг раиси Фотима Қосимова 6 нафар боласини 12 нафарга кўпайтирган. 1943 йилнинг охирига келиб, 1940 – 1941 ўқув йилига нисбатан болалар уйлари ва уларда тарбияланувчилар сони Ўзбекистонда 2 баробар ортди ва болалар уйлари сони 212 тага етди ва уларда 27 минг болалар тарбияланди.

Уруш катнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига пенсия ва нафакалардан ташқари ҳар йили турли кўринишда ижтимоий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Афсуски, уруш катнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. 2006 йилда жойларда «9 май – Хотира ва кадрлаш» кунини 22 минг 251 нафар уруш катнашчиси нишонлаган бўлса, кейинги йил байрамгача уларнинг 18 мингдан зиёдроғи етиб келди. Шундай экан, уруш фахрийларини авайлаб-асраш, уларга муносиб авлод сифатида фаолият олиб боришда аёллар ҳам она, ҳам тарбиячи – мураббий, ҳам ўқитувчи – педагог сифатида ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашда ҳамиша масъул бўлиб қоладилар.

Республика хотин – қизлари урушдан кейинги халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш йилларида ҳам жамият ҳаётининг барча соҳаларида фаол иштирок этдилар. 50-йилларнинг ўрталаридан бошланган кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш сиёсатини амалга оширишда республика хотин – қизлари чўл зоналарида меҳнат намуналарини кўрсатдилар.

Бироқ, собиқ Иттифокнинг асосан ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишга қаратилган позицияси ижтимоий муаммоларни кейинги ўринга суриб қўйган эди. Шунинг учун ҳам, ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга мажбур этилган аёлларнинг ижтимоий ҳимоя қилишниши билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар сезиларли даражада чекланган эди. Уларга маиший, тиббий хизмат кўрсатиш ниҳоятда паст даражада эди. Аёллар меҳнатига талаб

канчалик юқори даражада бўлса-да, улар учун шароитлар яратиш масаласига эътибор шунчалик паст бўлган.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ҳам умумий даражаси жуда паст бўлган. Қишлоқларда шаҳарларга нисбатан 2 – 2,5 баравар камрок маиший хизмат кўрсатилган. Баъзи қишлоқ жойларда тикув цехлари, кир ювиш жойлари, ҳаммом, сартарошхоналар умуман бўлмаган. Айрим тиббиёт масканлари, мактаб ёки боғчалар қурилиши давом этаётган бўлса-да, фойдаланишга топширилди, деган сохта ҳисоботлар берилган. Хотин – қизларнинг ижтимоий аҳолини яхшилаш билан боғлиқ кўпгина қарорлар қабул қилинган бўлса-да (Постановление Совета Министров СССР и ВЦСПС от 25 апреля 1978 года «О дополнительных мерах по улучшению условий труда женщин, занятых в народном хозяйстве» №320; Постановление Госкомтруда СССР и Президиума ВЦСПС СССР от 25 июля 1978 года «Об утверждении списка производств, профессий и работ с тяжелыми и вредными условиями труда, на которых запрещается применение труда женщин» №240/ П 10–3) амалда бажарилмай, қоғозда қолиб кетган. Назорат органлари эса ўз ишларига масъулият билан ёндошмай, қўшиб–ёзиш, камчиликларни ҳаспўшлаш билан овора бўлишган. Амалда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш даражаси жиҳатидан Ўзбекистон собиқ Иттифокдаги ўртача кўрсаткичлардан анча орқада эди. Ўзбекистонда аҳолига, шу жумладан, хотин – қизларга маиший хизмат кўрсатиш ҳажми (аҳоли жон бошига ҳисоблаганда) мамлакатдаги ўртача 35 сўм ўрнига 30 сўмни ташкил этди.

Уруш йилларидаги қийинчиликларга қарамай, хотин – қизларнинг маданий–сиёсий даражасини ошириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида ишлар давом эттирилган. Мактабгача тарбия муассасалари республикада 1944 йилда 793 та бўлиб, уларда 59917 нафар болалар тарбияланган, бу кўрсаткичлар 1943 йилга нисбатан икки баравар кўп эди. 1960 йилда Ўзбекистон бўйича 110,1 минг нафар болани ўзида жамлаган 1426 та болалар боғчаси фаолият юритган. Кўрсаткичлар юқори бўлса-да,

республикадаги кўпгина саноат корхоналари ишчилари боғча ва яслиларда жой йўқлигидан азият чеккан, кўпгина саноат шаҳарларида болалар боғчаси ва яслиларда жойларнинг етишмаслиги ишчи – аёллар учун ишлаш имкониятларини бўғиб, қийинчилик туғдирар эди.

Коммунистик партия томонидан олиб борилган чора – тадбирлар, яъни боғчалар қурилиши ва тарбиячилар тайёрлаш масаласидаги амалий ишлар натижасида 12 йил – 1960 йилдан 1972 йилгача бўлган давр ичида мактабгача тарбия муассасаларининг сони 3 барабар – 4144 тага, тарбияланувчи болалар сони 4 марта – 423,1 минг нафарга ўсган. 1983 йилда эса, мактабгача тарбия муассасалари сони 8156 тага етган. 1987 йилда собиқ Иттифок микёсида 16,5 миллион, республика бўйича 1,1 миллион болалар мактабгача тарбия муассасаларига жалб этилган.

Ўзбекистон аҳоли структурасида болаларнинг ҳиссаси жиҳатидан мамлакатда энг юқори ўринлардан бирида бўлиб, мактабгача болалар муассасалари билан таъминланганлик жиҳатидан эса—энг паст ўринлардан бирини эгаллаган эди.

70 – 80 – йилларда Ўзбекистонда болалар боғчаси билан таъминланиш даражаси 37 фоизни ташкил этган бўлса, ҚҚАССРда, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида эса атиги 20 – 35 фоизни ташкил этган.

Оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида ҳам кўпгина қарор ва қонунлар қабул қилинган бўлса-да, лекин уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ўртасида номувофиқлик мавжуд эди. Масалан, 1981 йил 22 январда СССР Министрлар Совети ва КПСС МҚнинг (О мерах по усилению государственной помощи семьям, имеющим детей) қарорида ҳам кўп болали оналарга тўлиқ бўлмаган иш куни ёки қисқартирилган иш ҳафтасидан фойдаланган ҳолда ишлаш ёки уйда ишни ташкил этиш имкониятларини яратиш масаласига эътибор қаратилган. Партиянинг охири XXVII съездида ҳам хотин – қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, декрет таътилидаги аёллар учун боласи 1,5 ёшга тўлгунича, кам таъминланган oilалар учун эса, 12 ёшгача болалар тарбияси учун тўланадиган пул билан

таъминлаш масалалари муҳокама қилинган, бироқ амалда қабул қилинган қарорларнинг ижроси доим ҳам таъминланавермаган.

Ўзбекистонда 80 – йилларнинг ўрталарида 5 нафардан фарзанди бўлган 1 миллион 200 минг нафар аёл, шу жумладан, 100 мингга яқин аёлларнинг фарзандлари ундан ҳам кўп бўлиб, улар Совет давлати сиёсатига кўра, «кахрамон оналар» бўлиб, уларнинг сони 376 минг нафардан кўпроқни ташкил этган. 1 миллиондан зиёд аёл «Оналик шуҳрати» (9 фарзанд туғиб тарбиялаган аёллар 1 даражали, 8 фарзанд учун 2 даражали) орденига, 2 миллиондан ортиқ аёл (6 фарзанд туғиб тарбиялаган аёллар 1 даражали, 5 фарзанд учун 2 даражали) «Оналик медал»ига сазовар бўлишган. Етти ва ундан ортиқ фарзандли ва давлат нафақасини олиб турадиган кўп болали оналар сони Ўзбекистонда 1970 – 1980 йилларда 187 мингдан 213 мингга яқин кўпайган. Бундай шароитда аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишни асосий мақсад деб билган совет ҳукумати ва унинг маънавий раҳнамоси бўлган коммунистик партия асосий эътиборни болалар боғчалари ва яслилар қуришдан иборат муҳим ижтимоий масалага қаратиши лозим эди.

Бироқ, аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишни хотин – қизларнинг жамиятда фаоллашувининг ягона йўли деб эътироф этган мустабид совет тузуми, уларга бунинг учун имкониятлар яратиш масаласига эътибор қаратмади. Ваҳоланки, кўп болали онага интенсив профессионал фаолиятни оила ва турмушдаги вазифалар билан бирга қўшиб олиб бориш учун хотин – қизларнинг касаначилик меҳнатидан, кўп болали аёлларнинг тўла бўлмаган иш кунидан фойдаланиш имкониятларига ҳал қилувчи даражада эътибор қаратиш лозим эди. Шунингдек, аёлларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда уларнинг ишдаги вақтини 1 – 2 соат камайтириш лозим эди.

Айниқса, 70 – йиллардан бошлаб бу соҳада салбий тенденциялар кузатила бошланди. Хотин – қизларнинг оғир ижтимоий аҳволи (саноатда ишлаётган хотин – қизларнинг 50 фоизи, қишлоқ хўжалигида эса 90 фоизи қўл меҳнати билан банд эканлиги ва шу билан бирга қишлоқ аёлларининг 12

фоизи оғир кўл меҳнати билан шуғулланаётгани), оилада хотин – қизларга нисбатан сақланиб қолган эскича муносабатлар, аёлларнинг ҳақиқатни айтишларига имкон бермай, уларни чорасизликка, айниқса ички исённи ифода этишнинг энг оғир йўли бўлган – ўзини – ўзи ёқишига олиб келган.

70 – йилларда қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш ёмонлашди. Туғруқхоналарда оғир шароит юзага келди. Республикадаги мавжуд врачларнинг 20 фоизигина қишлоқларда ишлади, айниқса болалар врачлари, акушер–гинеколог ва бошқа соҳадаги шифокорлар етишмади (бир ёшгача бўлган 150–160 нафар болага бир врач ва иккита ҳамшира тўғри келган). Ҳар 10 минг аҳолига Ўзбекистонда собиқ Иттифокдагидан 25 фоиз кам врачлар тўғри келди. 1984 йилда барча ихтисосликлар бўйича хотин – қиз врачлар сони 33,9 минг кишини ташкил этган.

Болалар ўлими собиқ Иттифок республикаларига нисбатан Ўзбекистонда, хусусан, Сурхондарё, Қашқадарё, Андижон, Фарғона вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон АССРда юкори даражада эди. Республикада болалар ўлими кўрсаткичларини қуйида берилган 4 – жадвал орқали ҳам кўриш мумкин.

4 – жадвал

Республикада болалар ўлими коэффицентлари (1000 кишига нисбатан промилле ҳисобида)

Болалар ёши	1980 – 1981	1985 – 1986
Жами ўлганлар	7,3	7,1
1 ёшгача	43,8	45,6
1 – 4 ёшгача	6,6	6,1
5 – 9 ёшгача	0,8	0,8
10 – 14 ёшгача	0,6	0,6
15 – 19 ёшгача	0,9	0,8

Масалан, 1987 йил маълумотларига кўра, ҳар минг нафар туғилган боладан Жиззах вилоятида 46,6, Ғузор туманида 43,2, Олот туманида 53,4, Ғиждувон туманида 72,8 нафари ўлган. Республика стационарларида 87 минг

болалар ва акушерлик ўринлари етишмаган. Ўн иккинчи беш йиллик режасига кўра, атиги 10 минг ўринлик туғруқхона ва болалар муассасалари қурилиши мўлжалланган бўлиб, бу кўрсаткичга эришилган тақдирда ҳам реал аҳвол ўзгармас эди.

Яқин ўтмишда «турғунлик йиллари» деб ном олган 70 – 80 – йилларда қишлоқ аёлларининг ижтимоий аҳволи ниҳоятда оғир бўлган, уларнинг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар хас-пўшлашга ҳаракат қилинган. Ўша давр сиёсати, яъни коммунистик мафкуранинг ҳукмронлик мавқеи муаммоларни ошқора айтиш имконини бермас эди. Шунинг учун ҳам вақтли матбуотда мазкур масала фақат ижобий баҳоланган. Жумладан, 1975 йилда Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси учун учта республика, ўнта вилоят, 126 та марказий район ва 480 та қишлоқ участка касалхоналари; даволаш – профилактика муассасаларида олий маълумотли 6075 нафар врач, 1581 нафар фармацевт, 32530 нафар ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритган.

1987 йил маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 1200 дан ортиқ касалхона бўлиб, уларда хизмат қилаётган 10 мингга яқин шифокорнинг 58,8 фоизини хотин – қизлар ташкил этган.

80 – йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган «Қайта қуриш» сиёсати туфайлигина хотин – қизлар масаласидаги муаммолар секин-аста айтила бошлади. Ҳақиқатдан ҳам турғунлик йиллари кўринишлари аёллар ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этган эди. Аёл-меҳнаткаш, аёл-онанинг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган «Республикада оналик ва болаликни ҳимоя қилиш ва яхшилаш бўйича тадбирлар ҳақида»ги ва шу мазмундаги қонун ва қарорлар мунтазам равишда (1944, 1950, 1965, 1974, 1983, 1987 йилларда, 1988 йил январь ва июль ойларида) қабул қилинган бўлса-да, амалда биронта ҳам қарорда белгиланган, режалаштирилган тадбир ҳаётда тўлиқ ўз аксини топмаган. Бу қарорларнинг бажарилишини назорат қилувчи ташкилотларнинг ғоят кўплиги сабабли, амалда «ҳеч ким» назорат қилмаган. Жамиятда бефарқлик, лоқайдлик кайфиятлари ҳукм сура бошлаган.

Қабул қилиб келинган қарор ва қонунлар, амалга оширилган тадбирлар асосан аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш, ишлаб чиқариш илғорларини мақташга йўналтирилди. Уларнинг турмуши, ҳаёти, оиласи муаммоларига етарли эътибор берилмади. Айниқса, қишлоқда ижтимоий, маданий ва маиший соҳалардаги қаровсизлик аёлларнинг турмушини янада мураккаблаштириб юборди.

Турғунлик йиллари республика айрим раҳбарларининг бебошлиги, қуюшқондан чиққанлиги аёлларнинг ўз-ўзини ёқишига сабаб бўлди. 1986–1987 йилларда оиладаги мураккаб аҳволга чидай олмаган 290 нафар аёл ўз-ўзини ёққан. Бу фожеаларнинг энг кўпи Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятларининг Ургут, Китоб, Пойарик туманларида рўй берган. Улар ўлимни ҳаёт ва турмуш ташвишларидан қутулишнинг бирдан-бир чораси деб ҳисоблаб, шу йўлни танлашга мажбур бўлган. Бу ҳақда ҳаттоки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III Пленумида ҳам таъкидланган эди. «Оилада хотин – қизларни камситиш, уларнинг шарафи ва кадр – қимматини менсимаслик ҳоллари айниқса, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Бухоро, Навоий, Сирдарё областларида кўп». Бироқ, бундай фожеаларнинг олдини олишга аёллар турмуши ва меҳнати ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий соҳани тубдан яхшилаш билангина эришиш мумкин эди.

Бу масалалар бўйича 70 – 80 – йилларда 30 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, амалиётга татбиқ этилиши ниҳоятда суст бўлган. 1987 йил январь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон қасаба союзларининг XIII съездида меҳнат ва дам олиш режимининг бузилиши, кўпгина ижтимоий – маиший масалаларнинг ҳал қилинмаганлиги каби республикада ижтимоий соҳани ривожлантиришдаги жиддий қолоқлик ҳақида танқидий фикрлар билдирилди.

Жумладан, республика халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва аҳолининг бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш даражаси бўйича мамлакатда ўртача даражадан ҳам пастда ва Ўрта Осиё минтақасида

охиридан иккинчи ўринда туриши, ҳар бир киши ҳисобига маданий – маиший ва хўжалик моллари ишлаб чиқариш мамлакатдаги ўртача даражадан тўрт марта кам эканлиги, аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш даражаси бўйича эса республика энг сўнгги ўринда туриши ҳақида ошкора танқидий фикрлар айтилди.

80 – йилларнинг охирларига келганда аёллар республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этарди. Бу қуйидаги 5 – жадвалда ўз аксини топган:

5 – жадвал

Ўзбекистон аҳолисининг жинс таркиби

Йиллар	Жами аҳоли	Шу жумладан		Жами аҳолига нисбатан фоиз ҳисобида		1000 эркакка нисбатан аёллар сони
		Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	
1959	8119	3897	4222	48	52	1038
1970	11799	5744	6055	49	51	1054
1979	15391	7558	7833	49	51	1036
1989	19906	9824	10082	49	51	1026

Умумий ишчи ва хизматчиларнинг 43 фоиздан кўпроғи аёллар эди. 1970 йилда бу кўрсаткич 41 фоизни ташкил этган. Ишлаётган аёлларнинг 53 фоизи шаҳар саноатида банд бўлган. Ўзбек аёллари эса, уларнинг 21,3 фоизини ташкил этган. Аёллар соғлиқни сақлаш, кредитлаш ва давлат суғуртаси, халқ таълими, савдо ва жамоат овқатланиш системасида салмоқли ўрин тутган.

80 – йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган қайта қуриш руҳи, талаблари асосида бўлиб ўтган республика болалар врачларининг III съездида оналик ва болалик муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар юзасидан танқидий фикрлар ошкора айтила бошлади. Болалар ўлими собиқ Иттифок республикаларига нисбатан Ўзбекистонда хусусан, Сурхондарё, Қашқадарё,

Андижон, Фарғона вилоятлари, Қорақалпоғистон АССРда юкори даражада эканлигининг сабаблари санаб ўтилди. Хусусан, съезд делегатлари – Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 7 – болалар поликлиникаси бош врачлари Василя Ғиёсова, Фарғона область Фарғона район марказий касалхонасининг оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича бош врач ўринбосари Мурувват Ҳайдарова, Бухоро шаҳар 4 – болалар поликлиникаси мудирлари Сония Хидирова, Тошкент шаҳар Акмал Икромов район 16 – болалар поликлиникаси бош врачлари Мунира Носирова, Қарши шаҳридан анестезиолог–реаниматор Оромой Салоҳиддиновалар болалар соғлиғи бўйича масъул даволаш шахобчаларида дори–дармон, даволаш асбоб – ускуналари камчиллигини, техник жиҳатдан суи таъминланганлигини, малакали кадрлар, туғруқхоналар, болалар касалхоналарининг етишмаслигини, аҳолининг ичимлик сувлари билан таъминлаш энг илғор районларда ҳам 25 – 30 фоиздан ошмаслигини, иш шароити қониқарсиз бўлиб, болалар боғчаларида таъминот сифатсиз, мактабларда ошхона ва буфетлар хизмати қониқарсиз аҳволда эканлигини таъкидладилар. Ўзбекистондаги врачларнинг 60 фоизи хотин – қизлар бўлса ҳам, соғлиқни сақлаш нормаларига эътиборсизлик давом этаётганлиги танқид қилинди. Айниқса, пахта яккаҳокимлиги туфайли халқ хўжалигида бошқа тармоқларга эътибор берилмаганлиги, соғлом бўлиш учун инсонга керак бўлган озиқ–овқат маҳсулотларининг етишмаслиги танқид қилинди. «Шунча моддий бойликлар яратаётган республикада қачон инсон соғлиғи биринчи ўринга чиқар экан?» – деган танқидий хулосалар қилинди. Уч кун давом этган съездда оналар ва болалар соғлиғининг ёмонлашувига, болалар ўлимининг кўпайишига таъсир кўрсатаётган турли сабаблар – экологик вазиятнинг издан чиқиши, ижтимоий – иқтисодий аҳвол, хотин – қизлар, айниқса, бўлажак оналар–қизлар меҳнати, мактаб ва боғчаларда овқатларнинг сифатсизлиги каби салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан фикр–мулоҳаза ва таклифлар ҳам ўртага ташланди.

Ўзбекистон туғилиш энг кўп бўлган республикалар қаторида олдинги ўринда бўлиши билан бирга, биронта боласи бўлмаган аёллар сони жиҳатидан ҳам «биринчилик»ни эгаллагани ташвишли ҳол эди. Бу ҳолатни куйидаги 6 – жадвалда кўриш мумкин.

6 – жадвал

Биронта ҳам бола туғмаган аёллар

№	Тегишли миллатдаги аёлларнинг ҳар минг нафари орасида биронта ҳам бола туғмаганлари ҳақида статистик маълумот	
	Миллати	Сони
1	Руслар	239 нафар
2	Украинлар	223 нафар
3	Белоруслар	237 нафар
4	Ўзбеклар	326 нафар
5	Қозоқлар	346 нафар
6	Қирғизлар	333 нафар
7	Тожиқлар	321 нафар
8	Туркманлар	350 нафар

Бунинг сабаби советлар ҳукмронлиги йилларида оналикни муҳофаза қилиш, хотин – қизлар соғлиғини тиббий жиҳатдан таъминлаш масалаларига эътиборсизлик оқибати эди. Агар европа миллатидаги кўплаб аёлларда кўп болали оилалар унча одат тусини олмаган бўлса, ўзбек аёлларида бу нарса азалдан анъанага айланган бўлиб, у миллий психология, маданият, турмуш хусусиятлари билан боғлиқдир. Бироқ, биронта ҳам боласи бўлмаган аёлларнинг кўплиги турли аёллар касалликларининг олдини олиш қониқарли даражада ташкил этилмаганлиги, қишлоқ хўжалигидаги оғир меҳнат шaroитлари (меҳнатни механизациялаш даражасининг пастлиги, маиший шaroитларнинг қониқарли эмаслиги) билан изоҳланади.

Собиқ Иттифок маркази юритган ижтимоий сиёсат ҳам хўжакўрсинга эди. Ногиронлар ва пенсионерларнинг жуда қийин аҳволи, «бепул» тиббиёт сифатининг ниҳоятда пастлиги, хотин – қизлар зиммасига юкланган ғоят катта юк, кўп болали оилаларни қўллаб – қувватлашнинг мутлақо етарли эмаслиги шулар жумласидандир. Нафақалар белгилашда ҳам аёллар ишчи,

хизматчи ва колхоз аъзоси сифатида табақалаштирилган. Шуниси эътиборлики, уларнинг оладиган нафақа миқдорида ҳам фарқ бўлган. 1989 йилгача энг кам нафақа ишчи ва хизматчиларга ойига 50 рубл, колхозчи аёлларга эса ойига 40 рубл қилиб белгиланган эди.

Аёлларнинг нафақага чиқиши 1965 йил 14 июлда «Давлат нафақаларини белгилаш ва уни бериш тартиби тўғрисида»ги қонун ҳамда Низомларда белгиланган. Қонун 1972 йил 3 августда СССР Министрлар Кенгаши томонидан айрим ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан тасдиқланган.

70 – йилларга келиб Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги камчилик ва муаммолар кучайиб кетди. Бунинг асосий сабаби ижтимоий соҳадаги муаммолар бевосита ҳаёт талаблари билан эмас, балки маъмурий–буйруқбозлик усулида ҳал этилганлигида эди. Ижтимоий соҳани моддий – техник ресурслар ва маблағ билан таъминлашга иккинчи даражали вазифа деб қаралди. Марказлаштирилган иктисодиётнинг инкирозга юз тутаётганлиги ижтимоий таъминот масалаларини ҳал этишга салбий таъсир кўрсатди.

Баъзи колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ижтимоий соҳадаги муаммоларни имкон қадар ижобий ҳал қилишга интилиб, ўзлари раҳбарлик қилаётган хўжаликлардаги меҳмонхоналарни қишлоқ бўлими касалхонасига, врачлик амбулаториясига, боғча ва яслиларга, пионер лагерларига, мактаб қошидаги интернатларга, ўқув ишлаб чиқариш комбинатларига ва бошқа маданий, тиббиёт ва оқартув масканларига айлантирганлар.

1971 – 1975 йиллари Ўзбекистонда ижтимоий таъминотга сарфланган маблағлар аввалги беш йилликдагидан бир ярим баравар кўпайди ва 3 миллиард 300 миллион сўмни ташкил этди, – деб таъкидлайди Ўзбекистон ССР ижтимоий таъминот министри Васида Содикова. Ўзбекистон бўйича бу ҳаражатлар 1985 йилда 1970 йилдагига нисбатан 4 мартага кўпайган. Аммо, бундай тадбирларни олиб боришда мунтазамлилик кам сезилган. Қолаверса,

аҳоли сонининг муттасил ўсиб бориши, яъни 15 йилда анча ўсганлиги эътиборга олинмаган.

Фукароларни нафақа билан таъминлаш ҳақидаги янги Қонун 1989 йил 2 ноябрда СССР Олий Советида тасдиқланган ва 1991 йилдан кучга кириши режалаштирилган эди. Умумий талаб бўйича аёлларга эркакларга нисбатан 5 йил олдин нафақа белгиланган. 20 йил иш стажига эга бўлганларга 55 ёшдан, айрим ҳолларда барвақт нафақа тайинланиши мумкин бўлган. 1978 йил 18 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясида жамиятнинг энг муҳим бўғини – оилага фақат биттагина модда ажратилган эди.

Бу даврга келиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «марказдан бошқаришнинг амалдаги тизими, унинг идоралари, хўжалик юритиш услуб ва усуллари иқтисодиётнинг янада ривожланишига сезиларли туртки бўлишга, кескин ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қодир эмаслиги яққол аён бўлиб қолди». Иқтисодиётнинг ривожланиш суръати кескин пасайиб, унга бўлган сарф – харажатлар орта борди, тақчиллик янада кучайди. Мавжуд имкониятларни ҳисобга олмай қабул қилинган ижтимоий, озиқ – овқат, аграр, энергетика ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама-қаршиликларни чуқурлаштириб юборди. Натижада, иқтисодиётни батамом издан чиқариб, моддий ва молиявий тақчилликнинг ўсиши, меҳнаткашлар турмуш шароитининг янада ёмонлашишига олиб келди. Ишсизлик, озиқ – овқат, турар жой ва бошқа муаммолар ўз – ўзидан келиб чиқаверди.

Ўзбекистон 80 – йилларда ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришнинг бир қанча кўрсаткичлари юзасидан мамлакатда энг охирги ўринлардан бирида эди: уй-жой билан ўртача таъминланиши юзасидан иттифоқ ўртача кўрсаткичининг 65 фоизи (иттифоқдош республикалар орасида 12 – ўрин), касалхонадаги жойлар юзасидан 82 фоизи (9 – ўрин), бир сменада шуғулланиш учун мактаблардаги жойлар юзасидан 72 фоизи (12 – ўрин), доимий мактабгача тарбия муассасалари юзасидан 34,5 фоизи (12 – ўрин).

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилаётган даврда аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллашуви турли тўсиқларга ва муаммоларга дуч келиши куйидаги ҳолатларда, яъни:

- ишлаб чиқаришда иштирок этган аёлларнинг тажрибаси, касбий малакаси йўқлиги учун улар кўпроқ кам ҳақ тўланадиган, кўл меҳнати билан шуғулланишга мажбур эканлигида;
- аёлларнинг оила ҳўжалигида бажарадиган меҳнати ҳам қисқартирилмаганлигида;
- оила доирасида ўсаётган қиз ва йигит олами, уларнинг бажарадиган вазифасининг турлилиги сақлаб қолганлигида, яъни бунда қиз бола аёл зотига мансублиги учун кўпроқ итоаткор, оила ҳўжалигидаги барча ишни бажаришга мажбур деб тарбияланганлигида;
- эркаклар тасаввурида аёлларнинг асрлар оша камситилиши анъанасининг яшовчанлиги мавжуд эканлигида;
- аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш асосий мақсад деб белгиланган ҳолда, ижтимоий масалага эътибор қаратилмаганлигида;
- оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида ҳам кўпгина қарор ва қонунлар қабул қилинган бўлса-да, лекин уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ўртасида номувофиқлик мавжудлигида;
- ижтимоий соҳадаги муаммолар бевосита ҳаёт талаблари билан эмас, балки маъмурий – буйруқбозлик усулида ҳал этилганлигида намоён бўлди.

Таянч сўзлар

Миллат ва жамият, феминизация, оналик мавқеи, менталитет, исёнкорлик, ҳуқуқий онг, маънавий қадриятлар, ижтимоий меҳнат, эвакуация, маиший хизмат, мактабгача таълим, аҳоли структураси, интенсив.

Савол ва топшириқлар

1. Хотин – қизлар масаласи муаммоларини ҳал этишга бағишланган қандай халқаро ҳужжатларни биласиз?

2. Совет ҳукумати йилларида хотин – қизларнинг ижтимоий аҳволи ҳақида сўзлаб беринг.

3. Ҳукумат қабул қилган қонунлар қай тарзда бажарилган?

4. Ўша йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш даражаси қандай бўлган?

5. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида қабул қилинган қарорларнинг амалиётга тадбиқи қай тарзда бўлганлигини изоҳлаб беринг?

6. 70 - йилларда оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси қандай бўлганлигини мисоллар билан изоҳлаб беринг.

II МАВЗУ. ХОТИН – ҚИЗЛАР МЕҲНАТИНИНГ ИЖТИМОЙ– ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ

1–маъруза. Республика саноати тараққиётида хотин – қизларнинг ўрни

Режа:

1. Маҳаллий хотин – қизларни ишлаб чиқаришга жалб этиш.
2. Уруш йилларида хотин – қизларни саноатда иштироки.
3. Республика саноати ривожда иштирок этаётган аёлларни ижтимоий ҳимоялаш масалалари.
4. Ишчи аёлларнинг «социалистик мусобақа»ларда иштироки.

Маълумки, собиқ Иттифок марказий ҳукумати Ўзбекистонни иқтисодий жиҳатдан мустамлака, «марказ» учун арзон хом ашё етказиб берувчи база сифатида шакллантирди.

Собиқ Иттифок даврида «хотин – қизлар масаласининг ҳал бўлганлиги» ҳақидаги ғайриилмий хулоса совет ҳукумати ва коммунистик партиянинг хотин – қизларни «иқтисодий озодликка чиқариш» шиори остида ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш, улар меҳнатидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш орқали жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучига айлантиришига «имкон яратди».

Маҳаллий хотин – қизларни ишлаб чиқаришга кенг жалб этиш, аввало мустабид тузумнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш учун зарур эди. Энг аввало, социализмнинг бош мақсади ўз иқтисодини ривожлантириш экан, шу мақсадда хотин – қизлардан ишчи кучи сифатида фойдаланиб, уларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этди. «Социализм мамлакатларидан бўлак жаҳондаги ҳеч бир мамлакатда ишловчи хотин – қизлар фоизи бунчалик юқори бўлмаган».

Аёл организмнинг табиатан нозиклиги, оғир жисмоний меҳнатларни бажаришга қодир эмаслиги, агар бу мувозанат бузилса, оғир ижтимоий оқибатлар келиб чиқиши ҳеч кимни қизиқтирмади. Чунки, мустабид тузум

хотин – қизларнинг ишлаб чиқаришдаги оммавий иштирокисиз уларнинг тўлиқ озодлигини таъминлаб бўлмаслигини таъкидлаган ҳолда, уларнинг оиладан ҳам кўра кўпроқ ишлаб чиқаришда қатнашишидан манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам «Иқтисодий мустақиллик – жамиятда хотин – қизлар тенгҳуқуқлилигини таъминлашда асосий, бош ютуқ», «иқтисодий мустақилликни таъминлашдаги бош вазифа эса, хотин – қизларни ижтимоий меҳнатга жалб қилишдан иборат», деб ҳисобланди.

1938 йил 20 майда қабул қилинган ЎзКП (б) МҚ «О работе среди женщин» (Хотин – қизлар ўртасида олиб бориладиган ишлар) тўғрисидаги қарорида хотин – қизларнинг малакасини ошириш йўли билан уларни саноат ишлаб чиқаришига жалб қилиш, моддий–маиший шароитларини яхшилаш, раҳбарлик лавозимларига жалб қилиш масалаларига эътибор қаратилди. Республика хотин – қизлари партия ва ҳукумат томонидан қабул қилинган шу каби қарорларни бажаришга мунтазам равишда сафарбар қилиб борилди.

1940 йилнинг июнь ойида қабул қилинган Ўзбекистон большевиклар Компартияси Марказий қўмитасининг «О мероприятиях по вовлечению женщин на работу в систему потребительской кооперации Узбекистана» («Ўзбекистонда хотин – қизларни истеъмол кооперацияси тизими ишига жалб қилиш тадбирлари тўғрисида»)ги қарорида таъкидланишича, бир йил давомида 10 минг нафардан кам бўлмаган хотин – қизларни, энг аввало маҳаллий миллат аёлларини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш орқали истеъмол кооперациясида ишловчиларнинг умумий таркибида уларнинг улушини 35 фоиздан кам бўлмаган даражага етказиш бирламчи вазифа сифатида белгилаб қўйилган эди.

1940 йилнинг декабрь ойларида республика истеъмол кооперациясида банд хотин – қизлар сони 8863 нафарга етиб, уларнинг 3135 нафари маҳаллий миллат аёлларига мансуб эди. Шунингдек, бу соҳада банд аёлларнинг 482 нафарини коммунист – аёллар, 1208 нафарини комсомол қизлар ташкил этган. Айни коммунист ва комсомол хотин – қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга янада кенгроқ жалб қилишдан кўзланган мақсад хотин – қизлар

орасида коммунистик партиянинг сиёсий найранглarga тўла мақсад – манфаатларини амалга оширишдан иборат эди.

1940 йил 9 июнда Ўзбекистон комсомол – ёшлар уюшмаси кенгаши («Ўзбекистонда хотин – кизларни истеъмол кооперацияси тизими ишига жалб қилиш тадбирлари тўғрисида»)ги Ўзбекистон большевиклар Компартияси Марказий қўмитасининг 1940 йил 1 июндаги қароридан келиб чиқиб, 3 минг нафар комсомол–қизларни Ўзбекистон истеъмол кооперацияси тизимида ўқитиш курсларига жалб қилиш ҳақида махсус қарор қабул қилди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида республика комсомол хотин – кизларидан 1500 нафари бир ойлик курсларни якунлаганидан сўнг, туман ва қишлоқларга – 225 нафари Тошкент вилоятига, 227 нафари Самарқанд вилоятига, 525 нафари Фарғона вилоятига, 300 нафари Бухоро вилоятига, 105 нафари Хоразм вилоятига йўлланма олдилар.

Шундай қилиб, социализм қурилишида муҳим аҳамият касб этган иқтисодий хўжаликда кўп миқдордаги талаб қилинган ишчилар сафи маҳаллий миллат хотин – кизлари ҳисобидан тўлдирилди.

1941 йил 22 июнда бошланган фашистлар Германиясига қарши уруш йилларида ўзбек хотин – кизларининг халқ хўжалигидаги иштироки ва салмоғи ниҳоятда юқори даражага кўтарилди. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида фаол тарзда иштирок этиб, фронтга кетган эркаклар ҳисобига ҳам меҳнат қилдилар.

Фронт орқасида қолган минглаб хотин – қизлар “Ҳамма нарса фронт учун!», «Ҳамма она Ватан ҳимоясига!», «Фронт ортида фронтдагидек!», «Фақат олға ва олға!», «Топшириқни бажармай туриб уйингга кетма!» шиорларига жавобан юксак масъулият билан меҳнатда жасорат кўрсатдилар.

Урушнинг иккинчи кунидан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча корхоналарда, маҳаллаларда ва бошқа жамоат жойларида кўп минг кишилиқ митинглар бўлиб, шаҳар аҳолиси Ватанни ҳимоя қилиш учун жанг майдонидами, меҳнатдами, қаерда бўлмасин тайёр эканликларини баён қилдилар.

1941 йил 26 июнда Тошкент тўқимачилик комбинатида кўп минг кишилиқ митинг бўлиб, бунда улар ўз зиммаларига оширилган мажбуриятларни қабул қилганликларини таъкидладилар. Шаҳарда «Ўзинг ва фронтга кетган ўртоғинг учун ишла!» деган шиор кенг қулоч ёйди. 4 июлда Тошкент шаҳар Октябрь райони хотин – қизларининг «Ҳар қандай вазиятда ҳам эркаклар ўрнини эгалла!», «Меҳнат frontiдаги станок сари!» 15 минг кишилиқ митингида республика хотин – қизларига қарата мурожаатнома қабул қилинди. Унда: «...Азиз опа–сингиллар! Эримиз, акамиз, укамиз ва ўғилларимизнинг станок ёнидаги, комбайн рулидаги ва даладаги ўрнини эгаллайлик», дейилган эди. Айниқса, уй бекаси Ойша Юсупованинг фронтдаги ғалабани таъминлашга фронт ортида ҳисса қўшамиз, деган даъвати кўпчилиқ хотин – қизларни Ватан ҳимоясини ўз меҳнати билан таъминлашга чақирди. Мазкур мурожаатнома ва даъватномалардан сўнг, пойтахт хотин – қизлари фронтга жўнатиш ва ишга жойлаштириш ҳақида шаҳар партия комитети ва давлат органларига ариза бера бошладилар. Биргина 22–26 июнда шаҳар бўйича 1551 нафар хотин – қизлар фронтга жўнатишни, Октябрь райони бўйича 1–15 июлда 7508 нафар хотин – қизлар эса, ишга жойлаштиришни сўраб ариза берганлар.

1941 йил июлда «Правда» газетасида «СССРнинг ҳамма хотин – қизларига» мурожаатнома эълон қилинди. Мурожаатнома моҳияти аёлларни эркаклар ўрнини эгаллаган ҳолда фронт ортида меҳнат қилишга сафарбар этишга бағишланган эди.

Шундан сўнг, республиканинг корхона ва ташкилотларида хотин – қизларни «эркаклар касби»га ўргатиш ҳаракати кенг авж олди.

Самарқанд шаҳридаги «Колхозчи» заводининг ишчилари биринчилардан бўлиб корхонада хотин – қизларни бевосита станок олдида туриб ишлашга ўргатиш ташаббуси билан чиқиши натижасида 35 нафар уй бекаси токаръ ва слесарлик касбини эгаллаган. Шундай қилиб, республика ишлаб чиқариш корхоналарида хотин – қизларнинг нисбати йилдан–йилга

ортиб борган. Агар бу 1940 йилда 34 фоизни ташкил этган бўлса, 1942 йилда 50фоизни, 1943 йилда эса 63 фоизга етган.

1941 йил 3 июлда Бухоро меҳнаткашларининг кўп минг кишилиқ митингида ҳам хотин – қизлар эркаклар ўрнини эгаллашга даъват этилди. Чақириққа биринчилардан бўлиб қўшилган Когон темир йўл ишчи хотин – қизларидан 100 киши қисқа фурсатда эркаклар ўрнини эгаллаб, темир йўл катновини бир маромда давом этишида катта роль ўйнадилар. Станция навбатчиси, машинист – аёллар сафи кенгайди. 1941 йил охиригача вилоятдаги 5 мингдан ортиқ хотин – қизлар эркаклар станокларини эгалладилар. 1943 йилга келиб, вилоятда саноатдаги ишчи–хизматчиларнинг 82 фоизини хотин – қизлар ташкил қилди.

Хотин – қизларни оммавий касб – ҳунарларга ўргатиш бўйича техникум ва МТСларда саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашнинг 1 ва 6 ойлик қисқа муддатли курслари, 10 кунлик семинарлар, стахановчилар мактаблари ташкил этилди. Натижада, урушнинг 3 йили давомида 103 минг нафар ишчи – аёллар тайёрланди. Улар оғир жисмоний меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқаришга жалб қилинди. Хусусан, 1700 нафар ўзбек хотин – қизлари Ангрен кўмири конига ишга тушди.

Айниқса, 1942 йил 13 февралдаги ЎзССР Олий Совети Президиумининг фармони билан ишламаётган меҳнатга лаёқатли аёллар, ўсмир ёшлар ва нафақахўрлар ҳисобига ишчилар сафи янада тўлдирилди.

Республикада оммавий равишда хотин – қизларни эркаклар касбини ўқиб–ўрганишга сафарбар қилиш бошланди. 1941 йил октябрь ойида Тошкентдаги биргина «Ташсельмаш» заводида меҳнат қилган 2624 нафар ишчиларнинг 52,6 фоизини хотин – қизлар ташкил этган бўлса, ноябрь ойида Тошкентнинг 42 та саноат корхонасида 7620 нафар хотин – қизлар эркаклар касбини ўқиб – ўрганган. Агар 1940 йилда республика саноатида банд бўлган аёллар 34 фоизни ташкил этган бўлса, совет ҳокимияти ва коммунистик партия томонидан олиб борилган мажбурий сиёсат туфайли хотин – қизлар 1942 йилга келиб, 54,9 фоизни ташкил этган, шу йилнинг охирида хотин –

қизлар республика йирик саноат корхоналари меҳнат ресурсларининг 63,5 фоизини ташкил этиб, халқ хўжалигида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

1941 йилнинг 15 октябрида Тошкент шахрининг 42 та саноат корхонасига 11 минг нафар ишчи ишга қабул қилинган бўлиб, уларнинг 8 минг нафари хотин – қизлардан иборат эди. Хотин – қизларни саноат корхоналарига ишга жалб қилишда партия фаолларидан Ж. Обидова, Ф. Йўлдошбоева каби ўзбек аёллари ташкилотчилик ишларини фаол олиб борганлар.

Бироқ, шундай бўлса-да, саноат ишлаб чиқариши учун тайёрланаётган кадрлар ўртасида маҳаллий миллат аёллари сони «озчиликни ташкил этаётгани»дан марказ коникиш ҳосил қилмади. Шунинг учун ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1942 йил 13 февралдаги Фармони, ВКП (б)МҚ нинг 1944 йил 6 мартда қабул қилган қарори асосида ЎзКП(б) МҚ нинг X Пленуми республикада саноат ишлаб чиқаришини янда кучайтириш ва унга маҳаллий миллат аёлларини жалб қилиш масаласини алоҳида кўриб чиқди. Кўрилган чора–тадбирлардан сўнг, 1945 йилнинг бошларида Тошкент шахрининг ўзидаги ишлаб чиқариш корхоналарида 4 мингдан зиёд ўзбек хотин – қизлари ишлай бошлади.

Уруш йилларида марказдан Ўрта Осиёга эвакуация қилинган жами 308 та корхонанинг 104 таси Ўзбекистонга; улардан 55 та корхона Тошкент ва Тошкент вилоятига жойлаштирилган эди. Тошкентга кўчириб келтирилган 55 та саноат корхоналаридан бири Москва яқинидан кўчириб келтирилган Чкалов номидаги авиация заводи бўлиб, мазкур завод уч ой ичида катта ташкилотчилик ишлари туфайли ишчи кадрлар билан таъминланиб, тўла қувват билан ишлай бошлади. Умумий ишчилар сонининг 70 фоизи янги ишга қабул қилинган кадрлар бўлиб, шулардан 362 нафари ўзбек хотин – қизлари эди. Тажрибали ишчиларнинг фронтга кетиши натижасида вужудга келган кадрлар етишмовчилиги янги келган, тажриба ва меҳнат малакасига эга бўлмаганларни ғоят қисқа муддат ичида турли ишлаб чиқариш касбларига ўргатиш ва ўқитиш йўли билан тўлдириб борилди.

1941 йил сентябрда Ўзбекистон КП МҚ бюроси томонидан шаҳар саноат корхоналарини қурол–аслаҳа ишлаб чиқаришга ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилганидан сўнг, 1942 йилда шаҳарда мавжуд 137 та корхонанинг 64 таси ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтди. Ҳарбий ишлаб чиқаришни янада ўстириш янги технологияларни жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ғоят улкан қийинчиликларни енгишга боғлиқ эди. Давлат органларининг маъмурий – буйруқбозлик асосида хўжаликни бошқариши айниқса уруш йилларида авжига чиқди. Ҳукумат органлари томонидан ўртага ташланган асосий вазифа–мавжуд имкониятлар билан ҳисоблашмасдан, кишиларнинг жисмоний ва руҳий куч–қувватлари канча сарфланса ҳам, ҳолдан тойгунча ишлаб, режани албатта бажаришни талаб этар эди. Оғир меҳнат юки асосан, аёллар ва ёшлар зиммасига тушди.

Советларнинг маъмурий – буйруқбозлик бошқарув усули асосидаги тазйиқ ва сиқувлар оқибатида хотин – қизлар мавжуд муҳитга мослашишга мажбур бўлганлар. Ўзлари билиб – билмай социалистик халқ хўжалиги зарбдори бўлишга интилганлар.

Уруш йилларида ҳам мусобақалар ташкил этиш орқали хотин – қизларнинг ишлаб чиқаришдаги имкониятларига зўр бериш ҳаракатлари давом этди. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати ишчиси Идрисова режани ортиғи билан бажариб, 1 ойда 1 тонна пахта титишга муваффақ бўлди. Тўқувчи М. Носирова эса, бир вақтнинг ўзида 80 та станок билан меҳнат қилиб, режани ортиғи билан, Володарский номли Андижон фабрикаси ишчиси А.С. Шумилова кунлик нормани 3 ва 3,5 барабар ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлди. 1942 йил 30 майда Андижон моторни ремонт қилиш заводи ишчиси А. Буянчина ҳамкасбларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга чақириб, кунлик нормани 230 – 250 фоизга ошириб бажарган. Андижон «Строймашина» заводи ишчилари ҳам кунлик нормани 2 – 3 барабар ортиғи билан бажариш ташаббуси билан чиққан.

«Тошсельмаш» заводида Г. Халилова, Х. Шарипова, Решетникова, «Тоштрам»дан Пушкирева, «Большевик» артелидан опа – сингил Маъруфа,

Махнуса Гофурова, Тўқимачилик комбинатидан Муҳаббат Носирова, Аъзамова ва бошқалар кунлик нормаларини 200 фоиз қилиб бажарган. 1233 нафар хотин – қизлар эркалар касби бўйича меҳнат қилган. Биргина «Тошсельмаш» заводида 230 нафар хотин – қизлар ўқ – дори ишлаб чиқариш цехида ишлаган. 1945 йилнинг июнида СССР Олий Совети Президиумининг қарори билан фронт ичкарасидаги меҳнаткашлар учун таъсис этилган «Улуғ Ватан уруши йилларидаги шавкатли меҳнати учун. 1941–1945 йиллар» медали билан Тошкент шаҳри хотин – қизларининг вакиллари ҳам тақдирланган. Мана шундай рағбатлантириш орқали сунъий равишда сиёсий тус бериб ташкил этилган мусобақалар аёлларнинг оғир меҳнат остида эзилишига сабаб бўлди. Аслида мусобақалар ишчиларни давлатга қўшимча ишлаб беришга мажбурлашнинг бир тури бўлган эди, холос. Ишчи–аёлларнинг мусобақадаги иштироки уларнинг сиёсий онгига берилган баҳо бўлганлиги боис, ишчи – аёллар ҳеч бир имтиёзсиз жон – жаҳди билан, нормадан ортиқ ишлашга, мусобақада ютишга мажбур эдилар. Мусобақалар маҳаллий хотин – қизларнинг советлар максadini амалга оширишни сунъий жадаллаштиришда муҳим омил бўлиб, советларнинг «инқилобий–бюрократик» тафаккур мантиқига мувофиқ микдорий кўрсаткичлар ортидан қувишнинг ифодаси эди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам энг оғир юмушлар аёллар зиммасида бўлди. Урушдан кейинги дастлабки 1945 – 1949 йилларда республикада хотин – қизлардан саноат корхоналарида ўзбек аёл ишчилар сони биргина Андижондаги Володарский номи фабрикада 3,5 баравар, «Строммашина» заводида 3 бараварга кўпайди. Биринчи беш йиллик (1929–1933 йй.) даврида 18 мингга яқин янги ишчи – аёл кадрлар тайёрланган бўлса, Самарқанд вилоятида саноат тармоқларида маҳаллий миллат вакилларининг салмоғи 1940 йил 7,1 фоиздан 1948 йилда 19,7 фоизгача ўсган, жумладан, саноат ишлаб чиқаришда банд аёллар сони 21,2 фоиздан 40,6 фоизгача ўсган. 1951 йилда 105400 ишчи хотин – қизларнинг 7855 нафари ёки 7,4 фоизини

Ўзбеклар ташкил этди. Чирчиқ электрохимия комбинатида 24 нафар, Чирчиқ сельмаш заводида 14 нафар ўзбек ишчи хотин – қизлар меҳнат қилишган.

Ўз ССР Министрлар Советининг 1953 йил 14 апрелдаги 854 – сонли қарори, Ўз ССР Енгил саноат ва озиқ – овқат вазирлигининг 1953 йил 9 июлдаги 270 – сонли «Ўзбек хотин – қизларини ишлаб чиқаришга жалб қилишга доир қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида»ги буйруғига асосида ўзбек аёллари саноат ишлаб чиқаришига кенг жалб қилинди.

7–жадвал

Хотин – қизларнинг саноатдаги иштироки (1953–1954 йилларда)

1953 йил			1954 йил	
Саноат ишлаб чиқариш турлари	Жами аёллар республика миқёсида	Жумладан, ўзбек ва бошқа махаллий миллат аёллари	Жами аёллар республика миқёсида	Жумладан, ўзбек ва бошқа махаллий миллат аёллари
Главшёлк (шойичилик)	845	845	960	845
Главшвейпром (тикувчилик)	800	785	1000	845
Главобувь (пойафзал)	360	300	300	300
Главлуб	290	220	300	220
Главрасмасло (ёғ–мой)	300	250	300	250
Главхлеб (нон)	655	550	700	550
Главвино (вино)	300	250	350	250
Главконсерв (консервалаш)	490	400	500	400
Главпиво (пиво)	130	100	140	100
Табачная фабрика (тамакичилик)	30	25	40	25
Главмясохладпром (гўшт)	100	50	120	50
Главзаготскот (чорва)	20	10	20	10
Главмаслопром (ёғ саноати)	80	30	40	30
Главпищеснаб (озиқ–овқат)	30	25	30	25
Главрыбпром (балиқчилик)	150	100	200	130
Жами:	4580	3970	5000	4030

1955 йилнинг бошларида Ўзбекистондаги ишчи–хизматчиларнинг 38 фоизини, маҳаллий саноатда эса, 47,5фоизини хотин – қизлар ташкил этди.

Совет ҳукумати ва коммунистик партия хотин – қизларнинг ишлаб чиқаришдаги имкониятларига зўр бериш, белгиланган режаларнинг бажарилишини сунъий жадаллаштириш, саноатга маҳаллий аёлларни янада кўпроқ жалб қилиш, ишчилар орасидан илғорларни сунъий равишда кўпайтириш мақсадига мусобақалар ташкил этиш орқали эришиб борган.

8–жадвал

1940–80 – йилларда меҳнатга жалб этишнинг турлари

№	Меҳнатга жалб этишнинг турлари
1	Фронт бригадалари
2	Зарбдорчилик
3	«Социалистик ва коммунистик мусобақалар»
4	«Социалистик ва коммунистик меҳнат учун»
5	Ҳашарлар

Мусобақалар туфайли маҳаллий хотин – қизлардан миллий пролетариат шакллантиришда бурилиш ясалган, саноатдаги аёлларнинг ўрни сезиларли даражада ўсган. 1956–1958 йилларда республика саноат ишлаб чиқаришида хотин – қизлар салмоғи 41 – 43 фоизни, тикувчилик ва тўқимачилик саноатида эса, 60 фоизни ташкил этган. 1958 йилда республика бўйича 7356 ўзбек хотин – қизлари техник маълумотга эга бўлган. Шундай бўлса-да, марказ саноатда банд бўлган ўзбек хотин – қизларининг миқдоридан қониқиш ҳосил қилмади (республика йирик саноат ишлаб чиқаришида ишчилар синфи умумий миқдорининг 17,4 фоизини ўзбек хотин – қизлари ташкил этган) ва буни хотин – қизларни саноат ишлаб чиқаришига жалб қилишдаги камчилик сифатида танқид қилди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Коммунистик партияси ўзбек хотин – қизларини саноат ишлаб чиқаришига жалб қилишни янада кенгайтириш мақсадида уларнинг ўқиши, малака

ошириши, раҳбарлик лавозимларига кўтарилиши учун барча шароит яратиш ва барча имкониятларни ишга солиш борасида сиёсат олиб борди. Коммунистик партия ва совет ташкилотлари томонидан амалга оширилган чора–тадбирлар натижасида 1960 йилда хотин – кизлар республика ишчи ва хизматчилар умумий миқдорининг 39 фоизини, 1965 йилда 40 фоизини, 1970 йилда 41,5 фоизини, 1971 йилда 42 фоизини, 1977 йилда ҳам 42 фоизини ташкил этган, 1985 йилда 43 фоизга етган.

9–жадвал

Хотин – қизларнинг саноатдаги иштирокининг ўсиши

№	Йиллар	Саноатда банд хотин – қизлар сони
1	1960	39 %
2	1965	40 %
3	1970	41,5 %
4	1971	42 %
5	1977	42 %
6	1985	43 %
7	1990	45 %

Янги индустриал марказларда асосан оғир саноат тармоқларига зўр берилиб, хотин – қизлар ишлаши мумкин бўлган соҳаларни ривожлантиришга етарли эътибор қаратилмаган. Натижада, Ангрен, Бекобод, Олмалик, Чирчиқ ва бошқа шаҳарларда хотин – қизлар улар организмнинг ўзига хос хусусиятларига мос келадиган енгил ва озиқ–овқат индустриясида эмас, балки асосан оғир саноатда меҳнат қилишга мажбур бўлишган.

1964 йил май ойида бешинчи беш йиллик режаларини муддатидан илгари ҳамда ортиғи билан бажариб, намуна бўлган илғорлар сафида Тошкент Тўқимачилик комбинати ип йигирувчилари Н.Баҳодирова, С.Пўлатова, М.Пўлатова, Н.Мақсудова, Х.Ражаповалар бор эди.

Маълумки, 70–80 – йиллар турғунлик даври деб эътироф этилади. Чунки, совет ҳокимияти раҳнамоларининг марказлашган режалаштириш сиёсати, ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг марказ қатъий назоратида бўлиши, хом ашё манбалари ва табиий ресурслардан экстенсив равишда фойдаланилиши оқибатида саноатдаги ишлаб чиқариш ривожини, унинг ҳажми ва меҳнат унумдорлиги суръатлари, маҳсулотлар сифати пасайиб, бошқа энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар ёмонлашган, иқтисодиётда ўсиш бўлмаган.

Шунинг учун ҳам, коммунистик партия ва совет ҳокимияти саноатдаги турғунликни бартараф этиш чора – тадбирлари сифатида арзон ишчи кучи бўлган хотин – кизларнинг ташаббускорлигини ошириш, «социалистик мусобақа»ни кенг жорий қилиш, алоҳида танлаб олинган «илғор, зарбдор» ишчи – аёлларни «намуна» қилиб кўрсатиш, «меҳнат қаҳрамонлари», Олий Совет депутатлари даражасига кўтариш каби ниқобланган шаклдаги сиёсат олиб борган. Масалан, 60 – 80 – йиллар давомида саноатда «ўртак» бўлиб, садақат билан меҳнат қилган ишчи – аёллар қаторида М. Йўлдошева, Д. Қулматова, М. Жўраева, Ш. Холмухамедова қабилар бор эди.

Собиқ Иттифоқ даврида мусобақабозлик туфайли муддатидан илгари амалга оширилган ишлар «муваффақият» деб аталди. Жумладан, ўн биринчи беш йилликни енгил саноатчилар «муваффақият билан тугалладилар», деб таъкидланган эди сиёсий маърузалардан бирида. Улардан 15 минг киши беш йиллик топшириғини тўрт йилда адо этди. 25 нафар енгил саноатчи шахсий беш йиллик маррасини икки ярим йилда эгаллади. Мусобақабозлик ўйинида асосий масъулият коммунистлар зиммасига юклатилган эди, шунинг учун ҳам «Коммунистчасига яшаш ва ишлаш» деган қақирқ ишчиларнинг доимий шиориغا айланган эди.

Тошкент тўқимачилик комбинати ишчилари Евгения Губина 42 та станокни, Лидия Казанцева 48 тўқув станогини, Л. Коновалова 36 та, А. Мухтарова, К. Дўсенбинова, Д. Мухторова, С. Шодмонова 30 та станокларда бир йўла меҳнат қилишган. Улар узилган толани 24 секунд ўрнига 17–18 секундда улашга интилган. Улар ўз даврида совет ҳокимияти ва коммунистик

партиянинг манфаатлари халқ манфаатларига мос тушади, деб ишонишган ҳамда шижоат билан меҳнат қилишган.

«Малика» бирлашмасида биринчи бўлиб, коммунистлар Ойбас Аъзамова ва Масъуда Раимовалар бошлиқ тикувчи – мотаристкалар бригадалари, Андижон “Электроаппарат заводида Зухра Қодирова бригадаси белгиланган режани ортиғи билан бажариб барчага намуна бўлишган. Зухра Қодирова ўзининг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги учун III даражали «Меҳнат шухрати» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Социалистик мусобақа пешкадами» нишонлари соҳибаси бўлган ҳамда СССР Олий Совети депутатлигига сайланган.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг энг илғор ишчилари—ип йигирувчи Валентина Эргашева, Каромат Ёқуббоева ва Шоира Тошматова ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажаришга ҳаракат қилиб, 56 дастгоҳ ўрнига 90 дан ортиқ дастгоҳда ишлашга мажбур бўлишган. Сиёсий байрам кунларига бағишлаб «зарбдор кунлар» ташкил этилган. Матбуотда алоҳида «зарбдорлар минбари» рукни остида илғор аёллар меҳнатини ёритувчи мақолалар мунтазам бериб борилган. Хусусан, Андижондаги тикувчилик фабрикасининг чевар ишчиси Санобар Мўйдинованинг Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги Н.К. Крупская номи тикувчилик фабрикасининг ишчиси Райҳон Содикова билан мусобақаси матбуотда кенг ёритилган. Яна шундай Андижон трикотаж фабрикасининг чевар ишчиси Замира Саидхўжаева ўз бригадаси билан меҳнат натижаларида илгарилаб кетиб, 1974 йилда 1976 йил ҳисоби учун меҳнат қилаётганлиги, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси директори Сайёра Султонова беш йиллик режага қўшимча 5 миллион 766 минг сўмлик ўрнига тўрт йил—у 10 ой ичида 6 миллион 19 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги матбуотда фахр билан эълон қилинган.

Шунингдек, коммунистик партиянинг XXIV съезди шарафига ташкил этилган «социалистик мусобақа» ғолиблари «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси тикувчилари, XXVI съездолди мусобақасида Самарқанддаги «Труд

женщин» бадий–гилам фабрикасининг попопчиси Салима Лукмонова ҳамда XXVII съездига бағишлаб ташкил этилган 27 зарбдор ўн кунликда Бухоро зардўзлик фабрикасининг катнашчиси Шамсия Ғаниева, Қўқон пойабзал фабрикасининг бичиқчиси Муҳаббат Соҳибова, Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Каромат Ёқуббоева ва бошқалар бор эди. Улар зиммаларидаги мажбуриятларни икки ва ҳатто уч баравар ошириб бажаришга мажбур эдилар. Чунки, уларнинг фаолиятлари «ташаббускорлик» сифатида юқори даражада рағбатлантирилган. Масалан, Салима Лукмонова 80000 сўмлик 3638 та атлас сўзана тиккан. Бу беш йиллик учун мўлжалланган режадан уч ярим баравар ортиқ эди. Мана шундай мажбурий меҳнатни талаб этган «социалистик мусобакалар», «ватанпарварлик», «ташаббускорлик» деб таърифланган. Ташкил этилаётган мусобакалар «беш йиллик режаларининг муттасил ошириб, белгиланган муддатидан олдин бажарилишига, камроқ чиқим қилиб, кўпроқ ва яхшироқ маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилиши» лозимлиги ҳақида партия XXV съезди ҳужжатларида ёзилган.

Хуллас, ишчи – аёлларнинг мусобақадаги иштироки уларнинг сиёсий онгига берилган баҳо бўлганлиги боис, ишчи – аёллар ҳеч бир имтиёзсиз жон–жаҳди билан, нормадан ортиқ ишлашга, мусобақада ютишга мажбур эдилар. Аслида бу ҳолат ишчиларни давлатга қўшимча ишлаб беришга мажбурлашдан иборат ниқобланган шаклдаги мустамлакачилик сиёсатидан иборат ҳаракат эди.

Кам ҳақ тўланадиган оғир шароитда ишлаш аёллар учун жуда катта қийинчиликлар туғдирган. Улар ишчилар сафини тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб, республика аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этган. 1975 йилда саноатда банд бўлган хотин – қизлар 46 фоизни ташкил этган. Ўзбек аёллари эса, уларнинг 21,3 фоизини ташкил этган. Енгил саноатда, айниқса, ўзбек аёлларининг салмоғи катта бўлган. Жумладан, Наманган ипак ва костюмбоп газламалар комбинатида улар 60 фоизини аёллар эгаллаган.

Ўзбек аёлларининг ишчи ва хизматчилар орасидаги сони 1980 йиллар ўрталарига келганда ўтган ўн йил ичида деярли икки баробар ортган. Бунинг асосий сабаби 1975–1985 йилларда 570 дан зиёд йирик ишлаб чиқаришлар, корхоналарнинг қишлоқ жойлари ва посёлкаларида цех ва филиалларининг очилиши бўлган.

Шу билан бирга республикада ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли кишилар миқдори анча бўлган. Унинг 80 фоизидан кўпроғини хотин – қизлар, яъни уй – рўзгор иши билан банд бўлган кўп болали аёллар эгаллаган. Уларни ҳам ижтимоий банд аёллар қаторига киритиш мумкин.

1975 йил республикада ҳар 1000 аёлнинг 210 таси халқ хўжалигида банд бўлган. Агар илгари халқ хўжалигида банд кишиларнинг ярмидан ортиғини аёллар ташкил этишидан мағрурланган бўлсак, бугун бу нарсанинг қанчалик йўқотишлар эвазига бўлганини яққол кўриш мумкин. Аёллар эришган муваффақиятлар қатори, уларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишига ҳалакит бераётган муаммолар ҳал этилмаган.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган аёлларнинг эркаклар билан бир сафда ишлашлари учун етарли даражада шарт – шароитлар яратилмаган. Турғунлик кўринишлари аёллар ҳаётининг барча соҳаларига ўзининг салбий таъсирини ўтказган.

Уларнинг турмуш ва меҳнати ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, ижтимоий соҳани тубдан яхшилаш ишларининг бориши қониқарли даражада эмас эди. Аёллар бўш вақти кўп бўлиб, асосан оилада, болалар тарбияси билан шуғулланишлари учун шароит яратиб берилиши кераклиги ва аёллар ҳақ–ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича сўнгги йилларда 30 дан ортиқ норматив–ҳуқуқий актлар қабул қилинган бўлса-да, бироқ булар амалда биронта натижа бермаганлигини таъкидлаш мумкин.

Аёлларнинг касб маҳоратларини ошириш билан бир қаторда, уларни оғир жисмоний меҳнат ва зарарли ишлардан озод этиш ҳам муҳим аҳамият касб этса-да, бироқ, 1980 йиллар ўрталаридаги маълумотларга кўра,

республикада 145 минг иш жойи меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига жавоб бермаган, 112,5 минг аёл кучли шовқинда, чанг ва газланган, ёмон ёритилган, ҳарорат режими ноқулай шароитда, 43,8 минг аёл эса тунги сменада меҳнат қилган.

Республика саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улуши мамлакатдаги ўртача даражадан анча юқори бўлган. Республика саноатида қўл меҳнати салмоғи ўртача 35–36 фоизни ташкил қилган бўлса, аёллар орасида 42,5 фоиздан иборат бўлган. Шунинг учун ҳам хотин қизлардан малакали кадрлар тайёрлаш билан жиддий шуғулланиш, улар учун етарли иш шароитлари яратиб бериш талаб этилар эди. Улар ишлаб чиқаришда ишлаш билан бирга, оила, рўзғор ишларини ҳам бажарган. Шу муносабат билан аёлларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда уларнинг ишдаги вақтини 1 – 2 соат камайтириш лозим эди. Кейинги йилларда республикада кўп болали ўзбек аёлларининг уйда ишлаши ўзининг юксак ижтимоий – иқтисодий самарадорлигини исботламоқда. Шунинг учун ҳам аёлларнинг уйда ишлашларини ривожлантириш, яъни касаначилик меҳнатига алоҳида эътибор қаратиш ҳамда уларга тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз ҳафта ишлаш ҳуқуқи берилиши жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, Марғилон фабрикасидаги ишчиларнинг 46 фоизини, Косонсой комбинати ишчиларининг 25 фоизини уйда ишлайдиган аёллар ташкил этган. Мана шундай йўл билан республикадаги ўн минглаб аёллар (асосан кўп болали) ижтимоий–фойдали меҳнатга жалб қилинган. Бироқ, ўрганилаётган даврда қабул қилинган «Якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисида»ги қонун амалиётда ўз ифодасини топмаган. Яъни, кўп болали оналар касаначилик меҳнати тизимига суст жалб қилинган.

XX аср 80 – йилларининг охирларида маҳаллий аёлларнинг иш билан машғуллиги даражаси ошиб борди. Бу даврда Ўзбекистон мингдан ортиқ турда маҳсулот берувчи 1500 дан ортиқ йирик корхоналарга эга бўлиб, уларда миллионлаб ишчилар меҳнат қилган. Шу жумладан, хотин – қизлар ҳам ишчиларнинг асосий салмоғини ташкил этган. Ишчи ва хизматчилар

орасида ўзбек аёллари сони кейинги ўн йил ичида деярли икки баравар ортган. Улар қишлоқ хўжалигида ишлаётган аёлларнинг 77,1 фоизини ташкил этган. Малакасиз қишлоқ хўжалиги меҳнати билан шуғулланган қишлоқ аёллари иқтисодий иерархиянинг энг қуйи поғонасида турганлар. Шу билан бирга Ўзбекистонда ишламайдиган аёллар фоизи собиқ Совет Иттифоқи бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган, расмий энг кам истеъмол даражасидан паст шароитда яшовчи аёллар сони эса Ўзбекистонда бошқа совет республикаларидаги ўхшаш кўрсаткичлардан ошиб кетган.

Кам малакали, оғир, бунинг устига кам ҳақ тўланадиган меҳнат жамиятнинг ижтимоий–иқтисодий ва маънавий ривожини секинлаштиради. Зеро, у ишлайдиганларни ўзидан бегоналаштирган, шу билан бирга уларда ўз болаларини бундай оғир меҳнатдан ҳар қандай йўллар билан эҳтиёт қилишга интилишни кучайтирган.

Собиқ Иттифокнинг сўнгги йилларида Ўзбекистоннинг меҳнатга яроқли аҳолисининг 14 фоизи (бошқа республикалардаги 5,5 фоизга таққослаганда) ишсиз бўлганлигини ва уларнинг ўнтадан тўққизтасини аёллар ташкил қилганлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қабул қилиб келинган қонунлар, амалга оширилган тадбирлар асосан аёлларни ижтимоий фойдали меҳнатга қаратиш, ишлаб чиқариш илғорларини мақташга йўналтирилди. Уларнинг турмуши, ҳаёти, оиласи муаммоларига етарли эътибор берилмади. Совет ҳокимияти раҳнамолари коммунистик партия манфаатларидан келиб чиқиб, хотин – қизлар меҳнатидан имкони борича турли усуллар билан, яъни рағбатлантириш ҳамда мажбурлаш орқали фойдаланишга ҳаракат қилди ва бунинг уддасидан чиқди. Хотин – қизларга асосан ишлаб чиқариш воситаси сифатида эътибор берилди. Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг иқтисодий манфаатларини амалга ошишига тўсик бўлган минтақадаги ишчи кучи етишмаслиги муаммоси хотин – қизлар меҳнатидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш эвазига ҳал килинди. Ҳамда шу йўл билан Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан унумли фойдаланишга эришилди.

Совет маъмурлари аёлларнинг оиладан ҳам кўра кўпроқ ишлаб чиқаришда бандлигидан манфаатдор бўлгани учун аёлларнинг бутунлай янги авлодини, яъни жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркаклар билан тенг асосда меҳнат қилишга қодир эркакшода шахслар қилиб тарбиялашни мақсад қилиб қўйган эди. Ўзбек хотин – қизлари ташаббускор ва интилувчан, меҳнатсевар ва ватанпарвар бўлгани учун ҳам сидқидилдан фидойи меҳнат қилди. Аммо, бу фидоийлик сохта ватан деб аталган собиқ Иттифок ҳудуди билан ўлчанди.

Таянч сўзлар

Саноат, технология, касб – ҳунар, жисмоний меҳнат, иқтисодий мустақиллик, малака ошириш, ижтимоий ҳимоялаш, ишчилар синфи, нафақахўрлар, оғир саноат, енгил саноат.

Савол ва топшириқлар

1. Собиқ Иттифок даврида хотин – қизлар масаласи қандай ҳал қилинди?
2. Нима сабабдан аёллар ишлаб чиқаришга жалб этилди?
3. Уруш йилларида аёлларнинг саноатда иштироки қай тарзда бўлди?
4. Аёллар нима сабабдан оғир саноатда ҳам ишлашга мажбур бўлди, изоҳлаб беринг.
5. Мусобақалар нима учун ташкил этилган?
6. Ишлаб чиқариш билан банд бўлган аёлларнинг ижтимоий аҳволи қай даражада эди?

2–маъруза. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришда хотин – кизларнинг иштироки: ютуқлар ва муаммолар

Режа:

1. Совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда пахтачиликни ривож.
2. Ўзбек аёлларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида иштироки.
3. 60 – йилларда бошланган тунсинойчилик ҳаракати ва унинг натижаси.
4. Пахта якка ҳокимлиги ва унинг оқибатлари.

XX асрнинг 40 – йилларида марказ пахта мустақиллигига эришиш мақсадида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини илгариги йиллардагидек бир томонлама ривожлантириш йўлидан олиб бориб, асосан пахтачилик тараққиётига эътиборни қаратди. Республиканинг ҳукмрон марказга қарамлигини янада мустаҳкамлашнинг шарти бўлган бу сиёсатни ғоявий ва назарий жиҳатдан асослаш учун «ягона хўжалик комплекси» ва «ихтисослаштириш» деб аталган улуғ давлатчилик сиёсатини олиб борди. Совет ҳукумати ва унинг маънавий раҳнамоси бўлган коммунистик партия томонидан пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган кўплаб қарорлар қабул қилинди, катта ҳажмдаги маблағлар сарфланиши ҳисобига пахтачиликнинг моддий – техник базаси мустаҳкамланди.

Мазкур жараёнларга ўзбек хотин – кизлари ҳам кенг жалб қилинди. Республикада колхоз ишлаб чиқариши меҳнатининг 50–60 фоизи, айрим районларда эса бундан ҳам кўпроқ қисми хотин – кизлар зиммасига тушар эди. Пахта далаларининг майдони кенгайтирилиб, Ўз КП(б) МҚ томонидан хотин – кизларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига жалб қилиниш жараёни юзасидан доимий назорат ўрнатилди. Ўзбек аёлларининг меҳнат фронтида совет давлати учун ишлаб беришга мажбуран сафарбар қилиниши, уларнинг оиласи ва фарзанд тарбиясидан иборат муқаддас вазифасининг кейинги ўринга суриб қўйилишига сабаб бўлди. Бу эса, уларнинг анъанавий турмуш тарзидан бегоналашувининг ўсишига олиб келди. Айниқса, аёлларнинг трактор билан ишлашга мажбур этилиши янги

катлам, яъни эркаклар билан тенг меҳнат қилишга шай эркакшода аёллар катламини юзага келтирди. Бу эса, тоталитар тузум раҳнамолари томонидан аёлларни “оғир қўл меҳнатидан халос этиш”, “енгил ишларга жалб қилиш” деб аталди. Колхозда хотин – қизларнинг «катта куч эканлиги, агар улар техникани эгалласа, янада катта кучга айланиши» мустабид тузумнинг ғоявий тарғиботчилари томонидан ҳар бир аёл онгига турли мафкуравий усуллар орқали сингдирилди. Шунингдек, кунига 200–300 кг пахта териб, «илғорлар» сафидан ўрин олганлар ва ҳаттоки, ёш бўлишига қарамай (Ургут тумани Мирза қишлоқ советидан 12 ёшли кашшоф қиз Қумри) кунига 65–70 кг пахта терган қизлар «фахр» билан овоза қилинди. Бу ерда хотин – қизлар саломатлигига, уларнинг миллат таянчи сифатида соғлом авлод туғиш ва тарбиялашдан иборат бирламчи вазифасига эътибор берилмади. Чунки, советларнинг асосий мақсади қандай қилиб бўлса ҳам белгиланган беш йиллик режаларини муддатидан илгари бажаришга эришиш орқали республика имкониятларини марказ манфаатига бўйсундиришга қаратилган эди.

Шу мақсадда хотин – қизлар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда механизаторлик курсларига жалб қилиниб, аёллар организмнинг ўзига хос нозик хусусиятлари инобатга олинмай, олдиндан белгиланган аниқ меъёрларни бажаришга сафарбар қилинди. Айнан қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш – «пахтачиликнинг истиқболи» деб таърифланди.

Хотин – қизлардан механизаторлар тайёрлашда турли даъватлардан, мурожаатнома ва шиорлардан кенг фойдаланиб, тарғибот–ташвиқот ишлари авж олдирилди. Хусусан, 1939 йилда Тимирязев номидаги қишлоқ хўжалиги академияси тингловчиларидан 100 минг нафар хотин – қизларни ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда МТСларга жалб қилиб, тракторчи хотин – қизларни тайёрлашдан иборат даъватидан келиб чиқиб, комсомол ташкилотлари, Ер ишлари халқ комиссарлиги тарғибот–ташвиқот ишларини олиб борди. Йирик колхозларда махсус кечки механизаторлар курси ташкил қилиндики, асосий эътибор ўзбек қизларининг жалб этилишига қаратилди.

Механизаторлар тайёрлаш курсларига 2442 нафар хотин – қизлар жалб этилди. 1941 йилнинг август–сентябрь ойларида икки ойлик қишлоқ хўжалигини механизациялаш курсларида ўқувчиларининг 82,4 фоизини ташкил этган 12,5 минг нафар хотин – қизлар таҳсил олган. Чиноз МТС жамоаси ҳар бир бригада механигини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда камида 3 нафар ёш колхозчи қизларни трактор ҳайдашга ўргатиши ва режадаги 15 нафар ўрнига 35 нафар тракторчи тайёрлаши лозимлиги «ташаббуси» билан чиқди. Бухоро ва Тошкент вилоятлари кадрлар тайёрлаш мажбуриятини 1939 йилда 1940 йил ҳисобига бажарганлиги юқори ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланган ҳолда, Фарғона, Самарканд, Хоразм вилоятлари механизатор кадрлар тайёрлашдаги сусткашлиги, яъни тракторчилар тайёрлов курсларини битирган 2126 нафар хотин – қизлардан атиги 714 нафари тракторлар билан ишлаётганлиги танқид қилинди. Шундан сўнг тракторчи аёллар тайёрлашда ҳам мусобақабозликка зўр берилиб, тарғибот – ташвиқот ишлари кучайтирилди. Тракторчи хотин – қизларни тайёрлаш жараёнлари, уларнинг тажрибаларини тарғибот–ташвиқот қилишда «Комсомолец Узбекистана», «Ёш ленинчи» газеталари ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланилдики, газеталар ўз саҳифаларида механизатор хотин – қизларнинг меҳнати етарли баҳоланмаётганлиги борасида фактлар орқали қатъий кураш олиб борди.

1940 йилда партия ва комсомол ташкилотлари томонидан 1940–1941 йил учун «яхши тракторчилар» тайёрлаш мақсадида социалистик мусобақалар ташкил қилиниб, ҳар бир МТС учун 30 нафар, совхоз ва механизаторлик мактаблари учун 50 нафар тракторчи тайёрлаш мажбурияти юкланди. Хотин – қизларни трактор билан ишлашга мажбур қилиниши «қишлоқ хўжалиги меҳнатини енгиллаштириш, деҳқоннинг маданий даражасини, уларнинг ташаббус ва қобилиятларини ўстириш учун имконият яратиш» деб ниқобланиб, «хотин – қизлар колхозда ҳал қилувчи, етакчи куч» деган шиор илгари сурилди. Коммунистик партия миллий, анъанавий қадриятларни инкор қилган ҳолда уларга қарши курашиб, деҳқон хотин –

қизларни «социалистик қурилиш»га жалб этди. Хотин – қизларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги раҳбар лавозимларга кўтарилиши жамиятда хотин – қизларга нисбатан муносабатда «инқилобий ўзгариш бўлди», деб таъкидланди.

Уруш бошланиши билан республика қишлоқ хўжалиги олдида ҳам фронт ва фронт ортини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси турар эди. Бунинг учун халқ хўжалигининг барча соҳалари каби, қишлоқ хўжалигини ҳам ҳарбий изга солиш зарур эди. Ана шу мақсадда 1941 йилдаёқ қишлоқ хўжалигининг барча бўғинларидаги иш тартибини катъийлаштириш юзасидан шошилиш чоралар кўрилди. Колхозларда энг кам миқдордаги мажбурий меҳнат кунлари сони урушдан олдингига караганда 1,5 баравар оширилди. 1942 йил 13 апрелда қишлоқ хўжалигида 100 меҳнат куни ўрнига 150 минимум мажбурий меҳнат куни ишлаш ҳақидаги СССР ХКС ва ВКП(б) МҚнинг қарори қабул қилинди. Бу қарорнинг бажарилиши каттиқ назорат остига олинган бўлиб, уни бузганлар каттиқ жазоланган. 1942 йили 595 одам қамоққа олинган, шулардан 377 нафари хотин – қизлар эди. Жазони ўтаган хотин– қизлар кейинги фаолиятида режани 1–1,5 марта кўпроқ бажаришга мажбур этилган. Ушбу чоралар қишлоқда қолган кам сонли меҳнатга лаёқатли аҳолининг (асосан аёллар) куч–қувватини энг муҳим қишлоқ хўжалик ишларининг бажарилишига сафарбар этишга хизмат қилган. Аксарият эркаклар фронтга жўнаб кетганлиги боис, даладаги меҳнатнинг асосий масъулияти қариялар, ёшлар ва аёллар зиммасига тушган эди. Оила бекаси бўлган аёлларнинг Ўзбекистон қишлоқларида мажбуран ўтказилган жамоалаштириш сиёсати даврида ҳам хўжалик ҳаётидаги юмушларнинг барчасини ўз зиммасига олганлиги манбаларда мавжуддир. 1942 йилда республикадаги меҳнатга лаёқатли 706256 нафар колхозчи хотин – қизлардан 208740 киши 201 – 300 меҳнат куни, 90841 киши 301–400 меҳнат куни, 33262 киши 400дан ортиқ меҳнат куни билан ишлашган.

Қишлоқ хўжалигида механизатор кадрларга бўлган эҳтиёж туфайли республика бўйича барча районлардаги қачонлардир механизаторлик курсларида ўқиган ёки тракторчи ва комбайнчи бўлиб ишлаган хотин – қизлар махсус рўйхатга олиниб, МТС ва совхозларга юборила бошланди. 1941 йилнинг бошида механизатор кадрлар Ўзбекистонда 27888 нафар кишини ташкил этган бўлса, 1942 йил бошига келиб, эркак механизаторларнинг фронтга кетганлиги туфайли улардан атиги 2775 нафар киши қолган эди. Фронтга кетаётган II–Каттақўрғон МТС механизатори Шариф Холов ўз хотини Марьям Холовага комбайн хайдашни ўргатган. Натижада, у илғор механизаторлар сафидан ўрин олган.

Баъзи катта ёшдаги механизатор бўлиб ишлаган аёллар ўзлари илтимос билан МТСларга бориб ишга йўлланма сўраган ҳоллари ҳам бўлган. Шундай аёлларга Тошкент вилояти Қорасув тумани Охунбобоев номли колхоз деҳқон–аёллари– Абдуллаева, Аҳмедова, Валидова, Одилова, Тошхўжаева, Салимова, Каримова ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Тошкент вилояти Янгийўл МТСида меҳнат қилган бригада механиклари ва тракторчиларнинг хотинлари республика бўйича деҳқон аёлларга «Хотин – қизлар ишлаб чиқаришга» шиори билан мактуб йўллаб «Аёллар трактор рули учун» деган чақириқ билан чиқдилар. МТСлар қошида механизаторлар тайёрлайдиган курслар ташкил этилди. ҚҚАССР Тўрткўл МТС қошида 24 нафар хотин – қизлар икки ярим ойлик курсларни битириб, механизаторлар сафидан ўрин олган. Уларнинг аксарияти фронтга кетган жангчиларнинг рафиқаси эди. Худди шундай курсларни Фарғона вилояти Бағдод МТСида 111 нафар, Қашқадарё вилояти I–Косон МТСида 110 нафар колхозчи хотин – қизлар тугатиб, трактор рулини бошқара бошлашди. 1942 йилда баҳорги ҳосил даврида 3800 нафар хотин – қизлар трактор рулларини бошқаргани ҳолда, ўнлаб тракторчи, механизатор хотин – қизлар бригадаларини ташкил этиб, пахта далаларида меҳнат қилишди. Бухоро вилояти Ромитон райони Энгельс номли колхоздан Шарипова, Хоразм вилояти 2–Урганч машина трактор станциясининг механизатори Ойша Қўчқорова, Тошкент вилояти

Ўрта Чирчиқ райони Ильич номли колхоздан З.Муталова, Самарқанд вилояти Пастдарғом райони Андреев номли колхоздан М.Пардаевалар меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Хоразм вилояти 2–Урганч МТСнинг механизатори Ойша Қўчқорова юкори меҳнат кўрсаткичларига эга бўлгани учун «СССРнинг энг яхши тракторчиси» нишонини олишга сазовар бўлган. 1941 – 1943 йилларда республика бўйича 15 минг нафар хотин – кизлардан трактор ҳайдовчилари тайёрланди.

Аёллар барча қийинчиликларга қарамай, фронтни зарур маҳсулотлар билан таъминлаш учун фидокорона меҳнат қилдилар. «Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!», «Ўзим учун ва фронтдаги дўстим учун!» деган шиорлар остида қўшимча мажбуриятлар олдилар. Жамоа ва давлат хўжалиги далаларда кўп минг килограммчилар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Аммо 1942 – 1943 йилларда жуда оғир келди. Жумҳурият пахтакорлари пахта тайёрлаш давлат режаларини олмадилар, пахтанинг ҳосилдорлиги гектар бошига кескин пасайиб кетди. Чунки, фронт учун озиқ–овқат зарурияти туфайли сабзавот ва полиз экинлари етиштириш эвазига ғўза экиладиган майдонлар салмоғи кескин камайиб, ғўза ҳосилдорлиги пасайиб кетган эди. Механизация даражасининг пасайгани, минерал ўғитлардан фойдаланиш қисқаргани ва пахта етиштириш агротехникаси ёмонлашгани ҳам таъсир ўтказди. Чопиқ, суғориш, ирригация тармоқларини тозалаш ишларини мунтазам олиб бориш учун ишчи кучлар этишмас, асосий масъулият аёллар зиммасида эди.

Бироқ, уруш даври шароитидаги бу объектив омилларни марказ ҳукумати раҳбарияти инкор этди. Шундан оғир шароитда ўзбек қишлоқ аёлларининг 1942–43 йилларда мардонавор меҳнат қилганлиги инобатга олинмади. Аксинча, пахта тайёрлаш режаси бажарилмагани учун жавобгарлик маҳаллий партия ва хўжалик органлари бўйнига қўйилиб, улар қишлоқ хўжалигини бошқаришни оператив равишда қайта қуришга лаёқатсизликда айбланиб, жазоландилар. Натижада «меҳнат интизомини мустаҳкамлаш» соҳасида, ҳаддан ошишлар содир этилди. Бироқ, барча

кийинчиликларга қарамасдан, ўзбек аёллари бурч ва ор–номус даъвати билан фронтга ёрдам кўрсатиш учун сидқидилдан фидойи меҳнат қилдилар.

Жумладан, Сариосиё туманида колхозчи аёл М.Хидирова 40 кунда 10800 кг пахта териб берди. Мазкур тумандаги «Иттифок» қишлоқ хўжалик артелининг колхозчилари Ш. Бобожонова, А. Ёқубова, М. Азимовалар фронтчасига меҳнат қилиб, кунлик нормани 2 – 3 баравардан ошириб бажардилар.

1954 йилда Наманган вилояти Уйчи тумани Андреев номли колхозда 4173 колхоз аъзоси бўлиб, шундан меҳнатга лаёқатли эркеклар 1188 нафарни, аёллар эса 1467 нафарни, Чортоқ тумани Сталин номли колхозда эса, 2202 нафар меҳнатга лаёқатли колхоз аъзоларининг 816 нафари аёл, 669 нафарини эркеклар, Ўзбекистон колхозининг 2430 нафар меҳнатга лаёқатли колхоз аъзоларининг 980 нафари аёл, 827 нафарини эркеклар ташкил этган. 1955 йилда Наманган вилояти колхозларида жами 65473 нафар колхозчи аёл меҳнат қилган. Вилоят колхозчи хотин – қизлари меҳнат frontiда фаол меҳнат қилиб, белгиланган режаларни ортиғи билан адо этганлар.

1952 йилда Уйчин тумани Ёр – Қўрғон қишлоқ совети Сталин номли колхоз аъзоси Ибодатхон Исматуллаева энг яхши колхозчи аёл сифатида, 18 ёшли Атияхон Рўзиева эса кунлик норма (меъёр)ни икки ҳисса ортиғи билан бажаргани, комсомол Назирахон Маллабоева ҳамда Донохон Бобомирзаева 1954 йилда кунига 150 – 190 кг дан пахта териб, жами мавсум давомида давлатга 8 тонна «оқ олтин» топширганликлари, 200 кгчилар сафида аёлларнинг фаоллиги (Турғунби Турабаева, Шарофатхон Отабоева, Жўрахон Полвонова Чортоқ тумани Сталин номли колхоз аъзолари) «фахр билан» баён қилинган. Бу ерда қизларнинг жисмоний имкониятлари, сиҳат–саломатлиги, бўлажак она сифатида уларга эътибор берилиши, яъни уларнинг ижтимоий муҳофазаси каби масалалар кейинги ўринга суриб қўйилган.

60 – йилларда бошланган турсунойчилик ҳаракати «Хужум компанияси»нинг бевосита давоми эди. Минглаб аёллар трактор ҳайдашни

ўрганиб, ҳатто йигитларни меҳнат рақобатидан “сиқиб” чиқардилар. Оқибат шу бўлдики, айрим аёллар табиат ато этган оналик бахтидан маҳрум бўлдилар. Манбалардан маълум бўлишича, 50–йилларнинг охири 60–йилларнинг бошларида хотин – қизлар орасида механизаторлар миқдори анча ортган. Хусусан, Турсуной Охуновага эргашиб, 1959 йилдан 1965 йилгача бўлган даврда механизатор хотин – қизлар салмоғи республика миқёсида 0,4 фоиздан 2,9 фоизгача, Тошкент вилоятида эса, бу кўрсаткич 15,4 фоизгача етган. Ўрганилаётган даврда хотин – қизларнинг пахтани машинада теришга бўлган интилиши уларнинг оғир қўл меҳнатидан халос бўлишга интилиши деб баҳоланган. Механизаторларни «пахтачилигимиз истиқболи» деб атаган Турсуной Охунова 1978 йилги йиғим–терим мавсумида ўзининг пахта териш машинасида 460 тонна пахта теришга ваъда берган ва уни машаққатли меҳнат эвазига 461 тонна қилиб ортиғи билан бажаришга муваффақ бўлган. Бироқ, жонини жабборга бериб фидойиларча меҳнат қилган Чиноз тумани Киров номи колхоз механизатори, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова қишлоқ хўжалигида кимёвий моддаларнинг хаддан ташқари кўп ишлатилишининг қурбони бўлди. Чунки, тоталитар совет тузуми ҳукмронлиги йилларида аграр соҳада заҳарли моддаларни ишлатишда катта хатоликларга йўл қўйилиб, айниқса, авиация ёрдамида инсон саломатлиги учун зарарли бўлган заҳарли моддаларни ғўзаларга пуркаш йилдан–йилга авж олиб борган. Хоразм вилояти Хива туманидаги Беруний номи жамоа хўжалиги механизатори Норжон Машарипова сингари ўнлаб механизатор аёллар 40 – 45 ёшларига етмасдан ҳаётдан кўз юмдилар. Тўғрироғи қурбонларни ҳеч ким ҳисобламаган.

1969 йил 14 январда қабул қилинган «Хотин – қизларни қишлоқ хўжалигидаги малакали меҳнатда қатнашишга янада кенгроқ жалб қилиш тўғрисида»ги 43–рақамли қарорга мувофиқ, механизатор хотин – қизлар учун қисқартирилган, яъни шу хўжаликда мавжуд меъёрлардан 10 фоиз кам иш меъёрлари белгиланиб, қўшимча таътилар 12 кунга қадар узайтирилган.

Лекин қабул қилинган қарорлар амалиётга ҳар доим ҳам татбиқ этилавермаган.

Марказ пахта мустақиллигига эришиш мақсадида маҳаллий хотин – қизларнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги иштирокидан қоникмай, уни янада кучайтириш мақсадида ташкил этган «социалистик мусобақа»лар, туманлараро, вилоятлараро слётлар ва ҳатто, республикалараро ўтказилиб келинган. Мажбурий ишлашга даъват этишнинг бундай маданий кўринишлари мустақилликкача бўлган давр мобайнида мунтазам амалга ошириб келинган. Марказ ўзининг пахта мустақиллигига эришиш йўлида меҳнат frontiда фаолият юритаётган «илғор»ларни сиёсий жихатдан рағбатлантириб борган.

Ҳатто, ёппасига жамоалаштириш даврида ҳам Украина ва Сибирга сургун қилинган Табон Ёқубова, Одалан Жамолова, Инохон Матхалилова, П.Мирзарахимова ва И.Болтаевалар сургун қилинган жойларида ташкил этилган пахтачилик совхозларида йиғим–терим мавсумида «илғорлик» кўрсатиб, меъёридан кўп пахта теришга мажбур қилингани ҳолда пахта терими бўйича стахановчилик ҳаракатининг «фаоллари» бўлишган эди. Жумладан, Украинанинг ҳозирги Херсон вилояти Голопристан туманидаги Мартин номли колхозда 1938 йили 18 гектарга сара пахта нави экилиб, йиғим–терим мавсумида стахановчилар деб тан олинган – Табон Ёқубова 9189 кг, Одалан Жамолова 7721 кг, Инохон Матхалиловалар 7986 кг пахта терган. «Южная Правда» газетасининг 1938 йил 27 октябрдаги сонидида «Совхоз пахтакорларининг муваффақияти» сарлавҳаси билан мақола эълон қилиниб, унда Каховский 2 – пахтачилик совхозида ўтказилган стахановчилик декадасида қатнашганлар – П.Мирзарахимова ва И.Болтаевалар 2220кг (мавсум бўйича), кунига 220 кг пахта терганлиги ҳақида «фахрланиб» ёзилган. Хотин – қизлар ўртасида ернинг ҳар бир гектаридан 20–30 центнердан юқори ҳосил олиш учун «Йиғимачилар», «Ўттизчилар», «Бешмингчилар», «Биринчи рақамли Сталин йўлланмаси учун», «Сталинча юриш», «Яхши кетмончи» номлари учун ҳаракатлар

ташкил қилиниб, турли шиорлар ва рағбатлантириш усулларида фойдаланилган. Бу машъум сиёсат ва амалиётнинг қишлоқ хўжалигига келтирган зарарини ҳозирда ҳам тузатишга тўғри келмоқда.

Ўрганилаётган даврда меҳнат фронтида мажбурий ишлашни рағбатлантириш учун махсус ташкил этилган социалистик мусобакалар «илғорлари» давлат мукофотлари билан ҳам тақдирланиб борган. Хусусан, 1955 йилда Наманган вилояти Тўра-Қўрғон туманидан Инобат Ғаниева, Манзура Мамадалиева, Турғун Худойкулова, Роҳат Солиева ва бошқалар ЎзССР Олий Советининг махсус мақтов ёрлиқлари билан тақдирланганлар. Наманган вилояти Наманган тумани Сталин номли колхоз аъзоси Мукаррам Раҳматуллаева эса, 1957 йил 11 январдаги СССР Олий Советининг қарорига биноан, Ленин ордени билан тақдирланган. Марказ ўзининг иқтисодий мақсадларини амалга ошириш жараёнини сиёсий йўллар билан ҳам ҳал қилиб борган.

Коммунистик партиянинг ғоявий тарғиботчилари томонидан аёллардан механизатор кадрлар тайёрлаш жараёни колхозларда хотин – қизларни эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканлигини таъминлашга қаратилган тадбирлардан бири сифатида ташвиқот қилинди. Бироқ, шундай бўлсада, кейинги йилларда хотин – қизлар ўртасида қишлоқ хўжалиги механизатори мутахассислигини эгаллашга бўлган интилиш камайгани манбалардан маълум. Бунинг сабаби бир томондан, аҳолининг кўп қисми жумладан, эркаклар томонидан мазкур ҳаракатнинг қўллаб-қувватланмаганлигида бўлса, иккинчи томондан, эркак-раҳбарлар томонидан хотин – қиз механизаторларга нисбатан эҳтиётсизлик муносабати, учинчи томондан эса, аёлларнинг жисмоний имкониятлари чекланганлигида кўриш мумкин. Албатта, ҳақиқатан ҳам пахтачиликни механизациялаш, қишлоқ хўжалигига янги техниканинг жорий қилиниши қўл меҳнатининг камайишига олиб келган, хотин – қизлар меҳнатини бирмунча енгиллаштирган. Бироқ, мазкур тадбирлар моҳият эътибори билан марказнинг пахта яккаҳокимлиги сиёсатига хизмат қилган.

Ўрганилаётган даврда ўзбек хотин – қизлари нафақат механизатор балки, механик сифатида ҳам фаолият юритган. 2 – Уйчи МТСида Хосиятхон Тошбоева, Акмалобод МТСида Зулфия Ражабова кўп йиллар механик бўлиб фаолият юритишган. Аёл агрономлар сони кўпайиб борган. Уйчи район ижроия кўмитасида Ҳалимахон Ўринбоева, Сталинград номли колхозда агроном–бригадир Сайфинисо Сайдуллаева, Сталин номли колхозда Аминахон Эгамбердиева ва бошқалар шулар жумласидандир.

70 – йилларда «Саодат» журнали ҳамда вақтли матбуот материалларида хотин – қизлар масаласига оид маълумотлар хотин – қизларнинг имконияти даражасида бўлмаган мажбуриятларнинг бажарилишига сафарбар этилиши натижасида эришилган машаққатли (ўрганилаётган даврда шарафли деб аталган) меҳнатнинг «ижобий» натижалари сиёсий рағбатлантиришга қаратилганлигидан гувоҳлик беради.

Маълумки, 70 – йилларда ҳам давом этган тоталитар режим асосидаги қишлоқ хўжалигининг экстенсив йўлдан ривожлантирилиши хотин – қизларнинг турмуш тарзида ноҳуш, оғир ижтимоий оқибатларни келтириб чиқарган. «Пахта майдонлари– мардлар макони» деб аталган ва мана шундай кайфиятда хотин – қизлар оғир меҳнатларни бажаришга мажбур қилинган, аёлларни қишлоқ хўжалигига жалб қилиш орқали уларнинг меҳнатида юқори даражада фойдаланиш давом этган. Хусусан, аёллар «15 минг килограммчи», «10 тонна терувчи», «15 тонна терувчи», «режани ортиғи билан бажарувчи», «зарбдор» ва ҳоказо номлар остида коммунистик партиянинг ниқобланган сиёсати остида фидоийларча меҳнат қилишга мажбур этилган.

Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи Тамара Мусаева 1970 йилги йиғим–терим мавсумида 10 тонна пахта тергани боис СССР Олий Советининг депутати этиб сайланган. Шундан сўнг, наманганлик теримчи Тамара Мусаева мажбуриятини янада кўтаришга рағбатлантирилиши оқибатида 18 тонна пахта теришни ўз олдига мақсад қилган. Сирдарё районидаги «Малик» совхозининг комплекс

механизациялашган бригадаси бошлиғи, механик хайдовчи Тўхтаҳон Қирғизбоева «зангори кема» деб таърифланган пахта териш машинасида гектаридан 40 центнердан пахта топширишга ваъда берган ва уни амалга оширган. Янгийўл тумани Киров номли колхоз механизатори Т.Ахунова 161 тонна, Бухоро вилояти Свердлов тумани Коммунизм колхози механизатори М.Фузайлова 300 тонна, ноқулай об-ҳавога қарамай Қўшқўпир туман «Тошкент» колхози механик – хайдовчиси У.Нуруллаева 200 тонна пахтани ўз «зангори кема»лари бункеридан тўкиб, юқори натижаларга эришганликлари овоза қилинган.

1970 йилда Москвада талаба ёшларнинг Бутуниттифок слёти бўлиб ўтган. Унда Андижон вилояти Пахтаобод тумани «Правда» колхози механизатори Турдихон Тўхтабоева иштирок этган. У ўзи билан бирга 30 нафар кизга бошчилик қилиб, кизлар бригадасини ташкил этиб, ташландик ерга пахта экиб, ундан мўл ҳосил етиштиргани учун 1969 йилда «Ленин юбилейи» медали ҳамда 1970 йилда эса, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган. Қизларнинг оғир машаққатли меҳнати эвазига қайроқи буғдой экиладиган ташландик, тошлоқ ер обод массивга айланди ва уларни сиёсий жихатдан тарбиялаш, коммунистик мафкура ғояларини сингдириш мақсадида «Комсомол» массиви деб номлана бошлади.

Наманган вилоятининг Поп туманидаги «Коммунизм» колхозининг бригада бошлиғи Роҳатой Алиёрова саккизинчи беш йилликда гектар бошига 45 центнер пахта териб, «мардлар майдони»да «намуна» бўлганлиги боис, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты бўлган.

Сирдарё вилоятидан механизатор Тўхтаҳон Қирғизбоева 1963 йилда ЎзССР Олий Советига депутат, 1974 йилда эса, СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб сайланган ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор сифатида иккита Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган.

Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги Ёқубов номли колхоз бригадирлари Мақсуда Умарова ҳам ўзининг 23 йиллик даладаги меҳнати учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Ленин ордени ва юбилей медали, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони қаби унвон ва мукофотлар соҳиби бўлган.

Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги Уल्याнов номли 6–совхознинг механик–ҳайдовчиси, «Ўҳурмат белгиси» ордени соҳиби Холбуви Рустамова 1975 йилда бункердан 110 тонна, 1976 йили 145 тонна, 1977 йили 186 тонна пахта тўкиб, 1978 йилда ўз олдига 250 тонна пахта тўкишни мақсад қилган.

1975 йилда республика марказга 5млн.200минг пахта етказиб бериш мажбуриятини олди. Мазкур мажбуриятни бажаришда фидойи меҳнат қилган ғузорлик механизатор Турсунтош Тошболтаева пахта етиштиришда ишлатилган кимёвий моддаларнинг салбий таъсири натижасида соғлиғи ёмонлашиб, 1987 йилда ногирон бўлиб қолган ҳамда 1989 йилда нафас қисиш касаллигидан бевақт оламдан ўтган.

Навоий районидаги Навоий номли колхознинг Ленин ордени Райҳон Ғойибова бошлиқ бригада аъзолари Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган Назира Усмонова, Тамара Муҳиддинова, Дилором Муҳаммадиева, Матлуба Зокирова, Маҳбуба Усмонова, Шоҳиста Жамолова, Ойгул Аҳмедоваларнинг меҳнат тажрибалари район газетасида махсус саҳифа остида кенг тарғиб қилинган. Ҳаттоки, «Республикада хизмат кўрсатган пахтакор» унвони ҳам жорий этилган. Шундай унвон соҳиби Инобатхон Ҳусанова бригадаси ҳам гектар бошига 35 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган эди.

Марказ ўзининг пахта яккаҳокимлигига бўлган интилиши йўлида барча усуллардан фойдаланди. Жумладан, мусобақабозликни эркак ва аёл жинслариаро ташкил этишдан ҳам тоймаган. Мусобақа шартлари аёллар ва эркаклар учун бир хилда белгиланган. Бунда аёл кишининг жисмоний имкониятлари чекланганлиги эътиборга олинмаган.

Сурхондарё вилояти Қизилтепа туманидаги «Москва» колхозининг механизаторлари Толиб Зоиров ва Тўйбиби Бобоназарова, Наманган вилояти

Чуст туманидаги «Партия XXII съезди» совхозида механик – хайдовчилар Хулкарой Ғойназарова ҳамда Осимжон Ваққосовлар ўртасида мусобақа уюштирилган. Эркаklar ва аёллар ўртасидаги ташкил этилган мусобакаларнинг шартлари бир хил қилиб белгиланган. «Зангори кемалар» ҳам бир хил типда танлаб олинган. Умумий бир хил меъёр белгиланган. Ваҳоланки, ўша даврда Хулкарой Ғойназарованинг амалда бункердан ағдараётган пахтаси кунига 7 – 8 тоннани ташкил этган бўлса, Осимжон Ваққосов эса кунига 9 – 10 тонна пахта терган. Мантиқ қани бу ерда. Шунинг учун ҳам, мусобаканинг бундай шакли аёллар орасида кенг тарқалмай қолган. Ҳаётнинг ўзи бу ишнинг нақадар нотўғри эканлигини амалда кўрсатган. Биринчидан, бу аёллар ва эркаklar ўртасидаги жисмоний имкониятлар билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, анъанавий турмуш тарзи, аёллардаги шарқона хусусиятлар ҳам бунга имкон бермаган. Лекин бундан бирон–бир колхоз ёки туман раҳбарлари керакли хулоса чиқариб олмаган.

Совет ҳокимиятининг ниқобланган шаклда олиб борган сиёсати туфайли кўплаб сохта қаҳрамонлар, машҳуралар етишиб чиқди. Албатта, бунда аёлларнинг айби йўқ, чунки улар ҳам алданган халқнинг фарзандлари эди. Улар социалистик ғояларнинг халқчиллигига ишонган ҳолда фидоийларча меҳнат қилишган эди. Пахтани қўлда териш билан асосан хотин – қизлар шуғулланганлиги сабабли, республиканинг пахтакор районларидаги оилалар даромадининг 50 – 75 фоизи айнан уларнинг меҳнатида келган.

Пахта терими мавсумининг салбий жиҳати шунда эдики, теримчилар кўпинча ҳаводан сепилган пестицидлар ҳамда ўғитларнинг салбий таъсири остида ўз соғлиғига зиён етказар эди.

Собиқ Иттифоқ сунъий жадаллаштириш орқали эришилган хотин – қизлар меҳнатининг натижаларини сиёсий рағбатлантириш орқали уларни мавжуд тузумга мослаштириш, совет ҳокимияти ва коммунистик партия ғояларини улар онгига сингдириш ҳамда уларнинг ўзларидан коммунистик ғоя тарғиботчиларини тарбиялашга интилган.

Лекин, 80 – йилларнинг охирларидан бошланган жамиятдаги «қайта куриш» сиёсати туфайли рўй берган ўзгаришлар хотин – қизлар онгида ҳам маълум бир маънода уйғониш рўй беришига сабаб бўлди. Қишлоқ аёлининг пахтачиликдаги оғир меҳнати қайта куриш йиллари яққол намоён бўлди. Бу оғир шароит аёллар аҳволига ҳам, умуман жамият аҳволига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Собиқ Иттифок олиб борган иқтисодий сиёсатида хотин – қизларга бўлган муносабат ва унинг салбий оқибатлари 80 –йилларнинг охирларидан матбуот орқали кенг ёритиб борилди. Матбуот редакцияларига хотин – қизлар номидан кўплаб мактублар кела бошлади. Жумладан, Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги «СССР 50 йиллиги» номли совхозда яшовчи Майсара Отақулованинг хати: «Биз ҳам маънавий, ҳам моддий томондан қашшоқмиз. Қишлоғимизнинг хусни жамоли битта хароба магазин ва эски мактаб. Мактаб полсиз, печкасиз. Болаларимизнинг кўпчилиги пальтосиз, эски–туски кийимда...Бир халта унга пул йўқ...бунинг устига гўшт солиғини айтмайсизми, 100 – 200 сўм тўлашга мажбурмиз....Ўзимиздан ўзимизнинг кўнглимиз қолган....ишонмасаларингиз, келиб кўринглар....».

«Қишлоқда яшаб туриб килосини 1 сўм 80 тийиндан картошка, 1 сўму 60 тийиндан пиёз сотиб олсанг, алам қиларкан»–деб ёзади Марҳамат туманининг Калинин номли колхозидан Мунаввар Тошпўлатова.

Самарқанд туманининг Дзержинский номидаги совхозида яшовчи Сожида Қурбонованинг хатидан: «Турмуш ўртоғим – совхозда тракторчи. Унинг топгани тўғриси ўзидан ортмайди. 3 фарзандимиз бор. Мен қишлоғимизнинг меҳпунктида ярим ставкада ишлайман (маошим 45 сўм)». Мана шундай қишлоқ аёлларининг ҳамдард мактублари редакцияни тўлдириб бораётган бир пайтда, яъни 1989 йилнинг март ойининг охирларида Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида республика агросаноат илғорларининг қурултойи бўлиб ўтди. Қурултойда маъруза қилган Сурхондарё вилоят партия комитетининг биринчи секретари Солижон Мамарасулов қишлоқдаги хотин – қизларнинг машаққатли меҳнатлари

хақида қуйидаги танқидий фикрларни баён этди: «Пахта терими мавсумида хотин – қизларнинг қўлларини чанок тилиб, қип – қизил қон бўлади. Қишлоқ йигитларининг бахти йўқ: улар қизларнинг қўлларини ушласалар, таёк ушлагандек бўладилар... Асосан аёллар меҳнати бўлган ғўза чопиғи, яганалаш, чеканка, ғўзани ёввойи ўтлардан тозалаш пайтида-чи? Осонми? Ҳисоб–китобларга қараганда, ғўзани яганалаш пайтида бир норма (3 сўму 37 тийинлик) иш бажариш учун колхозчи бир минутда 150 тача кўчатни юлиб ташлаши керак экан! «Пахтанинг ўзи оқ, меҳнати қора» деганлари шу. Шу қора меҳнат юки туфайли миллионлаб пахтакор хотин – қизларнинг кўнгиллари чироқсиз, шуъласиз ўтмоқда. 70 йил давомида бизни «Пахта бахт беради», деб алдаб келишди. Пахта бизнинг бошимизга не кунларни солмади. Пахтакорнинг меҳнатини кончининг меҳнатига тенглаш мумкин. Лекин нима учун кончи 500 – 600 сўмлаб ойлик олади-ю, пахтакор меҳнати бунчалик паст баҳоланади?». – Бу йил пахта планимиз ўтган йилгидан 100минг тонна, 1990 йилдан бошлаб эса, 400 минг тонна камайтиради, 1989 йил учун пахта етиштириш плани 5 млн. 250 минг тонна этиб белгиланди» – дейилди курултойда.

Ҳақиқатан ҳам, қайта қуриш сиёсати туфайли коммунистик мафкура ўз исканжасини бироз бўшатди. Бунинг натижасида қишлоқ аёллари ўзларини қийнаб келаётган муаммоларни айтиш ва уларнинг ечимини талаб қилиш имконини қўлга киритди. Лекин, шундай бўлса-да қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш миллий истиқлол туфайлигина мумкин бўлди.

80 – йилларнинг охирларида республика қишлоқ хўжалигидаги банд аёллар сони кўпайиб борди. Улар колхозчилар йиллик ўртача сонининг 49 фоизини ташкил этган. Айниқса, Фарғона ва Хоразм вилояти колхозларида аёллар салмоғи юқори бўлган.

Қишлоқ хўжалигида, айниқса сабзавотчилик, чорвачилик каби соҳаларда қўл меҳнатининг улуши катта бўлган. Бу соҳаларда асосий ишловчи куч аёллар ҳисобланган.

Республика кишлок хўжалигида банд аёлларнинг миқдор кўрсаткичлари

Вазифаси	Хотин – қизлар миқдори		1959 йил 1939 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
	1939 йил	1959 йил	
Ферма мудирлари	66	129	195
Ферма хизматчилари	4250	21082	490
Чўпонлар	1374	5543	400
Боғбонлар	1188	1253	105
Суғориш хўжалиги ишчилари	72	593	822
Бригадирлар кишлок хўжалиги бўйича	1097	45	–
Бригадирлар чорва бўйича	48	77	160
Бошқа соҳалар	867200	898380	101

Масалан, Тошкент вилояти Қорасув райони Ленин колхозидан звено бошлиғи Юлдашева, ипакчилик бўйича А.Султонова, сут соғувчи Умарова, Янгийўл райони Свердлов колхозидан Толмачева, Қува тумани «Анор» совхозининг «Қирқ қизлар» бригадаси бошлиғи М.Сайфутдинова, Жиззах туманидаги «Жиззах» совхозининг теплица комплекси лимон етиштирувчиси, бригада бошлиғи Г.Норматова, Гулистон туманидаги зотли паррранда урчитиш хўжалиги бригадаси бошлиғи М.Саидхонова, Булунғур туманидаги «Ғалаба 40 йиллиги» совхозининг ишчиси О.Даминова ва бошқалар ўша даврда ўзларининг меҳнат намуналарини кўрсатганлар. Наманган вилояти Чуст туманидаги «Партия XXII съезди» совхозининг ферма сут соғувчилари Жумагул Шойбекова, Маърифатхон Шомуродова, Ойимхон Турғунова, Насибахон Норқўзиевалар ўзларига бириктирилган сигирларнинг ҳар бошидан 2500 – 2600 килограммдан, Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозининг сут соғувчиси, СССР Олий Совети депутаты Онажон Файзиева ўзига бириктирилган 26 бош сигирнинг ҳар биридан 5 минг килограммдан, Қува райони халқ депутатларининг вилоят совети депутаты Л.Хидирова 20 бош сигирдан 43,5 тонна, Тошкент вилояти Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси, Социалистик

Меҳнат Қаҳрамони Минаввар Исокова 4400 килограммдан сут соғиб олишиб барчага «ўрناق» бўлишган. Аммо, улар қишлоқ хўжалиги соҳасида ечимини кутаётган муаммолар ҳақида фикр билдиришдан йироқ эдилар.

Партия XXVII съезди делегати Соябегим Ғойибназарова қишлоқ хўжалиги соҳасида ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, у қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархининг оширилиши зарурлигини, акс ҳолда аҳоли кўпчилик қатламининг ўта камбағаллашуви давом этаётганини, яшаш тарзи жуда оғир аҳволда эканлигини, меҳнат шароитларини яхшилаш зарурлигини, болалар боғчалари, тиббиёт муассасалари, мактаблар қурилиши учун маблағлар ажратилиши лозимлигини, даладаги меҳнат жараёнлари 45–50 даража жазирама остида бўлаётганлиги учун асосий куч бўлган аёлларга қўшимча меҳнат коэффициенти тўланиши кераклигини таъкидлайди.

Ўрганилаётган даврда Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқининг кам ривожланган минтақалари каторида бўлиб, аҳолиси даромадлари камбағаллик даражасидан юқори бўлган, турар жой, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасаларининг сифати Совет Иттифоқининг бошқа республикаларидан ёмонроқ эди. Маълумки, пахта йиғим – терими мавсумида мактаблар ёпилиб, ўқувчилар пахта теримига оммавий жалб қилинган. Ўқувчилар икки ва ҳатто уч ойлаб мактабларга боришмаган. Мактаб ўқувчилари меҳнатидан кенг фойдаланилган тарзда уларга бунинг учун ҳақ тўланмаган. Бундай ҳолат айниқса, 80 – йилларда марказга 6 миллион тонналик пахта топшириш мажбуриятининг бажарилиши даврида айниқса авж олган. Ўқувчиларни қишлоқ хўжалиги ишларига тортиш–«ўқувчилардан ишлаб чиқариш бригадаларини ташкил қилиш» масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Бу ҳам етмагандек, мактаб ўқувчилари пахта териш машинасида меҳнат қилишга даъват этилган. Хусусан, Андижон вилояти Норин туманидаги 16 – ўрта мактаб ўқувчиси Лолахон Бобомирзаева пахта териш машинасини бемалол бошқара олган. Мазкур мактабнинг 8 – 10 синф

ўқувчилари учун 26 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, у ерда 72 ўқувчидан иборат бригада фаолият олиб борган.

Собиқ Иттифок даврида таълим соҳасига нисбатан бўлган бундай муносабат ўз навбатида маҳаллий миллат вакилларига тўлиқ, пухта билим бериш совет тузуми асосий мақсадлари сирасига кирмаганлигини билдиради.

Шундай қилиб, мустабид тузумнинг аграр сиёсати туфайли аёллар эркаклар бажарадиган ишнинг 50 фоизини эгаллади. Қишлоқ жойларда яшовчи аёллар жамоа ва давлат хўжаликларидаги ишчи кучининг 80 фоизини ташкил қилди. Улар қишлоқ хўжалик ишларининг 15 соҳасида: уруф тозалашдан тортиб, ер хайдаш, экин экиш, унга ишлов бериш ва териб олишгача бўлган барча ишларда катнашарди.

Аёлларни колхозларга жалб қилиш жараёнида уларга маиший хизмат кўрсатишга эътибор қаратилмади. Хотин – кизларнинг жисмоний имкониятларига мос келмаган вазифаларни бажаришга сафарбар қилиниши «катта ютуқ» деб эътироф этилди.

Собиқ совет тузуми аёлларга ҳуқуқий тенглик бериш билан бирга уларни эркаклар билан меҳнатда ҳам тенглаштириб қўйди. Аёлларга илм – фан, санъатга кенг йўл очилиши билан бирга эркаклар билан тенг равишда иқтисодиётда иштирок эта бошлади. Пахта далаларида қишни қиш демай, шудгор ишларини, жазирама иссиқда эса, ғўзага ишлов бериш ишларини оғир жисмоний меҳнат асосида бажариш ҳам аёллар зиммасига юклатилди. Улар онгига мафкуравий таъсир кўрсатишнинг турли–туман воситаларини ишлатиб, «Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихори», «Пахта Ўзбекистоннинг байналмилал бурчи» сингари шиорлар тинимсиз сингдириб борилди.

Собиқ марказ шу тариқа Ўзбекистондан кўп–миллионлаб тонна пахтани талаб қилгани ҳолда, республикадаги ижтимоий–иқтисодий муҳит билан қизиқмади. Натижада, юзага келган носоғлом муҳит республика аҳолисининг турмуш тарзига жиддий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистоннинг 70 йиллик совет мустамлакачилиги давридаги пахта етиштиришга нисбатан бўлган мажбурияти – «республиканинг асосий бойлик манбаи ва фахри» деб аталган ҳолда ватанпарварлик ва интернационал бурч ҳисобланган. Иттифок директив органлари 1956 йил 6 августда «Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРда Мирзачўлнинг кўрик ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида»ги қарорни қабул қилганидан кейин пахтачилик хўжаликлари ташкил этиш айниқса кенг кўлам касб этди. Мазкур қарорга мувофиқ 1962 йилга келиб Мирзачўлда 300 минг гектар кўрик ерлар ўзлаштирилиши ва 34 пахтачилик хўжаликлари ташкил этиш мўлжалланган эди. Мирзачўл билан биргаликда Марказий Фарғона ерлари, Қарши ва Шеробод чўллари ҳам марказнинг пахтага бўлган очкўзларча эҳтиёжини қондириш мақсадида фаоллик билан ўзлаштирилди.

Кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш жараёнида ҳам асосий меҳнат қилган ишчи кучи аёллар ҳисобланган. Масалан, 1988 йилда республикада 837 та колхоз фаолият кўрсатиб, унда 1 млн.дан ортиқ киши меҳнат қилган. Совхозларда аҳолининг 58,1 фоизини меҳнат қилиб, тенг ярмини хотин – қизлар ташкил этган.

Хусусан, Сирдарё вилояти Ильич районидаги «Правда» колхозининг бўлим бошқарувчиси Мунаввар Мирбобоева ҳам 1962 – 1979 йиллар мобайнида кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш орқали пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш мақсадида Мирзачўлни обод қилишда ўз меҳнати билан фидоийлик қилиб, «Хурмат белгиси» ва «Меҳнат Қизил Байроқ» орденлари билан тақдирланган.

1971 йилда механизатор Мақсуда Фозилова Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Ленин номи колхозда меҳнат қилиш билан бирга Фарғона чўли ҳамда Зомин чўлини ўзлаштиришда фаол иштирок этгани учун Фарғона вилоят комсомол комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Мақсуда Фозилова Фарғона чўлида ўз бригадаси билан 50 гектар ерни ўзлаштириб, гектаридан 37 центнергача пахтадан мўл ҳосил териб олишга муваффақ бўлган. Мақсуда Фозилова Зомин чўлини ўзлаштириш учун

матбуотда эълон қилинган мурожаатномадан вокиф бўлганидан сўнг, тенгкурлари билан 200 гектар шўрхок ерни ўзлаштиришда ҳам фаол иштирок этиб, ўз бригадаси билан гектаридан 25 центнергача ҳосил олишга муваффақ бўлган. Чўлнинг жарима куёши, гармсел қаҳри, сувсизлик захри, кум бўронлари билан курашиб пахта етиштириш қанчалик машаққатли ва шижоатли меҳнат талаб қилганлигини тасаввур қилсак, бир карашда қанчалик нозик кўринган аёлларимизнинг шундай улкан қаҳрамонликларни амалга оширганликларига лол қолади, киши.

60 – 70 – йилларда чоп этилган вақтли матбуот ва журналларда кўрик ва бўз ерларни ўзлаштиришда ўз меҳнатини аямаган минглаб аёлларни мадҳ этувчи маълумотлар талайгина бўлса-да, уларнинг ижтимоий муаммолари ҳақида ёзилмаган.

Жиззах, Сирдарё вилоятлари, Қарши, Сурхон – Шеробод, Бухоро, Қуйи Амударё массивларида янги ерлар ўзлаштирилиб, янги пахта майдонлари ташкил этилган. Бироқ, 1985 йил давлатга 5 миллион 400 минг тонна пахта топширган ўзбек халқининг пахтачиликка ихтисослашган янги ташкил этилган хўжаликлардаги ижтимоий–маданий, маиший муассаса ва уй – жой қурилишлари қолоқ даражада бўлиб, уларга бўлган эътибор «унутилиб» қолдирилган. Меҳнаткашларнинг жумладан, хотин – қизларнинг моддий аҳволи тобора оғирлашиб борган.

Айниқса, 70 – 80 - йилларда собиқ Иттифоқ раҳбарияти талончилик сиёсатининг кучайиши натижасида экологиянинг бузилиш жараёни янада авж олди. Оқибатда «Ривожланган социализм» (1960–1985 йиллар) «мерос» қилиб қолдирган энг оғир ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммо– Орол муаммоси келиб чиқди. Мазкур муаммо жамият ва табиатнинг ўзаро мувофиқ муносабатларининг бузилиши оқибатида юзага келган бўлиб, мустабид совет ҳокимиятининг пахтага бўлган эҳтиёжи, яъни пахта яккахокимлиги (монокультураси) сиёсатининг натижасидир.

Орол муаммосининг келиб чиқишидаги субъектив сабабларга энг аввало мустабид совет ҳокимиятининг марказлашган маъмурий–

буйруқбозлик сиёсати, бу муаммонинг етакчи мутахассислар томонидан беъътибор қолганлиги, аҳолининг, хусусан, аёллар ва болалар соғлиги, атроф – муҳит тозаллигига бефарқликнинг ҳукм суриши киради.

Объектив сабабларига эса, ҳудуднинг географик жойлашуви, Орол бўйи минтақаси аҳолиси ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг паст даражада эканлиги, етарли даражадаги ер ости сувларининг йўқлиги, саноатдан чиқадиган сув билан дарё суви ифлосланишининг кучайиши ва ҳоказолар киради. Аҳоли ҳамда ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан боғлиқ равишда узоқ давр мобайнида атроф – муҳитни ифлослантирувчи моддалар ҳажми ҳам юқори суръатлар билан кўпайиб борди. Ишлаб чиқаришда, қолаверса, бутун халқ ҳўжалигида атроф – муҳитни муҳофаза қилиш талаблари корхона ва ташкилотлар олдида қатъий қилиб қўйилмаган эди. Қишлоқ ҳўжалигида минерал ўғитларни қўллаш ва алмашлаб экиш технологиясининг бузилиши ҳамда аграр секторда ишлаб чиқаришнинг экстенсив омиллар эвазига ривожланиши ҳам экологик муҳитга жиддий таъсир қилди.

Мустақиллик арафасида ҳар бир гектар ғўза майдонига ишлатилган захари кучли моддалар миқдори 24,5 кг (ривожланган мамлакатларда 0,5 кг)ни ташкил қилган. Ўзбекистон Республикаси ФА ва Қорақалпоғистон илмий тадқиқот экспериментал тиббий хулосаларига кўра, 1980 – 1992 йилларда ҳар гектар ерга 72,3 кгдан пестицид ишлатилганини кўрсатган.

Ушбу маълумотлар собиқ Совет Иттифоқининг марказлашган маъмурий–буйруқбозлик тизимига асосланган, охир–оқибатини ўйламасдан амалга оширган сиёсатини акс эттиради.

Совет ҳокимияти йилларида республикаимиз аёлларининг меҳнати йилдан–йилга оғирлашиб, иқтисодий, экологик, демографик танглик кучайиб, уларнинг турмуш тарзи ёмонлашиб, болалар ўлими тобора ортиб, дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турган бир пайтда айрим кишилар марказдан туриб, болалар ўлимининг сабабини оналарнинг кетма–кет туғаетганликларидан, кўп болаликдан излай бошладилар. Ҳолбуки, ўша

даврда хотин – қизларимиз саломатлигига жиддий таъсир кўрсатган асосий омил меҳнат ва турмуш шароитининг ниҳоятда оғирлиги (жазирамада кетмон чопган, изғиринда қанорлаб пахта териб кўтарган), қишлоқнинг ижтимоий жиҳатдан қолоқлиги, иқтисодий қашшоқлик, экологик ва демографик фалокат вужудга келтирган вазият эди.

Орол ҳудудидаги аҳолининг, асосан, хотин – қизларнинг турли касалликларга чалинишига сув таркибининг ёмонлиги, озиқ–овқатнинг етарли эмаслиги, ҳавонинг ўта ифлослангани, ҳароратнинг кескин ўзгариши ва ҳоказолар сабаб бўлган. Мазкур омиллар ҳомиладор аёлларнинг ҳомила тизимига, тўқималарига, она организмдаги моддалар алмашинуви ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда эди.

Атроф–муҳитнинг муттасил захарланиб борганлигига қарамасдан, пахтазорларда миллионлаб инсонлар, жумладан аёллар ҳатто, ҳомиладор аёллар ҳам бу далаларда тиним билмай меҳнат қилдилар. Оқибатда, қишлоқ жойлардаги 29 фоиз аёллар турли хасталикларга чалинган ҳолда кўз ёрдилар. Қишлоқларда яшаётган аёлларнинг кўпчилиги, туғиш ёшидаги аёлларнинг 89,3 фоизи камқонлик касалига мубтало бўлган эди. Ҳолбуки, Иттифокда бу хасталик бўйича ўртача кўрсаткич 27,3% ташкил этар эди. Шунингдек, 87 – 99 фоиз аёллар камқонликнинг ҳар хил даражалари билан касалланган. Қорақалпоғистон Республикаси ҳомиладор аёлларининг 90 фоизи ана шундай дард билан кўз ёрдилар. 8,4 фоиз ҳомиладор аёлларнинг туғиш жараёнида қон кетиш ҳоллари рўй берган. Касалманд, заиф болалар туғилиши 86,9 фоизни, туғма нуқсонлар билан туғилган чақалоқлар 5 фоизни ташкил этган. Ўз вақтида туғилган болаларнинг 40 фоизида, муддатидан ўтиб туғилганларнинг 60 фоизида нафас йўллари билан боғлиқ нуқсонлар кузатилган. Чунки, ҳомиладорлик даврининг турли касалликлар, камқонлик билан ўтиши, аёлларнинг бу даврда оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланишлари, ўз вақтида тўлик, яхши, сифатли овқат емасликлари, озиқ–овқат таркибида оқсиллар, витаминлар, аминокислоталар ва минералларнинг етишмаслиги, бунинг устига, экологик зарарли атроф–

муҳитда яшаш ва ишлаш, оналар ҳамда уларнинг гўдаклари саломатлигига жиддий шикаст етказди. Туғилаётган болаларнинг 30–40 фоизи ҳар хил касаллик билан дунёга келаётганлигига ҳам ўша диоксин моддаси сабабчи эканлиги маълум бўлди. Олимларнинг гувоҳлик беришича, диоксиннинг юз миллиарддан бир қисми ҳам инсон организмнинг иммунабиологик кучларини кескин даражада пасайтириш, насл–насабини бузиш хусусиятига эга бўлиб, у ўз хусусиятини 5 – 10 йил мобайнида ҳам йўқотмас экан. 8,9 фоиз аёлларда йод моддасининг етишмаслиги аниқланган. 30 фоиз аёллар буйрак хасталигига чалинган. Ҳар хил юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар – бронхит, бронхопневмония, қон босими, ошқозон–ичак хасталиклари, саратон, сил ва ҳоказо касаллик турлари кўпайиб борган. Бутун Оролбўйида қорин тифи касаллиги 30 баробар, юқумли сарик касаллиги 7 баробар ортиб кетган.

Совет ҳукумати йилларида ҳудудда айниқса, оналик ва болаликни химоя қилиш жиддий муаммолигича қолди. Жумладан, Қорақалпоғистонда оналар ўлими 100 минг тирик туғилганларга нисбатан олганда, 1970 йилда 128 кишини, 1980 йилда 125, 1985 йилда 130 ва 1990 йилда 108 кишини ташкил қилди. Умуман ўлим даражаси аҳоли ўртасида 1973 – 1977 йилларда энг юқори бўлди. Бу ҳол кейинги ўн йилликда ҳам давом этди.

1980 – 1986 йиллар орасида таркибида туз кўп тўпланган ичимлик сувини истеъмол қилиш оқибатида буйракка тош йиғилиш касаллигига чалинганлар сони ўн марта, сурункали ошқозон касаллиги уч баробар, артроз – артрит билан касалланганлар сони 3,7 марта кўпайди. Юқумли касалликлар билан, айниқса сил билан оғриганлар сўнгги ўн йил ичида 2 мартага ошди.

Ўрганилаётган даврда тиббиёт муассасалари ва ходимларининг етишмаслиги ҳам муҳим ижтимоий муаммолардан бири эди. Республика бўйича олганда фақат 66 фоиз қишлоқлардагина тиббий муассасалар мавжуд бўлгани ҳолда даволаниш учун шароитлар қониқарсиз даражада эди (касалхоналарда иссиқ ва совуқ сув, канализация, марказлашган иситиш тизими бўлмаган. Фельдшер акушерлик пунктларининг 3/4 қисми

телефонлаштирилмаган эди), врач ва ҳамширалар ҳамда дори – дармонлар етишмасди. 1985 йили қишлоқ шифохоналарининг 14 фоизи врачлар, 24 фоизи амбулатория, 70 фоиздан ортиқ шифохона пунктлари қониқарсиз даражада эди. Советлар даврининг сўнгги йилларида Қорақалпоғистонда ҳар 10 минг кишига 25,5 врач, шимолий туманларда эса 13,3–16 врач тўғри келган. Бу даврда жами 1200 (720 таси қишлоқда) врач етишмас эди. Стационарлар 23 фоиз ўриндиқлар билан таъминланган эди, холос. Ташхис маркази умуман йўқ эди.

Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин – қизларга муносабат масаласидаги зиддиятли сиёсати натижасида аёллар муаммолари тўлиқ ўз ечимини топмаган бўлса-да, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор ижобий ўзгаришларни амалиётга татбиқ этилганини тан олиш керак. Масалан, 1944 йил 8 июлдаги қабул қилинган қарорга биноан ҳомиладорлик ва туғиш учун бериладиган таътил 77 кун, СССР Олий Советининг 1956 йил 30 мартдаги қарорига кўра 112 кун, агар туғиш оғир кечса ёки эгизаклар туғилса, 140 кун этиб белгиланган. Аммо, бу ўзгаришлар оналар ва болалар ҳақ-ҳуқуқлари муаммоларини, ундан келиб чиқадиган масалаларни еча олмаган.

Аҳоли моддий зарардан ташқари маънавий зарар ҳам кўрди. Марказнинг талаб – эҳтиёжи ҳамда хоҳиш – истакларини бажараман деб, тиним билмай меҳнат қилиб, тер тўккан ўзбек, қорақалпоқ халқлари собиқ Совет Иттифоқи раҳбарияти томонидан «онги, савияси паст» деб аталгани ҳолда, «Орол фожиясининг бош айбдори» ҳисобланди. Мана шу каби кўрилган маънавий зарарларнинг ўрнини ҳеч қандай пул билан ҳам тўлдириб бўлмайди. Шу тариқа, Президент И.Каримов таъкидлаганидек, «Орол фожияси – инсоният тарихидаги энг катта экологик ва гуманитар фожеалардан бирига айландики, денгиз ҳавзасида яшаётган 35 млн. аҳоли унинг тазйиқи остида қолиб кетди»¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б.56.

1988 йилда бўлиб ўтган КПССнинг XIX–Бутуниттифок конференцияси гўё Орол бўйи худудида экологик вазиятни яхшилашда муҳим даврни бошлаб бергандек бўлди. Конференцияда сўзга чиққан делегатлар иттифок миқёсида биринчи марта Ўзбекистондаги оғир экологик вазиятни, пахта яккаҳокимлиги оқибатларини, пахта яккаҳокимлиги учун кураш туфайли турли витаминларга бой мевали ўсимликларнинг кескин камайиши, пахтачиликда қўлланиладиган кимёвий моддаларнинг меъёридан ортиқ ишлатилиши, захарли газлар таркатадиган корхоналарнинг кечаю кундуз тинимсиз ишлаши мамлакатдаги жонли ва жонсиз табиатга салбий таъсир этиб табиат мувозанатини бузганлиги ва республикада оналар ва болалар ўлими сони ниҳоятда юқори эканини куюниб гапирдилар.

1989 йил март ойининг охирларида Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида бўлиб ўтган республика агросаноат илғорларининг курултойида ерларнинг захарли дорилар таъсиридан ночор аҳволга тушиб қолганлиги, 700 минг гектар ўта камҳосилли ерларга ҳам пахта экилиб, бу майдонларнинг умри бекор ўтаётганлиги, озиқ–овқат тақчиллиги, экологик вазиятдаги муаммолар, Орол денгизи қисмати... каби долзарб масалалар ҳақида фикрлар билдирилди. Хусусан, Қорақалпоғистон АССР Кегейли тумани «Халқобод» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи Холбика Эрназарова «пахтадан яхши ҳосил бермайдиган ерларнинг умрини бекорга ўтказмаслик керак», – деса, Орол тақдири ҳақида кўп гапириляпти, аммо амалий тадбирлар натижасини ҳали сезганимиз йўқ, – дейди Қорақалпоғистон АССР Кегейли тумани «Энгельс» номи совхоз партия ташкилоти секретари Азима Тилаумбетова.

Шу ерда таъкидлаб ўтиш жоизки, совет ҳукумати йилларида миллий масалаларда бутун мамлакатда бўлгани каби Қуйи Амударё худудида ҳам катта хатоликларга йўл қўйилган эди. Жумладан, Қорақалпоғистон худудлари чекланган ҳолда бир автоном вилоят сифатида мавжуд эди. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганидан сўнг, Қорақалпоғистон суверен Республика мақомини олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси

томонидан унинг ҳуқуқлари конституциявий тамойиллар асосида муҳофаза этиладиган бўлди. Бу эса, маълум маънода экологик фожеанинг оғир оқибатларини бошидан кечираётган аҳолининг, жумладан хотин – кизларнинг ижтимоий – иқтисодий ҳаётини яхшилашга қаратилган муносабатларда туб бурилиш ясади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат собиқ Иттифок давридан мерос қолган ижтимоий–экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат Оролбўйи аҳолиси учун, хусусан аёллар учун давлат кафолатлари ва компенсациялари тизимини такомиллаштиришда давом этмоқда; оналар ва болалар саломатлиги муҳофазасини йўлга қўйиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда; ноҳуш минтакаларда ихтисослаштирилган экология марказлари ташкил этилмоқда, аҳолига экологик билим бериш фаоллаштирилмоқда. Бу ишларга халқаро донорлар– БМТ тузилмалари, Жаҳон банки, ПРООН, ЮНЕП каби ташкилотларнинг маблағлари жалб этилмоқда. Биргина «Она ва бола» Давлат дастуридаги чора–тадбирларнинг бажарилишига 89 миллиард 600 минг сўм ва 18 миллионга яқин АҚШ доллари сарф – ҳаражат қилинди. 2002 йил 25 январдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ кейинги йилларда ҳам она ва бола саломатлиги давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, биринчидан ўрганилаётган давр мобайнида республика аҳолисининг, жумладан хотин – кизларнинг ижтимоий турмуш шароити йилдан – йилга оғирлашиб борди. Шунингдек, бу ҳолат, шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқларнинг эпидемиологик аҳволига салбий таъсир кўрсатди.

Иккинчидан, мавжуд имкониятларни ҳисобга олмай қабул қилинган ижтимоий ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама–

каршиликларни чуқурлаштириб юборди. Натижада, меҳнаткашлар, жумладан хотин – кизлар турмуш шароитининг янада ёмонлашишига олиб келди. Ишсизлик, озиқ – овқат, турар жой ва бошқа муаммолар ўз – ўзидан келиб чиқаверди.

Учинчидан, собиқ Иттифок маркази юритган ижтимоий сиёсат ҳам хўжакўрсинга эди. Ногиронлар ва пенсионерларнинг оғир ижтимоий аҳволи, «бепул» тиббиёт сифатининг ниҳоятда пастлиги, кўп болали оилаларни кўллаб – қувватлашнинг мутлақо етарли эмаслиги шулар жумласидандир.

Тўртинчидан, минтақада вужудга келган экологик носоғлом муҳит аёллар саломатлигини ниҳоятда танг аҳволга солиб қўйди. Қорақалпоғистонда, айниқса, оналар ва болалар ўлими жуда кўпайиб кетди. Хоразм вилоятида эса тиббий кўрикдан ўтган бир миллион одамдан 28,4 фоизигина соғлом бўлиб чиқди.

Бешинчидан, Собиқ Иттифок даврида Ўзбекистоннинг экологик носоз минтақалар каторига кирганлиги боис, хотин – кизларнинг демографик ва экологик билимларини ошириш, уларнинг табиат билан уйғун, унинг қонунларини англаган ҳолда яшашларини таъминлаш, тиббий, моддий ва маиший кўмак бериш, боланинг сонига эмас, балки сифати учун қайғуриш, комил, соғлом, ҳар томонлама баркамол фарзандларни туғиб тарбиялаш ишларига эътибор берилмади.

Таянч сўзлар

Пахта якка ҳокимлиги, механизатор, аграр сиёсат, экология марказлари, ишсизлик, озиқ – овқат, ижтимоий сиёсат, тиббий кўмак, носоғлом муҳит.

Савол ва топшириқлар

1. Марказ пахта яккаҳокимлиги сиёсати қандай оқибатларга олиб келди?
2. Совет тузумининг аграр сиёсати аёлларнинг саломатлигига қандай таъсир қилганлигини мисоллар билан изоҳлаб беринг.

3. Колхозларда аёллардан механизатор тайёрлаш жараёни қандай кечди?
4. Нима сабабдан минтақада экологик носоғлом муҳит вужудга келди?
5. Собиқ Иттифоқ олиб борган иқтисодий сиёсатида хотин – қизларга бўлган муносабат матбуотда ҳам ёритилдими?
6. Пахта яккаҳоқимлиги республика аҳолисининг турмуш тарзига қандай таъсир қилди, унинг муаммалари ҳақида мисоллар билан гапириб беринг.

III МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН – ҚИЗЛАРИНИНГ МАДАНИЙ– МАЪНАВИЙ ҲАЁТГА ЖАЛБ ҚИЛИНИШИ

1–маъруза. Таълим ва илм – фан соҳасида хотин – қиз кадрларнинг ўрни ва роли

Режа:

1. Совет ҳокимиятининг кадрларни танлаш ва тарбиялаш сиёсати.
2. XX асрнинг 40 - 80 – йилларида маориф, олий таълим, илм – фан ва санъатнинг ривож.
3. Республикамизда илм – фан равнакига хотин – қизларнинг қўшган ҳиссаси.

Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг кадрлар танлаш ва тарбиялаш, улардан фойдаланишга қаратилган сиёсати доим сиёсий раҳбариятнинг манфаат ва мақсадлари билан узвий боғлиқ бўлган. Кадрларни ғоявий, мафкуравий қарамлик, мутелик руҳида тарбиялаш кадрлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланган. Кадрларнинг ишлаб чиқариш билан боғлиқ малакалари, сиёсий–ахлоқий маданиятини кўтаришга етарли эътибор берилмагани ҳолда, уларнинг онгига асосан партия ғоялари, съездлари, пленумлари қарорлари, сиёсий раҳбариятнинг авторитар фикрларини, кўрсатмалари ва йўл–йўриқларини сўнгги даражадаги ҳақиқат деб эътироф этиш ғояси сингдирилган. Бутун совет тузуми даврида олиб борилган кадрлар сиёсати совет давлатининг шовинистик мақсадлари билан боғланган бўлганлиги боис, собиқ Иттифок даврида республика халқ хўжалигининг етакчи тармоқларида маҳаллий аҳолининг салмоғи жуда паст бўлиб келди. Бу эса, мустабид совет тузумининг миллий республикалар маҳаллий хусусиятларини, ўзбек халқининг миллий манфаатларини инкор этувчи шовинистик сиёсатининг натижаси эди.

XX асрнинг 40 – 80 - йиллари давомида маориф, олий таълим, илм – фан ва санъат соҳалари совет ҳокимияти мафкурачиларининг

«социализмнинг тўлиқ ва узил – кесил ғалаба қилганлиги», «ривожланган социализмга эришиш», «социалистик турмуш тарзини шакллантириш», «совет маданияти»ни яратиш, «ягона совет халқи»ни шакллантиришга қаратилган сохта, ҳаёлий, ноилмий, амалга ошмайдиган ғоялари асосида ўта сиёсийлаштирилган тарзда мафкуравий тазйиқлар асосида ривожланиб борган бўлса-да, маълум ижобий натижаларга муваффақ бўлинди ҳамда ўзбек халқининг шу даврдаги миллий маданияти бўлиб қолди, халқнинг маданий – маърифий савиясини оширишга хизмат қилди.

Маълумки, таълим инсон шахсини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, илмий–техникавий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим вазифаларини ҳал қилиш ҳам аҳолининг билим даражасига боғлиқ. Бироқ, собиқ Иттифок даврида амалдаги таълим тизими шароитида тафаккур мустақиллиги камдан–кам ҳолларда рағбатлантирилар ва кадрларни, таълим меъёрлари ҳамда ўқув дастурлари эса, умумий миқдорнинг бор – йўғи 5 фоизини ташкил этган энг яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларга очикдан – очик мўлжалланганди.

Республика халқ таълими соҳаси уруш йилларида бир мунча беэътибор қолди. Уруш асоратлари умумтаълим мактабларининг фаолиятига ҳам қаттиқ таъсир қилган эди: ўқитувчиларнинг фронтга юборилиши оқибатида уларнинг сони кескин камайиб кетди, бу ўз навбатида мактаблар сонининг қисқаришга олиб келди. Фақат 1942 – 43 ўқув йилида республикада 200 та бошланғич ва ўнлаб ўрта мактаблар фаолияти тўхтатилди, 360 та мактаб биноси республикага кўчирилган ҳарбий қисмлар, касалхоналарга берилди.

1941 – 1942 ўқув йили давомида кўпгина ҳарбий хизматга кетган ўқитувчилар ўрнини тўлдириш мақсадида қисқа муддатли курсларни кўпайтириш ва IX – X - синфни тугатаётган ўзбек қизларини ўқитиб тайёрлаш муҳим вазифалар қаторидан ўрин олди. ЎзКП(б) МҚ ва республика халқ комиссарлари советининг кейинги қарорларида ҳам халқ маорифи ташкилотларига 2 ойлик, 4 ойлик ҳамда 7 ойлик курсларда хотин – қизлардан иборат 750 та бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактаб ўқитувчиси тайёрлашга

махаллий хотин – кизларни кўпроқ жалб қилиш ва уларнинг ўқишлари учун имкониятлар яратиш вазифаси юклатилди. Қисқа муддатли курсларда урушнинг дастлабки уч йили давомида 1600 ёш ўқитувчи етиштирилди. Уларнинг асосий қисми хотин – кизлардан иборат эди.

Урушнинг дастлабки уч йили давомида педагогика олий ўқув юртлари 4600, педагогика билим юртлари 2200 нафар ўқитувчи тайёрлади. 1940 йилда ўқитувчи хотин – кизлар 9533 нафар бўлса, 1943 йилга келиб 14052 нафарга етди. 1945 йилда республика мактабларида ишлаган 34 минг ўқитувчининг 54 фоизини хотин – кизлар ташкил этган. Уруш йиллари давомида уларда 20 мингдан зиёд олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар етишиб чиқди. Улар ўз навбатида самарали меҳнат қилиб, фашизмни тор – мор келтириш ишига муносиб ҳисса қўшдилар. 1944 йилнинг август ойида республиканинг 89 нафар мохир педагогига «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берилди. Улар орасида Тошкентдаги 20 – сон мактабнинг ўқитувчиси М.Қодирова, термизлик биология ўқитувчиси З.Латипова, кўконлик адабиёт ўқитувчиси Т.Окунцева ва бошқалар бор эди. С.Тошматова, М.Отахонова кабилар ҳукумат орденлари билан тақдирланган.

Маориф органлари томонидан мактаблар тармоғини сақлаб қолиш юзасидан амалий чоралар кўрилганлиги туфайли 1945 йили мактабларда ўқувчилар сони 895,7 мингга етди. Бу эса, уруш арафасидаги рақамдан 500 мингга кам эди. Уруш йилларида ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлашга эътибор берилиб, мактаб ўқувчилари кундалик ўқишни ҳар турли меҳнат билан бирга қўшиб олиб боришди.

Уруш даврида мактабга жалб этилмаган қиз болаларни урушдан кейинги йилларда мактабга жалб қилиш ҳамда мактабларни малакали ўқитувчилар билан таъминлаш масаласи муҳим муаммолардан бири эди. Хусусан, 1947 йилда республика бўйича 4 минг нафар ўқитувчи етишмаган бўлса, 1950 йилда 7125 та мактаб ўқитувчиларга муҳтожлик сезарди.

Уруш даври шароитларида педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжнинг сезиларли даражада аҳамият касб этганлиги туфайли урушдан кейинги йилларда ўқитувчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди.

1955 йилда республика бўйича олий ўқув юртлари ва техникумларда 30минг нафарга яқин хотин – қиз, бошланғич ва ўрта мактабларда 400минг нафарга яқин қизлар таҳсил олди. Республика бўйича мавжуд мактабларда 7,5 минг нафарга яқин маҳаллий миллат аёлларидан ўқитувчилар фаолият юритди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1957 йил 1 октябрдаги сессиясида «Ўзбекистон ССРда мажбурий етти йиллик таълимни тўлиқ амалга ошириш тўғрисида»ги, 1959 йил март ойида «Мактабнинг ҳаёт билан алоқасини мустаҳкамлаш ва республикада халқ таълими тизимини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қонунлар мактаб тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинди. Аммо, советлар ва коммунистик партия сиёсатига хос бўлган қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ, охиригача бажарилмасдан туриб янгиларининг қабул қилиниши каби ҳолат халқ таълимидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилмади. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, давлат томонидан қабул қилинган режалар, мажбуриятлар давлат ва халқ имкониятлари даражасида бўлмаган.

Мактабларда ёшлар миллийлик ўрнига коммунистик ғоя асосида тарбияланиб, улар онгига синфийлик, партиявийлик руҳияти сингдирилди. Мазкур вазифалар маориф соҳасида асосий фаолиятни олиб борган хотин – қизлар зиммасига юклатилди. 1963 йилда сиёсий маориф тизимида 170 мингга яқин аёл банд бўлган. Бу кўрсаткич 1962 йилга нисбатан олинганда 2,5 баравар кўп эди; 3,5 минг нафар хотин – қиз «Билим» жамиятининг аъзоси; 42 минг нафар хотин – қиз ташвиқотчи; 5 минг нафар аёл тарғиботчи эди.

1973 йил июль ойида СССР Олий Совети VI сессияси қабул қилган «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисидаги қонун асослари» га биноан мажбурий умумтаълимга эътибор янада кучайтирилди. 1976 йил 7,5 мингдан зиёд умумий ўрта таълим

мактаблари бўлиб, уларда салкам 4 миллион ёш авлод таълим олган. Республика мактабларида фаолият олиб бораётган 200 мингга яқин ўқитувчиларнинг 53,5 фоизи хотин – қизлардан иборат эди.

Ўзбекистоннинг бекиёс куч ва қувватга эга бўлган бой маънавий маданияти урушнинг биринчи кунлариданок фашизмга қарши курашга астойдил қўшилди.

Урушнинг суронли йилларида республика олий ўқув юртлари ва техникумлар ўз фаолиятларини давом эттирдилар. Катта қийинчиликларга қарамай, улар халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган чинакам манба бўлиб қолдилар. Республикага собиқ Иттифок ҳудудининг ғарбий вилоятларидан 31 та олий ўқув юрти, 7 та ҳарбий академия эвакуация қилинган бўлиб, 1943 йилда республикада жами 41 та олий ўқув юрти (уларнинг 12 таси қўчириб келтирилган) ва 52 та ўрта махсус билим юртлари фаолият кўрсатди. 1941 – 1943 йилларда республикада мавжуд олий ўқув юртларида халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича 10 минг нафар малакали мутахассислар тайёрланди. Улардан 2,5 минг нафари врачлар, 1800 таси инженерлар, 660 таси агрономлар, 2500 таси педагоглар эди. 1943–1944 ўқув йилида олий ўқув юртларига яна 10 минг киши қабул қилиниб, шу йили ўрта махсус ўқув юртларида 5 минг киши ўқиди. Ўзбекистон техникумлари 1941 – 1943 йилларда 3 700 мутахассисни етиштириб берди.

Умуман айтганда, таълим ва илм – фан соҳасида Ўзбекистон хотин – қизлари уруш йилларида ўзбек халқининг маънавий уйғониши йўлида самарали меҳнат қилган ҳолда, республика фани ва маданияти ривожини ғалаба қозониш мақсадларига қаратди.

Мамлакатимизда илм – фан равнақига республикаимизда 1943 йилда ташкил топган Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий текшириш институтлари олий мактаблар ва бошқа ташкилотларда хизматда бўлган хотин – қизлар муҳим ҳисса қўшдилар.

Ҳаёт – мамот жанглари кетаётган бир пайтда Мухаррам Орифхонова калдирғоч олималардан бири сифатида биология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилишга муваффақ бўлди. 1943 йилда Ўрта Осиё давлат университети доценти, 1965 йил 8 апрелда эса, «Фарғона водийсининг ўсимликлари» деган мавзуда докторлик диссертациясини муваффақияти ёклаган ҳолда, 1968 йилдан профессор илмий унвонига сазовар бўлди. Шу билан бирга М.Орифхонова «Ҳурмат белгиси» ордени, катор медаллар ҳамда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон соҳиби бўлган.

Ўрганилаётган даврда А.Абдурасулова ва З.Саидносировалар химия фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилдилар. С.Юсупова геология – минералогия фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Р.Мирсоатова, З.Умидова, М.Ашрапова кабилар тиббиёт фанлари номзоди, Ҳ.Сулаймонова юридик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлдилар. Бу зукко олима Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги даражасига етиб, юстиция министри лавозимида фаолият олиб борган.

Айрим маълумотларга кўра, ўрта ва олий маълумотга эга аёллар сони 1939 йилдан 1970 йилгача 8,3 баравар кўпайган. 1958 йилда Наманган вилояти бўйича 650 ўзбек хотин – қизлари ўқитувчи сифатида меҳнат фаолиятини юритган. 400 нафардан ортиқ хотин – қиз врач, фельдшер, акушер бўлиб соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қилди.

Республикада 1949 йилда хотин – қизлардан 11 киши фан доктори, 200 дан ортиқ киши фан номзоди бўлган бўлса, 1955 йилда жами 98 нафар фан доктори ҳамда 915 нафар фан номзоди мавжуд бўлиб, шулардан хотин – қизлар 13 нафар фан докторини ва 400 нафар фан номзодини ташкил этган. Бу даврда фан докторлари орасида Зулфия Умидова (тиббиёт фанлари доктори), Х.Юнусова; фан номзодлари орасида Хосият Комилова, Зарифа Саидносирова (химия фанлари номзоди, доцент, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида кафедра мудири сифатида фаолият олиб борган), Маъсуда

Султонова (физика – математика фанлари номзоди), Мукаддас Ғаниева (кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди), Саломат Йўлдошева (медицина фанлари номзоди), Сабоҳат Азимжоновна (тарих фанлари номзоди), Холида Саматова, Мамлакат Восикова сингари хотин – қизлар фаоллик билан илм – фан равнакига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

1969 йилда 42 нафар хотин – қиз фан доктори, 23 нафари профессор, 1101 нафар аёл фан номзоди бўлган бўлса, 1976 йилда республикада илмий ходимларнинг умумий сони 28 мингдан зиёд бўлиб, уларнинг 10,5 мингдан кўпроғи хотин – қизлардан иборат эди. 700 нафардан кўпроқ фан докторининг 80 нафари, 9 мингдан кўпроқ фан номзодининг 2300 нафари хотин – қизлардан иборат эди. Улар орасида ЎзССР ФА академиги, техника фанлари доктори М.Ҳожина, СССР Медицина ФА мухбир аъзоси, профессор З.Умидова, ЎзССР ФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори Р.Аминова, тарих фанлари докторлари – М.Охунова, С.Азимжоновна, медицина фанлари докторлари – М.Ашрапова, М.Турсунхўжаева, И.Дехконхўжаева, Ў.Ваҳובהва қабилар бор эди. Улар урушдан кейинги йилларда хотин – қизларни маданий ҳаётга жалб қилиш сиёсатининг амалиётга татбиқ этилиши туфайли таълим ва илм – фан соҳасида маълум даражада ривожланиш бўлишига катта ҳисса қўшдилар.

Фан–техника тараққиёти ҳам совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг иқтисодий манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилди. Хусусан, фан – техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш – партия иқтисодий стратегиясининг асосий масаласи бўлиб, бусиз иқтисодиётни ривожлантиришда қўйилган натижаларга эришиб бўлмайди, деб таъкидланган эди КПССнинг XXVII съездида қилинган сиёсий докладда.

Шунинг учун ҳам, собиқ Иттифоқ ўзининг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш заруратидан келиб чиқиб, хотин – қизлардан кенг миқёсда техника соҳасининг зиёлиларини тарбиялаб етиштирди. 1959 йилда ҳар 1000 нафар хотин – қизга 11 нафар олий маълумотли ҳамда 207 нафар тўлиқсиз олий, ўрта ва тўлиқсиз ўрта техник маълумотга эга хотин – қиз тўғри келган.

1966 йилда Ўзбекистонда 9700 нафар аёл–инженерлар турли соҳаларда фаолият юритган. 1976 йилда олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассисларнинг 46 фоизини хотин – қизлар ташкил этган.

Хотин – қизлардан халқ хўжалиги мутахассислари тайёрлаш жараёнини ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда олиб боришни ташкил этиш мақсадида улар хунар – техника билим юртлари ҳамда олий ўқув юртларининг сиртки ва кечки бўлимларига жалб қилинган.

КПСС МҚнинг 1985 йил апрель Пленуми ва 1985 йил июнь ойида партия Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда «Фан – техника таракқиёти йўлидаги ғовларни катъият билан бартараф этиш, унинг барча йўналишларида туб, революцион силжишларни таъминлаш» масаласи ғоят жиддий қилиб қўйилди.

Кўриниб турганидек, совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг ҳаёлий – утопик жамият бўлган «коммунизм»га эришиш сари ҳаракати инқилобий тадбирлар асосида олиб борилди. Шунингдек, бу жараён фан – техникани ҳам четда қолдирмади.

1976 йилда халқ хўжалигида ишлаётганларнинг 70 фоизини хотин – қизлар ташкил этган бўлса, 1989 йили жумҳурият халқ хўжалигида 816 минг мутахассис аёллар ишлади ёки бу олий ва ўрта махсус таълим олган умумий мутахассисларнинг 51 фоизини ташкил этган. Аёллар олий ва ўрта махсус таълим олиш талаб этиладиган кўпгина касблар хизматчилари орасида кўпчилики – 51,2 фоизни ташкил этган бўлиб, улар врачларнинг 57,5 фоизини, библиограф ва кутубхоначиларнинг 76,5, педагогларнинг 59,2 фоизини ташкил этган.

Республика аҳолиси маънавий бойлигининг ўсишида, уларни китоб билан таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмаси ходимларининг 70 фоизини аёллар ташкил этган. Улардан бири Баҳри Ғуломова бўлган. Бу ажойиб ўзбек аёли 1953 йилдан бошлаб чорак асрга яқин Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмасига раҳбарлик қилган. Унинг зўр ташкилотчилик қобилияти 1958 йили Тошкентда бўлиб ўтган Осиё

ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг биринчи конференцияси вақтида, сўнгра 1959 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси пайтларида айниқса яққол намоён бўлди. Шу йилларда Баҳри Ғуломова китоб савдоси ходимларидан 40 нафар ўзбек қизига рус ва инглиз тилларини ўргатиб, атлас кўйлақ, ироқи дўппи кийдириб, китоб савдосини аъло даражада уюштирди. 1966 йилги зилзилада тупроқ остида қолган 2 миллион сўмлик китобларни тупроқ остидан олдириб, магазин пештакталарига қўйдиришга муваффақ бўлди. Баҳри Ғуломова ўзининг мардонавор меҳнати учун «Меҳнат қизил Байроқ» ордени, 2 марта «Хурмат белгиси» ордени, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», «Халқ маорифи аълочиси» сингари унвонлар соҳиби бўлган.

Республика маданий ҳаётида аёлларнинг ўрни сезиларли даражада ўсиб борган. Хусусан, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида аёлларнинг салмоғи ошиб борган. Масалан, 1960/61 ўқув йилида республика бўйича олий ўқув юртларида талаба қизлар 36 фоизни ташкил этган бўлса, 1971/72 ўқув йилида 41 фоизни, 1976 йилда 48 фоизни ташкил этган.

11 – жадвал

Олий ва ўрта маълумотга эга бўлган хотин – қизлар

№	Йиллар	Собиқ Иттифок шаҳар ва қишлоқ аҳолиси		Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳолиси	
		Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар
1	1959	392	338	411	303
2	1970	522	452	504	415
3	1979	685	597	680	599

1971/72 ўқув йилида шундан техник ўқув юртларида 29 фоиз, қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича 15 фоиз, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасида 42 фоиз, соғлиқни сақлаш, жисмоний маданият ва спорт соҳасида 49 фоиз, маориф, санъат ва киноматография соҳасида 52 фоиз хотин – қизлар, ўрта махсус ўқув юртларида 33 фоиздан 42 фоизгача хотин – қизлар таълим олишган. 1976

йилда республика олий мактабларида салкам 100 минг нафар хотин – қизлар меҳнат қилган.

Маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида тармоқларида хотин – қизлар эркалар миқдориға нисбатан кўпчилиқни ташкил этган. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида 1971 йилда 75 фоизни, маориф соҳасида 54 фоизни; 1975 йилда 73,3 ҳамда 53,5 фоизни ташкил этган.

1985 – 86 ўқув йилида Ўзбекистонда 9188 та мактаб, 42 та олий ўқув юрти, 249 та махсус ўқув юрти фаолият юритган. Олий ўқув юртиларидаги ўқувчи хотин – қизлар 45 фоизни ва ўрта махсус ўқув юртиларида эса, 51 фоизни ташкил этди. Республикадаги мактабларда қарийб 300 минг ўқитувчи меҳнат қилган. Буларнинг 53,3 фоизини хотин – қизлар ташкил этган.

80 – йилларнинг охириларида халқ маорифи соҳасида фаолият юритиб, ўзини ёшларға билим ва тарбия беришға бағишлаган М. Ёқубова, Т. Мингбоева, И. Хўжаева, У. Исмоилова, Ш. Гадоева, Л. Рўзиева, К. Эшонқулова, А. Танташева сингари ўқитувчилар давлат мукофотларига сазовар бўлишган.

Республикада олиб борилган илмий–тадқиқот ишлари ҳам синфийлик, партиявийлик асосида совет ҳокимиятининг раҳнамолари бўлган ишчи ва деҳқонларни шарафлашға бағишланган эди. Жумладан, олима М. Охунова ҳам ўзининг тарих фани бўйича олиб борган номзодлик (Ўзбекистонда совет ҳокимияти ғалабаси учун курашда ишчилар синфи) ва докторлик (Ривожланган социализм даврида Ўзбекистон ишчи синфи) диссертацияларини ишчилар синфини мадҳ этишға бағишлади. Бундан ташқари Мелихон Охунова Ўзбекистон хотин – қизлари масаласига доир бир қанча мақола ва маърузалар муаллифи ҳам эди: «Совет Ўзбекистони хотин – қизларининг Ватан урушида ва меҳнатдаги жасорати», «Ўзбекистон хотин – қизлари – коммунизмнинг актив қурувчилари», «Ўзбекистонда хотин – қизлар масаласининг ҳал этилиш тажрибаси», «Ўзбекистон хотин – қизлари коммунизмнинг моддий – техник базасини яратишдаги курашда» кабилар шулар жумласидандир. Бироқ, ушбу мақола ва маърузалар асосида

советларнинг хотин – қизларга муносабат масаласидаги мавжуд муаммолар талқин қилинмагани ҳолда, хотин – қизлар масаласининг ҳал қилинганлиги ҳақидаги ноилмий хулосани исботлаш ётарди. Мелихон Охунова социализм ғояларини умумхалқ манфаатлари билан уйғун ҳолда тасаввур қилган ўз замонасининг фидоий аёлларидан бири сифатида 1975 йилда Жаҳон Тинчлик Совети ва Тинчлик тарафдорлари конгрессида, Осиё ва Африка хотин – қизлари халқаро семинарида иштирок этди.

Илмий тадқиқот иши билан машғул бўлиб, изланиш олиб бораётганлар сони ҳам 1971 йилда 1960 йилга нисбатан 2,5 барабар, яъни 10329 нафардан 26335 нафаргача ўсди, шундан хотин – қизлар 3680 нафардан 9741 нафаргачани ташкил этди. Фан доктори илмий даражасига эришган аёллар 24 нафардан 73 нафаргача, фан номзоди илмий даражасига эга бўлганлар 683 нафардан 1848 нафаргача ўсди. 1974 йилда бу кўрсаткич 77 нафар фан доктори ҳамда 2257 нафар фан номзоди бўлган хотин – қизлардан иборат бўлди. 1980 йилда республикада хотин – қизлардан 93 нафар фан доктори, 2900 дан ортиқ номзодлари, 11 500дан кўпроқ илмий ходимлар фаолият юритган. 1983 йилги маълумотларга қараганда, илмий –тадқиқот ишлари ҳамда олий ўқув юртларида ўқитувчи сифатида фаолият олиб бораётган хотин – қизлар 13571 нафарни ташкил этган. Республика барча илмий муассасаларида 14,8 минг нафар хотин – қизлар меҳнат қилган.

80 – йилларнинг охирларига келиб, фан соҳасида ишлаётган аёллар сони ва улуши анчагина ўсган. 1987 йилда фан соҳасида фаолият олиб бораётган 40 мингга яқин илмий ходимнинг 14 минг нафарини хотин – қизлар ташкил этган. Улардан 130 нафари фан доктори, 81 нафар профессор, 1204 нафар аёл доцент, 4 минг нафари фан номзодлари, 7 нафар аёл республика Фанлар академиясининг академиги ва мухбир аъзоси сифатида фаолият олиб борган.

Ўша даврда таниқли олима аёллардан М. Турсунхўжаева, Х. Сулаймонова, А. Абдурасулова, С. Азимжонова, Х. Шукурова, М. Охунова,

Н. Дехқонхўжаева, М. Ходжинова, З. Умидова, Г. Пугаченкова, Р. Аминова кабилар фаолият олиб боришган.

Фаннинг фидойи ва заҳматкаш олималаридан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасининг Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Раҳима Ҳодиевна Аминова республика илм – фани ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, 15 нафар фан доктори ҳамда 60 дан ортиқ фан номзодларини етиштирган. Унинг нашр қилинган асарлари 300 дан ортиқ номда бўлиб, 14 таси йирик монографик тадқиқот эканлиги олиманинг илмий кизиқишлари доираси кенглиги, ижодий истеъдоди кўп қирралилигидан далолат беради. Ўзбекистон тарихи фани ютуқларининг толмас курашчиси Р. Аминова нафақат Ўзбекистонда, бир қанча хорижий мамлакатларда ўтказилган Халқаро анжуманларда қилган долзарб мавзулардаги кенг камровли, илмий теран ва юксак даражадаги маърузаларининг инглиз тилида равон, нотиклик маданияти билан баён этилиши, шарқона одоб ва маданият доирасида ўзини тутиши жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди. Жумладан, Р. Аминова 1978 йилда Швециянинг Упсала шаҳрида ўтказилган жаҳон социологлари анжуманида Ўзбекистон хотин – қизлари масаласига бағишланган маърузасини инглиз тилида ўқиди. Маъруза юқори баҳоланиб, Упсала шаҳрида чиқариладиган газетада ҳам босилиб чиққанлиги олиманинг катта ютуғи бўлди. Шунингдек, у яна 1986 йилда тарихчиларнинг АҚШда ўтказилган Халқаро илмий конференциясида ҳам Ўзбекистоннинг бугуни ва ўтмиши ҳақида маъруза қилди.

Раҳима Аминова учун хотин – қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигига эришиш муаммоси нафақат илмий, балки амалий ҳаётда ҳам муҳим ўрин тутган. У 20 йилга яқин республика «Билим» жамиятида хотин – қизлар ўртасида тарғибот – ташвиқот ишларини олиб боровчи комиссия раиси, республика хотин – қизлар ўртасида ишлаш комиссиясининг аъзоси сифатида фаолият олиб бориб хотин – қизларнинг ижтимоий фаоллигини

оширишда ўзининг ҳам илмий, ҳам амалий ҳиссасини қўшган заҳматкаш олима аёллардан бири эди.

Раҳима Ҳодиевнадек фидойи олималар республикамизда илм – фаннинг илдишлари бақувват ва соғлом бўлишига улкан ҳисса қўшдилар.

Республика хотин – кизлари нафакат ижтимоий–гуманитар соҳаларда, шунингдек техника йўналишларида ҳам фаолият юритганлар. Халқ хўжалиги мутахассислари орасида ўзбек аёллари сони ўсиб, 80 – йилларнинг охирига келганда 2,3 марта ўсган. Бу ҳол мутахассис аёллар умумий сонининг ўсиши уларнинг ишчи ва хизматчилар таркибидаги сонига нисбатан фаолроқ кечганлигидан далолат беради.

80 – йилларнинг охирларида жамият ҳаётининг ижтимоий – сиёсий ва маданий соҳаларида СССР Давлат мукофоти лауреати шоира Зулфия, СССР халқ артислари Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсокова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Раъно Абдуллаева, республика Социал таъминот министри Василя Содикова, етук олималар–Зулфия Умидова, Максуда Ҳожинова, Раҳима Аминова, Мелихон Охунова, Мазлума Асқарова каби машҳур аёллар фаолият олиб боришган. СССР Олий Совети таркибида 28 нафар ўзбекистонлик аёл бўлган.

Шундай қилиб, 80 – йилларнинг охирида меҳнатни интеллектуаллаштиришнинг умумий жараёни ақлий меҳнат билан банд бўлган аёллар сони ва ролининг ошиши билан характерланади. Бу ҳол ўз – ўзидан аёлларнинг республика тараққиётига қўшган ҳиссасини оширган. Лекин, айти пайтда аёлларнинг олий умумтаълим даражаси уларнинг касбий машғуллигига мос келмаган. Аёлларнинг кам малакали ёки малакасиз меҳнат билан машғуллиги эркакларга нисбатан ортиқ бўлган. Республика саноати, қурилиши, қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар улуши собиқ Иттифоқ тасарруфидаги республикаларга нисбатан юқори бўлган. Республика саноатидаги қўл меҳнати салмоғи 35,3 фоизни ташкил этган бўлса, аёллар орасида эса, 42,5 фоиздан иборат бўлган. Ҳали аёлларнинг оғир жисмоний меҳнати тугатилмаган эди. Бу муаммолар икки гуруҳ сабабга

боғлиқ бўлиб, биринчиси, аёллар меҳнати одатда кўп бўлган ишлаб чиқаришда техник жиҳозлаш даражасининг етарли эмаслигидир. Маълумки, фан – техника тараққиёти таъсирида илғор технологияни қўллаш туфайли ишчи кучи сифати, малакаси даражасининг ўсиши рўй беради. Айни пайтда саноатнинг етакчи соҳаларига нисбатан тўқимачилик–тикувчилик, озиқ–овқат саноатида техник жиҳозланиш, меҳнат шароити ва режими анча паст бўлган.

Иккинчидан эса, аёлларни касбга тайёрлаш қониқарли даражада бўлмаган. Ҳунар – техника билим юртлари ўқувчилари орасида ижтимоий ишлаб чиқаришга келаётган қизлар сони кам бўлган. Бундай ишлаб чиқаришдаги аёлларга эса, ўқиб – ўрганиш учун вақт етишмаслигини ҳам айтиб ўтиш керак. Оила ташвишлари билан банд бўлган аёллар ўз касбини такомиллаштириш учун эркаклар каби имкониятга эга эмаслигидаги фарқ жуда катта бўлган. Натижада, улар маошида чекланиш бўлмаса ҳам, малакадаги бу фарқ туфайли аёллар эркаклардан кам ҳақ олган. Ҳам касбга тайёрлаш, ҳам малака ошириш тизимидаги мавжуд номувофиқлик туфайли ҳам бундай вазият юзага келган. Ҳамма хўжалик раҳбарлари ҳам ўз ходимлари учун зарур шароитни яратиб бермаганлиги ҳам бундай вазиятга сабаб бўлган. Айниқса, декрет таътилидан сўнг ишга қайтган аёллар орасида бу иш умуман йўлга қўйилмаган. Шунинг учун ҳам мамлакатда 85 фоиз ишловчи аёллар декрет таътилидан қайтгач, таълим олиш ва малака ошириш жараёнини давом эттирмаган.

Аёлларнинг меҳнатга тенг ҳуқуқи реал гаровини таъминлаш таълим олаётган ва малакасини ошираётганлар орасида аёллар улуши у ёки бу бошқа ишлаб чиқаришда банд аёлларникидек бўлишини талаб этади. Айтиш керакки, аёллар малакасининг паст даражаси улар ишчи кучининг оммавий касблар ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда кенг фойдаланишга олиб келади. Бу ерда асосан, мураккаб бўлмаган меҳнат ва тариф разрядларининг чекланган имкониятлари бу гуруҳдаги ходималарнинг ўз малакаларини оширишга қизиқмасликларини белгилайди.

Бундан ташқари, ёш болали аёллар учун малакаларини ошириш эмас, балки оилавий қизиқишлар нуқтаи назаридан ишлаш биринчи ўринга қўйилади.

Аёллар касб маҳоратини ўстириш билан бир каторда уларни оғир жисмоний меҳнат ва зарарли ишлардан озод этиш муҳим аҳамиятга эга эди. Бу йўналишда масалан, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришда анча ишлар қилинди. Бироқ, 1988 йил январига қадар бўлган маълумотларга кўра, республикада 145 минг иш жойи меҳнатни муҳофаза қилиш нормаларига тўғри келмаган, 112,5 минг нафар аёл кучи шовкинда, чанг ва газланган, ёмон ёритилган, ҳарорат режими ноқулай шароитда, 43,8 минг аёл эса тунги сменада меҳнат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимиятининг хотин – қизларга муносабат масаласида олиб борган мустамлакачилик сиёсати натижасида аёлларни олий ва ўрта махсус таълимга жалб этиш, улардан раҳбар ва мутахассислар тайёрлашда микдорий ўсиш кўрсаткичларига эришилди. Яъни, фан ва маориф соҳасида хотин – қизлар салмоғи ортиши ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришда уларнинг кенг иштироки таъминланди. Лекин, бу жараён, ўз моҳиятига кўра салбий аҳамият касб этди. Чунки, оғир жисмоний меҳнатга асосланган ишлаб чиқаришда хотин – қизларнинг иштироки келгуси авлод ижтимоий ҳаётига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Шунингдек, ўзбек аёлларини оиладан кўра жамият ҳаётида эркаклар билан тенг асосда иштирок этишни истайдиган шахслар қилиб тарбиялаш асосий вазифа қилиб белгиланди.

Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг маҳаллий миллат хотин – қизларини фан ва маориф тизимига жалб этиш муаммосининг тадқиқ қилиниши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Маҳаллий миллат хотин – қизларини таълим ва илм – фан соҳасига кенг жалб қилинишидан мақсад коммунистик мафкура раҳнамолигидаги совет ҳокимиятининг сиёсатини қўллаб–қувватлашдан иборат хайрихоҳларни тарбиялашга қаратилган эди;

2. Совет ҳокимияти ва коммунистик партия хотин – қизлар ёрдамида ўз диктатурасини мустаҳкамлашга интилиб, маъмурий–бўйруқбозлик бошқарув усули асосида сиёсат олиб борди;

3. Таълим тизимидаги ғоявий–назарий услубий асосларнинг мафкуравий қолиплар тизимида чекланиши мустақил фикрни эмас, балки хотин – қизлар онгига совет мафкурасини сингдириш орқали партиянинг итоаткор ижрочисини, коммунистик ғоя тарғиботчисини тарбиялашга қаратилган эди;

4. Совет ҳокимияти ва коммунистик партия томонидан хотин – қизларга асосан ишлаб чиқариш воситаси сифатида эътибор берилди, маданий–маърифий соҳада амалга оширилган ишлар ҳам шу мақсадга хизмат қилди.

Таянч сўзлар

Фан ва маориф, кадр, халқ таълими, олий таълим, педагог, аграрном, врач, фан – техника, маънавий бойлик, иқтисодиёт, ҳуқуқ, соғлиқни сақлаш соҳаси, олий мактаб, жисмоний маданият ва спорт.

Савол ва топшириқлар

1. Совет ҳокимияти йилларида хотин – қизлардан кадр тайёрлаш масаласи қандай ҳал қилинди?

2. Уруш йилларда халқ таълими соҳаси қандай ривожланди?

3. Республикамизда илм – фаннинг равнақиға хисса қўшган олима аёлларни санаб беринг.

4. 80 – йилларнинг охирларида халқ маорифи соҳасида фаолият юритган ўқувчилар ҳақида гапириб беринг.

5. Фаннинг фидоий заҳматкаш ўзбек олималарининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида гапириб беринг.

6. Маҳаллий миллат хотин – қизларини таълим ва илм – фан соҳасига жалб қилишдан мақсад нима эди?

2-маъруза. Хотин – қизларнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги фаолияти

Режа:

1. Уруш йилларида хотин – қизларнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги фаолияти.
2. Ўзбекистон хотин – қизларнинг урушдан кейинги йилларда маданий соҳалардаги фаолияти.
3. Қатоғонлик сиёсати қурбони бўлган журналист аёллар қисмати.

Ҳар қандай тузум ва жамиятда аёлларга бўлган муносабат шу жамият ва тузумнинг қай даражада ривожланганлигини кўрсатади. Жамиятнинг маданий тараққиёти ва аёллар масаласи узвий ва ўзаро боғлиқ муаммолардир. Бу ҳақда юртбошимиз шундай деган эди: «Инсоният тарихи шундан гувоҳлик берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади»¹.

Ўрганилаётган 40–80 йиллардаги мураккаб ижтимоий – сиёсий жараёнлар республиканинг маънавий–маданий ҳаётида ҳам ўз аксини топди, миллий маданиятга салбий таъсир ўтказди, хотин – қизларнинг маданий ҳаётдаги иштироки сиёсий мақсадларга бўйсундирилди.

Ўрганилаётган даврда маданият даргоҳлари, ижодий уюшмалар, театр, кино, радио, телевидение – барчасининг фаолияти биринчи навбатда социализм ва коммунизм тўғрисидаги ҳаёлий, реал воқеликдан йироқ, жамият учун зарарли таълимот ва ғояларни тараннум этиш, одамлар онгига сингдиришга хизмат қилган. Маданий – оқартув муассасалари, маданий тадбирлар маҳаллий миллат хотин – қизларининг маданий савиясини ўстириш учун эмас, балки уларни коммунистик ғоя асосида сиёсий–мафкуравий тарбиялаш учун хизмат қилди. Барча маданий–оқартув

¹ Президент Ислам Каримовнинг 1998 йил 5 декабрда Конституциянинг олти йиллигига бағишланган тантанали мажлисида сўзлаган нутқи. Аёлга эҳтиром (тўплам). –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. –Б.11.

муассасалари миллий маданиятга, миллий урф–одат ва диний қадриятларга қарши маданий меросни инкор этиш ғояси асосида фаолият юритди.

Шунга қарамасдан, бу қийин даврда Ўзбекистон хотин – қизлари ўз замонининг фидойилари сифатида маданият ва санъат соҳасида тинмай фаол тарзда меҳнат қилди.

1941–1945 йилларда фашизм устидан қозонилган ғалабада Ўзбекистон маданияти томонидан кўрсатилган беназр хизматнинг ўрни ва роли ниҳоятда каттадир. Яратувчанлик, курашга ундовчи, инсонпарварликни мадҳ этувчи бундай маданият инсониятни даҳшатли кучдан ҳалос этиб, жаҳон цивилизациясини асраб қола билди.

Ижодкорларнинг асарларида халқнинг бошига тушган оғир кунларда жамият ва аёл муаммоси, аёлнинг жамиятда тутган ўрни масаласи ўз ифодасини топди. Жумладан, уруш даври ҳақида ҳикоя қилувчи ижодкорларнинг асарларида мадҳ этилган бир қатор аёллар образлари жамият ва халқ олдидаги Ватан, диёнат, инсоф, бурч тушунчаларидан келиб чиқиб, ҳаётнинг синов майдонларида ўз йўлларини белгилаб олган ҳолда, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганликлари мадҳ этилган.

Уруш йилларида хотин – қизлар орасида олиб борилган маданий–маърифий ишлар анча самарали бўлди. Бундай ишлар, чунончи Тошкент шаҳрининг Октябрь туманидаги Калинин, Орджоникидзе номли клубларда анча салмоқли бўлди. Тошкент вилоятининг ўзида биргина 1943 йилда 2 минг маъруза, 1150 киносеанслар уюштирилди, 500 та спектакл қўйиб берилди. Мавжуд тўғаракларда эса минг киши иштирок этди.

Фашизмга қарши Ўзбекистоннинг барча аҳли қатори санъат соҳасида фаолият юритаётган хотин – қизлар ҳам курашга отландилар. Кўпгина санъаткор хотин – қизлар жангоҳларда мардлик намуналарини кўрсатиб, жангчиларга маънавий куч – қудрат баҳшида этдилар.

Уруш йилларда уста ҳикоянавис, очеркнавис ва публицист сифатида танилган Ойдиннинг «Қизларжон», «Асл ёр», «Умр совғаси» каби асарлари халқнинг ўз – ўзини англашига таъсир ўтказувчи катта кучга эга бўлиб,

халқнинг жанговар руhini кўлаб – қувватлар, душман устидан ғалаба қозонишга бўлган ишончини мустаҳкамлар эди.

Шоирлар томонидан ўзбек жангчиларининг жасорати, халқлар дўстлиги, ишчи ва деҳқонларнинг матонатли меҳнати қуйланди. Уларнинг шеърий мисралари жанговар қуролдан қолишмайдиган даҳшатли қуролга, кўнгилларни ватанпарварлик туйғуларига тўлдирувчи зўр қучга айланди. Жумладан, шоира Зулфиянинг «Садокат» тўплами, «Ҳижрон кунларида» китоби, 1942 йилда ёзилган «Менинг Ватаним», 1943 йилда ёзилган «Эримокда қор», «Палак», «Гуллар очилганда», «Қўлимда қуролу, устимда шинель», «Тун», «Баҳор келди сени сўроқлаб» шеърлари ватанпарвар, меҳнатқаш, вафодор, жангчи ва қалби оташ ўзбек аёлларининг ажойиб туйғуларини қуйлашга бағишланган эди.

Уруш йилларида 51 театр иш олиб борди. Улар 1941 – 1944 йиллар давомида 203 янги асарни сахнага қўйиб, 65 миллион томошабинга 18 568 спектакль ва концерт кўрсатдилар.

Уруш йилларида халқ артисти Тамарахоним ўз ансамбли билан жангчилар учун 1000 марта концерт кўрсатиб, уларни ғалаба сари руҳлантирган. Гавҳар Раҳимова уруш ва урушдан кейинги кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон халқ артисти сифатида фаолият юритиб, Хоразм «Лазги» ансамблига 1958 – 1982 йиллар мобайнида бадий раҳбарлик қилди, ўзининг кўп йиллик хизматлари эвазига «Эл – юрт ҳурмати ордени» соҳиби бўлди. 2000 йилда онахоннинг 90 йиллик тўйи у қамол топган Марғилонда кенг нишонланди. «Лазги» ансамблига 1982 йилдан кейин О. Соатова, З. Ғозиева сингари санъаткорлар раҳбарлик қилишган.

1944 йилнинг феврилида Тошкентда ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари музыкалари декадаси кунларида иштирок этган 900 нафарга яқин мусиқачилар, қўшиқчилар, раққосалар, ёзувчи ва шоирлар, драматург ва рассомларнинг кўпчилиги хотин – қизлардан иборат эди.

Тасвирий санъат асарларида ҳам ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари бош мавзу бўлди. Уруш йилларида фаолият олиб борган рассом

Шамсирўй Ҳасанова ғалаба муносабати билан Москвада ўтказилган Бутуниттифок кўргазмасида ўзининг асарлари билан иштирок этди.

Суронли кунларнинг бошиданок ўзбек театр арбоблари фашизмга қарши курашчилар сафида туриб, матонатли фаолият кўрсатдилар.

Фашизмга қарши уруш йилларида Бухоро вилоятида маданият, театр, санъат ходимлари ҳам ўзларининг катта меҳнати ва санъати билан немис–фашист босқинчиларига қарши курашга отландилар.

Уруш йилларида ўз санъати билан жангоҳларга маънавий озуқа улашган ҳолда қаҳрамонлик кўрсатган аёллардан бири Қашқадарё вилоятидан бешкентлик Жамила Ҳусаинова бўлиб, у бир неча ой Бухорода ҳарбий тайёргарликдан ўтганидан сўнг, ўзбек миллий бригадасининг тиббий ёрдам ротасида меҳнат қила бошлади. Жамила Ҳусаинова биринчи бор шимолий Дон дарёси бўйида жангга кирди. Шундан кейин Жануби – ғарбий фронт чизиқларида, Украинани озод қилиш учун бўлган жангларда иштирок этди. Унинг қўшиқ куйлашга бўлган ҳаваскорлиги фронтда қўл келди. У агитбригада (тарғибот – ташвиқот бригадаси) сафида юриб, Ватан, она, муҳаббат, дўстлик ҳақида куйлаб жангчиларнинг руҳини кўтарди. Жамила Ҳусаинова урушдаги хизматлари учун жанговар медаллар билан мукофотланди.

Бухоро вилояти мусиқа театри артисти Раҳима Олимова ҳам санъаткор бўлгани ҳолда жангчилар орасида ўзининг жанговар топшириқларини бажара олиши билан катта ҳурматга сазовар бўлди. Раҳима Олимова хизмат қилган Сталинград fronti 230–дивизия командири полковник В.П.Савин Бухорога мактуб йўллаб, у кўрсатган қаҳрамонликлар ҳақида хабар берган эди. Бухоро мусиқа театри артисти Раҳима Олимова, драма театри артисти Эътиборхон Орипова қабилар уруш йилларида Москва, Сталинград, Курск, Минск остоналарида жанг ҳаракатларини олиб бораётган бухоролик жангчилар орасида бўлиб, ўзларининг ижод намуналарини намоиш этиб, жангчиларни ғалабага руҳлантирган.

Фронт ичида фашизмга қарши қаҳрамонона жанг қилаётган жангчиларни зафар сари руҳлантирган санъаткорлардан яна бири Меҳри Абдуллаева бўлган. У бир гуруҳ санъаткорлар билан бирга аввал Москвадаги госпиталда, сўнгра эса, ғарбий фронтга Гавхар Раҳимова раҳбарлигидаги республикамиз санъаткорлари таркибида фронтнинг энг қизиган ўчоқларида маданий хизмат қилиб, ўзининг ёқимли кўшиқлари билан душманни енгишда жангчиларга мадад бўлди.

Ўзбекистон ССР халқ артисти юксак унвонига сазовар бўлган Малоҳат Исҳокова ўзининг санъатдаги меҳнат фаолиятини 1942 йилдан бошлаган. У атоқли балетмейстр В.Н. Губская, Мукаррамахоним, Розия Каримова каби ажойиб рақс усталаридан сабоқ олди. Урушдан кейинги йиллардаёқ унинг репертуарида пайдо бўлган «Муножот», «Тановар», «Катта ўйин», «Лазги» каби мураккаб, сеvimли классик ўйинлар ўша сабоқлар, изланишлар, меҳнатлар самараси бўлди.

Кейинчалик Муқимий номли муסיкий театрда яккахон раққоса бўлиб ишлаган Малоҳат Исҳокова 1954 йили Андижондаги Охунбобоев номли музикали драма ва комедия театрига ишга таклиф этилди. У ердаги ижодий фаолияти билан бирга жуда кўплаб Оҳиста Маҳмудова, Муборак Саримсокова, Дилбар Худойбердиева, Солия Бойхонова, Манзура Ҳайдарова каби шогидларни тарбиялаб, уларга рақс камолоти сирларини ўргатди.

Ўрганилаётган даврда элга манзур санъаткорлардан бири Қамара Бурнашева эди. 1960 йилда Ўзбекистон халқ артисти бўлган Қамара Бурнашева 44 йиллик ижодий фаолиятида 150 тага яқин ролларни ижро этиб, миллий маданият ривожига улкан ҳисса қўшди.

Уруш йилларида яратилган асарларда инсонпарварлик туйғуси устувор бўлиб, доҳийларни мадҳ этишга камроқ эътибор берилди. Мафкура назоратчилари бунга эътибор бериб, ўзбек халқининг инқилобгача бўлган ўтмишини улуғлаб юборишди, деган фикрга бордилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси махсус комиссия тузиб, айрим ижодкор зиёлилар ўтмишни улуғлаб «қадимий маданият қаршисида тиз чўкишга йўл

кўйганлар» деган хулосага келди. Шунга қарамай, Ўзбекистоннинг ижодий зиёлилари уруш йилларида ўзбек халқининг маънавий уйғониши йўлида самарали меҳнат қилдилар. Халқимизнинг мардонавор меҳнати фашизмга қарши урушда қозонилган ғалабага қўшилган улкан ҳисса бўлди.

Бироқ, Иккинчи жаҳон уруши йилларида маданий – маърифий муассасалар фаолиятида миллийлик ва байналмилаллик нисбати иккинчиси ҳисобига ўзгарди. Маданиятдаги миллийликнинг иккинчи даражага ўтиб қолиши эса, Ўзбекистон маданий ҳаётида кейинги йилларда айниқса, ўзининг салбий жиҳатлари билан намоён бўлди.

Бундан ташқари, маданий – маърифий муассасалар иш шакл услубларида коммунистик партияни улуғлаш, «меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш» эвазига миллий урф–одат, қадриятларни қамситиш ҳоллари юз берди.

Шундай бўлса-да, уруш йилларида халқимизнинг фидойи аёллари маданият соҳасида ҳам ўзларининг мардонавор жасоратларини намоён қилиб, буюк ишларни амалга оширдилар.

Урушдан кейинги йилларда ҳам Ўзбекистон хотин – қизларининг маданий соҳаларда олиб борган фаолияти янада кенг тарзда давом этди.

1955 йилда республика ўзбек театри 20 нафар Ўз ССР халқ артисти ва 60 нафар Ўз ССРда хизмат кўрсатган аёл артистлари билан фахрланарди. Шоҳида Маъзумова биринчи ўзбек режиссёр аёли сифатида Бухоро драма театрида Б.Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» пьесасини сахнага қўйди.

1953, 1954 ҳамда 1955 йилларда Тошкент ва вилоят марказларида ўтказилган Ашула байрамида 4500 хор, 300 мингга яқин кишилик мусиқа ва рақс жамоаси иштирок этиб, уларнинг ярмидан ортиғини хотин – қизлар ташкил этди.

1957 йилда машҳур раққоса М. Турғунбоева томонидан «Баҳор» ўзбек халқ рақс ансамбли ташкил қилинди ва 1978 йилгача бу ансамблга ўзи раҳбарлик ўзбек рақсини бутун дунёга танитди. «Баҳор» ўзбек халқ рақс

ансамблига 1979 – 1988 йилларда Қундуз Миркаримова, 1988 – 1990 йилларда Р. Шарипова, 1990 – йилда Маъмура Эргашева раҳбарлик қилди.

Тадқиқ этилаётган даврда кўплаб халқ хурматини қозонган Тамара Хоним (1 – 3 чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати), Ҳ. Носирова (1958 – 1962 йилларда СССР Олий Совети депутати, 1937 – 1966 йилларда ЎзССР Олий Совети депутати), Л. Саримсокова (1959 – 1963 йилларда ЎзССР Олий Совети депутати), С. Эшонтўраева (1946 – 58 йиллар СССР Олий Совети депутати, 1938 – 1946 ва 1985 – 1990 йилларда ЎзССР Олий Совети депутати), Б. Қориева (1989 – 1992 йилларда СССР халқ депутати), Д. Абдурахмонова (дирижёр, СССР халқ артисти), Г. Измайлова (1963 – 1971 йилларда ЎзССР Олий Совети депутати) сингари Ўзбекистон хотин – кизлари адабиёт ва санъатни ривожлантиришга муносиб ўрин ҳисса қўшганлар. Шоира ва ёзувчилардан Зулфия (1958–1989 йилларда ЎзССР Олий Совети депутати), Манзура Собирова, Гулчехра Жўраева, Ҳалима Худойбердиева, Ўйтибор Охунова, Гулчехра Нуруллаева, Ойдин Ҳожиева, рассомлардан Шамсирўй Ҳасанова сингарилар ўз ижоди билан халқ орасида катта хурмат қозонишга муваффақ бўлишган.

1973 йил 24 сентябрда Ўзбекистон адабиёти ва санъатига муносиб ҳисса қўшган шоира Зулфия, халқ артисти Тамара Хоним, Ҳ. Носирова, С. Эшонтўраева, Г. Загурскаялар Халқлар дўстлиги ордени соҳиби бўлдилар.

1978 йил октябрь ойининг бошларида Самарқанд шаҳрида мусиқашуносларнинг халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Мазкур симпозиумда иштирок этган аёллардан бири саънатшунослик фанлари номзоди И. Абасова эди.

1990 йилда Тошкент Округ офицерлар уйида 900 нафар ҳаваскор–халқ талантларидан иборат 80 та жамоа халқ рақслари республика фестивалъ – танловда иштирок этди. Ушбу фестивалъ ғолиби Наманган вилоят Тўрақўрғон туман «Дилшод» ашула ва рақс ансамбли раққосалари Ирина Скопцова ҳамда Шоҳида Маҳкамовалар бўлишди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, советлар ҳукмронлиги йилларида қарор топиб борган маъмурий–буйруқбозлик тизими ва шахсга сиғиниш мафкурасининг ғайримиллий, зўравонлик сиёсати оқибатида маданият ҳамда санъатга янада сиёсий тус берилди. Ғарбда адолатли равишда «этикод маданияти» деб аталган совет сиёсий маданиятининг негизида юз бераётган инқилобий ўзгаришларнинг ҳақлигига этикод, ҳокимиятга ишонч, дохийларни эъзозлаш ётарди.

Ҳукмрон мафкура республиканинг бутун маънавий ҳаётини каттик сиқувга олганлиги боис, ҳар қандай миллийликка бўлган интилиш советларнинг катағон қилиш сиёсатига учради ва «зарарқунандалик» деб баҳолангани ҳолда, миллатчиликда айбланди.

Коммунистик партиянинг маданият соҳасида сиёсати натижасида байналмилал маданият бирламчи аҳамият касб этиб, миллий маданиятни ривожлантириш, миллий кадриятларни асраб – авайлаш ва улардан маънавий ривожланишда фойдаланиш иккинчи ўринга суриб қўйилди.

Совет ҳокимияти ва коммунистик партия томонидан маданиятни мафкуралаштириш, маънавий ҳаётга буйруқбозлик асосида раҳбарлик қилиш, маданий сиёсатдаги зиддиятлар, маънавий соҳа эҳтиёжларини инкор этиш жамиятнинг маънавий ҳаётида инқирозли ҳолатларни юзага келтирди. Советлар томонидан миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи эълон қилинган бўлса-да, амалда бунга риоя қилинмади.

Ислом Каримов таъбири билан айтганда «...совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан жорий этилган эди. Бу давлатнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий кадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимига асосланган эди.... Бу тузум ўз халқининг тарихини, унинг руҳи ва урф – одатларини, ўз авлод – аجدодларини билмайдиган манқуртларга таянар эди. Шунинг учун ҳам эски совет тузумининг байроқларида ва шиорларида баён қилинган

ғоялар амалдаги ишларидан ниҳоятда узоқ эди. Худди шу боис бу давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик пайдо бўлди»¹.

Коммунистик партия бошлиқ совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида қабул қилинган қарорларда совет ҳукуматининг рус маданиятини улуғлаш билан боғлиқ коммунистик–улуғ миллатчилик қарашлари ўз ифодасини топган эди. Шунинг учун ҳам совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» тамойили асосидаги улуғмиллатчиликдан иборат шовинистик сиёсати натижасида сохта байналмилаллик ғояларига қарши бўлган аҳоли қатламлари, шу жумладан аёллар мустабид тузум қатағон қилиш сиёсатининг қурбонига айландилар.

Социализм сиёсати, хусусан унинг қатағон сиёсати одамларни, шу жумладан аёлларни ҳўрлаш, камситиш, ҳақоратлаш, партия аъзолигидан чиқариш, барча имтиёзларни чеклаб қўйиш, одамларни бир–бирига қарши қўйиш, уларни руҳан эзиш каби ўзининг мудҳиш томонларини намоён қилган. Совет тузumi ҳукмронлиги йилларида хотин – қизларни қатағон қилишнинг 40 дан ортиқ «тури» «ўйлаб топилган» ва ҳисоботларда алоҳида «бандлар» билан ажратилган, «қатағон касб танламаган».

Советларнинг 1930 йиллардан бошлаб жамиятни «аксилинқилобий унсурлардан» «тозалаш» борасида алоҳида қабул қилинган махсус қарорлар асосида бошланган қатағонлик сиёсати миллий истиқлолга эришгунимизга қадар турли шакл ва усуллар орқали давом эттириб келинди.

Йиллар ва даврлар ўтади. Аммо, мустабид совет тузумининг ўзбек халқига келтирган жабру жафолари асло унутилмайди. Францияда ўрта асрларда рўй берган қатағонни Варфоломей кечаси, деб аташади. Шу бир кечанинг ўзида юзлаб одамлар қириб ташланган. Мустабид совет даврида эса бундай кечалар оз бўлмаган. Биргина 1937 – 1938 йилларнинг даҳшатли кечаларида минглаб ватандошларимиз қамоққа олиниб, йўқ қилиб

¹ Каримов И. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил, 23 февраль //Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. –Б.7.

юборилган. Ана шу бечора, жабрдийда, жафокаш кишилар орасида «инсониятнинг гўзал бўлаги» аёллар ҳам бўлишган.

Қатағонлар ўрганилаётган давр мобайнида шаклан ўзгарган бўлса-да, амалда ўзининг мазмун – моҳиятини йўқотмади, яъни халқни итоаткор хайрихоҳ сифатида бўйсундиришга ҳаракат қилди.

1937 йилда миллатчилик ғояларини ёйишда айбдор деб қатағонлик тўлкинига гирифтор қилинган журналист ва таржимон хоразмлик Марям Султонмуродова 1949 йил 3 августдаги СССР МБси қошидаги махсус мажлис қарори билан яна қайтадан сургун қилинган. Узоқ давом этган маънавий қийинчиликлардан сўнг у юрак хасталигига, пневмосклерозга гирифтор бўлиб, жисмоний меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган. Кўп йиллар давомида уйдирмадан иборат сохта жинойтнома асосида жуда кўп адолатсизликка учраган, ҳуқуқлари поймол этилган Марям Султонмуродова 1957 йил 23 сентябрда жинойти йўқлиги аниқланиб, оқланган

Қатағон йилларида жабр кўрган Тожиҳон Шодиеванинг тақдири 1939 йил 28 мартда имзоланган СССР Олий суди ҳарбий коллегияси учун тузилган Сталин рўйхати орқали ҳал қилинган. ВКП(б) ва совет ҳукумати раҳбарларидан И.Сталин, В.Молотов, Л.Каганович, В.Жданов, К.Ворошилов имзолаган мазкур рўйхатда II категория бўйича суд қилиниши керак бўлганлар қаторида Усмон Носир билан бир қаторда Тожиҳон Шодиеванинг ҳам номи киритилган. Рўйхатга асосан Тожиҳон Шодиева ҳарбий коллегия суди қарори билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

1941 йил июлда Ўрта Осиё Давлат университети ишчи факультети ўқитувчиси В.П. Васильева халқ душманининг хотини (оташин ўзбек шоири Маҳмуд Ҳодиев (Боту)нинг рафиқаси) сифатида қамоққа олинди. 1941 йил 4 декабрда 8 йилга, 1941 йил 27 декабрда 10 йилга қамоқ жазосига гирифтор қилинди. Унинг 1944 йил 30 июнда ишини қайта кўришларини сўраб, Маринскдаги аёллар лагеридан юборган аризаси жавобсиз қолди. 1951 йилда Валентина Петровна озодликка чиқди.

1940 йил 5 декабрда Киров тумани партия кўмитаси котиби, республикамизда хотин – кизлар журналининг вужудга келишида ўз хиссасини қўшган биринчи журналист аёл Собира Холдорова синфий хушёрлигини йўқотган, аксилинқилобий унсур билан алоқа боғлагани учун (бу ерда унинг эри Мўмин Усмонов назарда тутилган. У 1937 йил 20 сентябрда аксилшўровий иш олиб боргани учун қамалган) 5 йил муддатга Ёкутистонга сургун қилинган. 1943 йилдан то 1949 йилгача СССР Олий Совети ва СССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигига бир неча бор ёзган аризалари эътиборсиз, жавобсиз қолиб келди. Ниҳоят, узок йиллар давом этган азоб–уқубатлардан сўнг 1956 йил 30 июнда С.Холдорованинг оқлангани ҳақидаги маълумотнома эълон қилинганда у рухий хаста эди. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

40 – йилларнинг охири – 50 йилларнинг бошларида мустабид совет тузуми бошқача фикрловчи ижодкор ва илмий зиёлиларга, советлар таъбири билан айтганда «буржуа карашлари ва нуқтаи назарлари колдикларига, реакцион буржуа маданиятига танқидий баҳо бермасликка қарши адабиёт ва санъатда марксизм–ленинизмдан чекинишларга қарши» мафкуравий майдонда кураш олиб борди. Мамлакат ижодкор зиёлиларининг кўпгина вакиллари ўз асарларида «ғоясизлик»ни тарғиб қилганликлари, «адабиёт ва санъатни сиёсатдан ажратиб қўйишга уринганликлари» учун, бадий ижоддаги партиявийлик принципларидан узоклашганликлари учун қатағонлик сиёсатининг янги тўлқинига дучор этилиб, бадном қилиндилар.

ВКП(б) МҚ директиваларини амалда рўёбга чиқариш жараёнида «миллатчилик»ка қарши кураш ниқоби остида 40 – йиллар охири 50 – йилларнинг бошларида мустабид тузум ва унинг мафкуравий муассасалари ўзбек халқининг маданий меросига хужум қилишни кенг авж олдириб юбордилар, бадий ва илмий зиёлиларнинг бир қатор вакилларига қарши ваҳшийларча бедодлик қилдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг 1940 йил 26 июндаги қароридан кейин ғоявий – сиёсий жиҳатдан ўз устида ишламаганларни жазолаш янада

авжига чиққан. 1948 йил 2 июлда СССР Олий Совети Президиумининг «Қишлоқ хўжалигида меҳнат қилишдан бош тортган, жамиятга қарши ҳаёт кечириш йўлидан бораётганларни яшаб турган жойидан бошқа туманларга бадарға қилиш ҳақида» фармони эълон қилинган. Шундан сўнг, камашлар билан бирга бадарға қилиш жараёнлари кучайган.

1949 йил 25 июнда ЎзКП(б) МКнинг бюросида Ўзбекистон ёзувчилари иши муҳокама этилди ва «миллий маҳдудлик кўринишидаги асарлар» танқид қилинди. 1951 йил август ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг VI Пленумида Зулфия ижодида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.

40 – йиллар охири 50 – йилларнинг бошларида Ўзбекистон илмий ва бадиий зиёлиларининг таъқиб қилиниши ўша вақтда СССРда ҳукм сурган мустабид тузумнинг ўзбошимчалиги ва зўравонлигининг ҳақиқий кўриниши эди. СССРда 1930 йилдан 1953 йилгача 3.778.234 киши қатағонлик тўлкинига дучор этилди, шулардан 786 098 нафари отиб ташланди.

50 – 60 - йилларда эса, 30 – йилларда «халқ душмани» сифатида сургун қилинганлар жазо муддатини ўтаб келганидан сўнг, уларнинг халқ орасида қолиши хавфли, деб топилиб, яна қайта сурган ва бадарға қилинишлар давом этган.

Мустақил фикрловчи шахсларга нисбатан қатағонлик сиёсати 70 – йилларда ҳам оммавий тарзда ва қонли тус олмаган бўлса-да, яқка тартибда уларни таъқиб қилишлар, улар устидан махсус “жиноий ишлар” уюштиришлар, коммунистик мафкура андозасига «сиғмай» қолган айрим шахсларни руҳий касалликлар шифохоналарига беркитиб қўйиш каби жинояткорона ишлар СССР барбод бўлгунга қадар мунтазам давом этди.

Халқ орасида ўзининг ҳалол меҳнати билан обрў қозонган, қатор орден ва медаллар билан тақдирланган, Бухоро вилоят судига 15 йил раислик қилган Амина Икромова 70 – йиллар ўрталаридаги қатағон жабр – дийдаларидан бири эди. Маълумки, 70 – йиллар қатағонларининг тиғи асосан суд соҳасида узок йиллар ишлаб обрў – эътибор қозонган инсонларни оёқ

ости қилишга қаратилган эди. Қатағон «иждокорлари» бутун умри давомида адолат тарозисини дадил ушлаб, бу ишга жонини фидо қилган, кўп йиллик меҳнат фаолиятидан сўнг нафақага чиққан Амина Икромовани бадном қилиш режасини ишлаб чиқдилар. Унга асосан, 1971 йилда Когон шаҳар БТИ (техник инвентарлаштириш бюроси) бошлиғи Р.Лазаревич ва шаҳар архитектори В.Горнастаева ўз ваколатларини суиистеъмол қилганликда айбланиб жиноий жавобгарликка тортиладилар. Уларга 1971 йил 11 августда эълон қилинган камоқ жазоси ҳукми, 1971 йил 31 августдаги Бухоро вилоят судининг ажрими билан жазо ахлоқ тузатиш иши жазоси билан алмаштирилади. В. Горнастаеванинг кўлидаги боласи бир ёшга тўлгунча ҳукм ижроси кечиктирилади. Вилоят прокуратураси вилоят суди ҳайъати ажрими устидан енгил жазо тайинланган деган важ билан протест киритади ва ажрим бекор қилиниб, 1972 йил 4 январда Амина Икромова маърузаси бўйича кўриб чиқилади ва вилоят суди ҳайъати ахлоқ тузатиш иши жазосини ўз кучида қолдиради. Қатағон «иждокорлари» Амина Икромовани бадном қилишда шу фактдан фойдаланишади ва енгил жазо пора эвазига белгиланган деган тухматни тўқишади. Мазкур тухматни исботлашда ҳақиқатдан ҳам 1974 йил 27 августда пора олганликда айбланиб, ҳибсга олинган Когон шаҳри ижрокўми С. Ҳасановадан унумли фойдаланадилар. У 1974 йил 22 ноябрда Республика Ички ишлар вазирлиги тергов бўлими бош терговчиси Двухбабний ва тергов бўлимининг ўша пайтдаги бошлиғи Калустянларнинг талаби бўйича айбланувчиларнинг Амина Икромовага пора беришида воситачи бўлганман, деб ёлғон гувоҳлик беради. Натижада, Амина Икромова 1974 йил 11 декабрда «пора олганликда гумонланиб» ҳибсга олинади. Шундай қилиб ўзининг ҳалол меҳнати билан халқ орасида ҳурматга сазовар бўлган бир аёл умри бадном қилинди.

80 – йиллардаги амалга оширилган қатағонлик сиёсатининг тиғи асосан раҳбар ходимларга қаратилган эди. Бу даврда кўплаб аёллар жазоланганларнинг хотинлари, қизлари турли маънавий қийноққа дучор қилинган. «Пахта иши», «ўзбек иши» деб аталган 80 – йиллардаги қатағонлик

туб моҳияти билан халққа, миллатга қилинган адолатсизлик эди. Ўрганилаётган даврда амалга оширилган катағонлар натижасида аёллар эркаклар билан тенг жазога гирифтор қилинган. Шу ўринда давлат ва жамоат арбоби бўлган Шароф Рашидовнинг рафикаси Хурсан Рашидованинг сўзларини келтирсак: «25 кун мени тинимсиз тергов қилишган, сўроққа тутишган. Асосий савол нимадан иборат эди, денг? Шароф Рашидов оиласининг яқинлари ким эди? Шароф Рашидов оиласининг тўйларига кимлар таклиф этиларди? Шароф Рашидов оиласининг яқини бўлишнинг ўзи хар қандай жазога лойиқ, деган кўрсатмалар ҳукм учун етарли асос бўлиб қолганди».

Мустабид тузум Ш.Рашидовнинг Ўзбекистон миллий манфаатларини каттиқ туриб ҳимоя қилиши, марказга қарамликни, гарчи имкон даражасида бўлса ҳам, заифлаштиришга интилиши билан келиша олмасди. Шунинг учун ҳам у вафот этганидан кейин собиқ иттифок раҳбарияти ўзининг ижтимоий–иқтисодий сиёсатидаги мағлубияти сабабларини «маҳаллий кадрлар»га ағдариш мақсадида Ш.Рашидовга қарши тухмат тошларини ёғдириб, ҳатто «шароф рашидовчилик» деган ва Ўзбекистондаги коррупциянинг рамзига айлантирилган сиёсий ёрлик тўқиб чиқарди.

Қисқача қилиб айтганда, республика мустақиллиги қўлга киритилгунга қадар коммунистик партия раҳнамолигидаги совет тузumi ўзининг ниқобланган шаклдаги муштамлақачилик сиёсати орқали илғор фикрловчи, миллат–Ватан манфаатлари билан яшовчи, миллий ғояга содиқ, миллий истиқлол учун курашувчи маҳаллий халқ вакилларини қатағон қилиш сиёсатини давом эттириб келди. 70 – йилдан ортиқ давом совет муштамлақачилиги йилларида аёллар ўз фикр ва муносабатларини гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона амалга ошириб келган бўлсалар-да, маълум даражада улар мустабид тузум қурбонларига айландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Тошкентдаги “Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқида «Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид,

бешафкат тузум даврида ўзлигини, миллат кадр–қимматини теран англаган, ижтимоий – сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидоийлик кўрсатган барча ақл – заковат соҳибларининг...»¹ қанча – қанчалари жисмонан йўқ қилинди. «Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг–минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд – қосиблар, ишчи – хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир»², деб коммунистик партия раҳнамолигидаги мустабид совет тузуми қатағонлик сиёсатининг асл моҳиятини очиқ берган эди. Улар орасида оила бекаси, фарзандлар онаси бўлган аёлларнинг ҳам мавжудлиги ниҳоятда ачинарли ҳолат эди.

Миллий истиқлолга эришувимиз натижасида қатағон қурбонларининг номи қайта тикланди. Уларнинг Ватан мустақиллиги, миллий истиқлол йўлида олиб борган курашлари ҳақидаги тарихий ҳақиқат қарор топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидоийлар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони фикримиз далилидир.

Хулоса қилиб айтганда, ўрганилаётган даврда республикада хотин – қизларни маданий–маърифий соҳага, ижтимоий–маънавий ҳаётга жалб қилишда катта ютуқларга эришилди. Хотин – қизларга кўрсатилаётган маданий хизмат даражаси ўсиб борди, маданият муассасаларининг моддий – техника таъминоти маълум даражада яхшиланди. Бироқ, советлар томонидан коммунистик партиянинг мустамлакачилик сиёсати туфайли барча соҳада бўлгани сингари маданият соҳасида ҳам маъмурий–буйруқбозлик тизими ўрнатилди. Натижада, ижод эркинлиги чеклаб қўйилгани ҳолда, бутун

¹ Каримов И. «Шаҳидлар хотираси» меъморий мажмуасининг очилиш маросимидаги маърузаси. 2000 йил 12 май. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000, Асарлар. 8-жилд. –Б.237-238.

² Ўша ерда.

маънавий ҳаёт қаттиқ сиқув остига олинди. Ўзбекистон хотин – қизлари маданияти соф «маданий тараққиёт» йўлидан эмас, балки ҳукмрон совет мафкурасининг маданият соҳасидаги сиёсати йўлидан борди. Миллий манфаатларни тан олмаслик, зўр бериб байналмилаллаштириш, сиёсатлашган совет маданияти ўзбек хотин – қизлари таъсирида «миллий тараққиёт» учун имкон бермади.

Маданиятга доимо партиявийлик ва синфийлик нуқтаи назаридан туриб ёндошилди. Чунки, советлар маданиятга жамият учун сиёсий таъсир ўтказиш воситаси сифатида қараб келди ва шу асосда маданий ривожланишнинг ўзига хос синфий қолиплари шакллантирилди. Ушбу қолиплар асосида яратилган бадиий ва сахна асарларида жамият тараққиётига тўсиқ бўлаётган ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий муаммолар четлаб ўтилди.

Миллий маънавият ва маданий меросга нисбатан ҳукмрон мафкура томонидан олиб борилган камситувчи сиёсатга қарамай, маданиятдаги миллийликни ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат ижтимоий тараққиётга зарба эканлиги таъкидланса–да, миллий маданият соҳиблари, маҳаллий зиёли аёллар жуда катта йўқотишлар эвазига маънавий қадриятларни ҳимоя қилган ҳолда, маънавий меросга содиқ қолдилар. Ўзбек хотин – қизларининг маънавиятга, маърифатга ва маданиятга бўлган чанқоқлиги, шу соҳа ходимларининг тинмай изланишлари натижасида жамият маданий ҳаёти ўзига хос тарзда ўзгариб борди. Коммунистик мафкуранинг турли пўписа ва таҳдидлари, мустабид совет тузумининг асоссиз тазйиқлари уларнинг иродасини бука олмади.

Таянч сўзлар

Адабиёт, санъат, театр, маданий муассаса, миллий урф – одат, қадрият, драма театри, режисёр аёл, халқ артисти, қатағон сиёсати, маданий мерос, илмий – зиёлилар, маданият.

Савол ва топшириқлар

1. Уруш йилларда ижод қилган шоира аёллардан кимларни биласиз?
2. 40-80 – йилларда адабиёт, тасвирий санъат ва театр соҳасида ижод қилган аёлларни фаолияти ҳақида гапириб беринг.
3. Совет ҳокимияти йилларида турли вилоятларда аёллар ансамбллари ҳақида нималарни биласиз?
4. Қатоғонлик сиёсатининг қурбони бўлган ўзбек аёлларидан кимларни биласиз?
5. Совет ҳокимияти йилларида хотин – қизлар маданияти қайси йўлдан борди?
6. Миллий маънавият ва маданий меросга нисбатан ҳукмрон мафкура қандай сиёсат олиб борди?

ХУЛОСА

Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг хотин – кизларга муносабат масаласидаги мустамлакачилик моҳиятига эга бўлган қарама-карши характерга эга бўлган зиддиятли сиёсати жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларида 70 йил мобайнида амалга ошириб келинди. Бу жараёнда советлар ҳокимиятининг ғаразли мақсад ва интилишлари никобланган тарзда йўналтирилган бўлиб, у куйидаги ҳолатларда ўз аксини топди:

1. Совет ҳокимияти ва коммунистик партия хотин – кизлар ёрдамида ўз диктатурасини мустаҳкамлашга интилиб, маъмурий – буйруқбозлик бошқарув усули асосида сиёсат олиб борди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон хотин – кизлари коммунистик партия раҳнамолигидаги советлар мустабид тузумининг яккаҳокимлик, маъмурий – буйруқбозлик сиёсати қурбонига айланди. Чунки, мустабид совет тузumi ҳар томонлама мукамал, етук савияга эга хотин – кизлар совет ҳокимиятининг никобланган шаклдаги давлат сиёсатининг мустамлакачилик моҳиятини англаб етишидан чўчигани ҳолда уларнинг тўлақонли ривожланишидан манфаатдор эмас эди. Шунинг учун ҳам «инсон омили», «ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялаш» каби чақириқлар шиорларда қолиб кетди. Марказ томонидан «яхши қарорлар» қабул қилинган бўлса-да, аммо улар тўлиқ бажарилмаслиги учун атайин ноаниқ моддалар киритилганлиги фикримиз далилидир.

2. Совет ҳокимияти коммунистик партиянинг маънавий раҳнамолигида аёлларнинг ижтимоий – сиёсий ва касб – кор мартабасини, уларнинг раҳбарлик лавозимларида ишлашини қўллаб – қувватлади ҳамда мунтазам рағбатлантириб борди. Давлатнинг ҳомийлик сиёсати натижасида аёлларнинг ҳокимият органларида вакиллик қилишлари қўпайиб борди. Совет тизими аёллар номенклатурасини вужудга келтирди, бироқ у аёлларга нисбатан бўйсунувчи мавжудот сифатидаги анъанавий муносабатни бартараф эта олмади. Совет даврида ўзбек аёли учун тенг ҳуқуқлилик ва ижтимоий меҳнат фаолияти оиладаги анъанавий итоатгўйлик билан уйғунлаштирилди. Аёлнинг

дин таъсиридан холи ва мустақилликка бўлган ички интилиши давлат томонидан қўллаб – қувватлангани ҳолда, миллий ва маданий ўзига хосликни сақлаб қолиш манфаатлари йўлидаги ҳар қандай ҳаракат эса бостириб келинди.

3. Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллашуви турли тўсиқларга ва муаммоларга дуч келди. Бу қуйидаги ҳолатларда кўзга ташланади:

- ишлаб чиқаришда иштирок этган аёлларнинг тажрибаси, касбий малакаси йўқлиги учун улар кўпроқ кам ҳақ тўланадиган, қўл меҳнати билан шуғулланишга мажбур эдилар;

- аёлларнинг оила хўжалигида бажарадиган меҳнати ҳам қисқартирилмади;

- оила доирасида ўсаётган қиз ва йигит олами, уларнинг бажарадиган вазифасининг турлилиги сақлаб қолинди. Бунда қиз бола аёл зотига мансублиги учун кўпроқ итоаткор, оила хўжалигидаги барча ишни бажаришга мажбур деб тарбияланди;

- фарзанд тарбияси ҳам аёл зиммасида қолди, албатта;

- эркаклар тасаввурида аёлларнинг асрлар оша камситилиши анъанасининг яшовчанлиги мавжудлиги сақланиб қолди.

4. Совет ҳокимияти раҳнамолари коммунистик партия манфаатларидан келиб чиқиб, хотин – қизлар меҳнатидан имкони борича турли усуллар, яъни рағбатлантириш ва мажбурлаш орқали фойдаланишга ҳаракат қилди ва бунинг уддасидан чиқди. Хотин – қизларга асосан ишлаб чиқариш воситаси сифатида эътибор берилди. Совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг иқтисодий манфаатларининг амалга ошишига тўсиқ бўлган минтақадаги ишчи кучи етишмаслиги муаммоси хотин – қизлар меҳнатидан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш эвазига ҳал қилинди. Ҳамда шу йўл билан Ўзбекистоннинг табиий бойликларидан унумли фойдаланишга эришилди. Совет маъмурлари аёлларнинг оиладан ҳам кўра кўпроқ ишлаб чиқаришда бандлигидан манфаатдор бўлгани учун аёлларнинг бутунлай янги авлодини, яъни жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркаклар билан тенг асосда меҳнат

килишга қодир эркакшода шахслар қилиб тарбиялашни мақсад қилиб қўйган эди. Ўзбек хотин – қизлари табиатан ташаббускор ва интилувчан, меҳнатсевар ва ватанпарвар бўлгани учун ҳам сидқидилдан фидойи меҳнат қилди. Аммо бу фидоийлик сохта Ватан деб аталган собиқ Иттифок ҳудуди билан ўлчанди.

5. Мустабид тузумнинг аграр сиёсати туфайли аёллар эркаклар бажарадиган ишнинг 50 фоизини эгаллади. Қишлоқ жойларда яшовчи аёллар жамоа ва давлат хўжаликларидаги ишчи кучининг 80 фоизини ташкил қилди. Улар қишлоқ хўжалик ишларининг барча соҳасида: уруғ тозалашдан тортиб, ер ҳайдаш, экин экиш, унга ишлов бериш ва териб олишгача бўлган барча ишларда қатнашса-да, аёлларни колхозларга жалб қилиш жараёнида уларга маиший хизмат кўрсатишга эътибор қаратилмади. Хотин – қизларнинг жисмоний имкониятларига мос келмаган вазифаларни бажаришга сафарбар қилиниши «катта ютук» деб эътироф этилди.

6. Собиқ совет тузуми аёлларга ҳуқуқий тенглик бериш билан бирга уларни эркаклар билан меҳнатда ҳам тенглаштириб қўйди. Аёлларга илм-фан, санъатга кенг йўл очилиши билан бирга эркаклар билан тенг равишда иқтисодиётда иштирок эта бошлади. Пахта далаларида қишни қиш демай, шудгор ишларини, жазирама иссиқда эса, ғўзага ишлов бериш ишларини оғир жисмоний меҳнат асосида бажариш ҳам аёллар зиммасига юклатилди. Улар онгига мафкуравий таъсир кўрсатишнинг турли-туман воситаларини ишлатиб, «Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихори», «Пахта Ўзбекистоннинг байналмилал бурчи» сингари шиорлар тинимсиз сингдириб борилди.

7. Пахта яккахокимлиги туфайли ўрганилаётган давр мобайнида республика аҳолисининг, жумладан хотин – қизларнинг ижтимоий турмуш шароити йилдан – йилга оғирлашиб борди. Мавжуд имкониятларни ҳисобга олмай қабул қилинган ижтимоий ва бошқа соҳалардаги кўпгина дастурлар иқтисодий қарама – қаршиликларни чуқурлаштириб юборди. Натижада меҳнаткашлар турмуш шароитининг янада ёмонлашишига олиб келди.

Ишсизлик, озиқ – овқат, турар жой ва бошқа муаммолар ўз – ўзидан келиб чиқаверди. Шунингдек, бу ҳолат, шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқларнинг эпидемиологик аҳволига салбий таъсир кўрсатди.

Собиқ Иттифок маркази юритган ижтимоий сиёсат ҳам ҳўжа кўрсинга олиб борилди. Ногиронлар ва пенсионерларнинг оғир ижтимоий аҳволи, «бепул» тиббиёт сифатининг ниҳоятда пастлиги, кўп болали оилаларни кўллаб – қувватлашнинг мутлако етарли эмаслиги шулар жумласидандир.

Минтақада вужудга келган экологик носоғлом муҳит аёллар саломатлигини ниҳоятда танг аҳволга солиб қўйди. Аёллар меҳнати йилдан-йилга оғирлашиб, одамларнинг турмуш тарзи ёмонлашиб, болалар ўлими тобора ортиб борди.

Собиқ Иттифок даврида Ўзбекистоннинг экологик носоз минтакалар каторига кирганлиги боис хотин – қизларнинг демографик ва экологик билимларини ошириш, уларнинг табиат билан уйғун, унинг қонунларини англаган ҳолда яшашларини таъминлаш, тиббий, моддий ва маиший кўмак бериш, боланинг сонига эмас, балки сифати учун қайғуриш, комил, соғлом, ҳар томонлама баркамол фарзандларни туғиб тарбиялаш ишларига эътибор берилмади.

8. Маҳаллий миллат хотин – қизларини таълим ва илм – фан соҳасига кенг жалб қилинишидан мақсад коммунистик мафкура раҳнамолигидаги совет ҳокимиятининг сиёсатини кўллаб – қувватлашдан иборат хайрихоҳларни тарбиялашга қаратилган эди.

9. Совет ҳокимияти ва коммунистик партия томонидан хотин – қизларга асосан ишлаб чиқариш воситаси сифатида эътибор берилганлиги туфайли маданий – маърифий соҳада амалга оширилган ишлар ҳам шу мақсадга хизмат қилди.

10. Таълим тизимидаги ғоявий – назарий услубий асосларнинг мафкуравий қолиплар тизимида чекланиши мустақил фикрни эмас, балки хотин – қизлар онгига совет мафкурасини сингдириш орқали партиянинг

итоаткор ижрочисини, коммунистик ғоя тарғиботчисини тарбиялашга қаратилган эди.

11. Ўрганилаётган даврда республикада хотин – қизларни маданий – маърифий соҳага, ижтимоий – маънавий ҳаётга жалб қилишда катта ютуқларга эришилди. Хотин – қизларга кўрсатилаётган маданий хизмат даражаси ўсиб борди, маданият муассасаларининг моддий – техника таъминоти маълум даражада яхшиланди. Бироқ, советлар томонидан коммунистик партиянинг мустамлакачилик сиёсати туфайли барча соҳада бўлгани сингари маданият соҳасида ҳам маъмурий – буйруқбозлик тизими ўрнатилди. Натижада, ижод эркинлиги чеклаб қўйилган ҳолда, бутун маънавий ҳаёт каттиқ сиқув остига олинди. Ўзбекистон хотин – қизлари маданияти соф «маданий тараккиёт» йўлидан эмас, балки ҳукмрон совет мафкурасининг маданият соҳасидаги сиёсати йўлидан борди. Миллий манфаатларни тан олмаслик, зўр бериб байналмилаллаштириш, сиёсийлашган совет маданияти ўзбек хотин – қизлари таъсирида «миллий тараккиёт» учун имкон бермади.

12. Маданиятга доимо партиявийлик ва синфийлик нуқтаи назаридан туриб ёндошилди. Чунки, советлар маданиятга жамият учун сиёсий таъсир ўтказиш воситаси сифатида қараб келди ва шу асосда маданий ривожланишнинг ўзига хос синфий қолиплари шакллантирилди. Ушбу қолиплар асосида яратилган бадиий ва сахна асарларида жамият таракқиётига тўсиқ бўлаётган ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий муаммолар четлаб ўтилди.

13. Миллий маънавият ва маданий меросга нисбатан ҳукмрон мафкура томонидан олиб борилган камситувчи сиёсатга қарамай, маданиятдаги миллийликни ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай ҳаракат ижтимоий таракқиётга зарба эканлиги таъкидланса-да, миллий маданият соҳиблари, маҳаллий зиёли аёллар жуда катта йўқотишлар эвазига маънавий қадриятларни ҳимоя қилган ҳолда, маънавий меросга содиқ қолдилар.

14. Ўзбек хотин – кизларининг маънавиятга, маърифатга ва маданиятга бўлган чанқоқлиги, шу соҳа ходимларининг тинмай изланишлари натижасида жамият маданий ҳаёти ўзига хос тарзда ўзгариб борди. Коммунистик мафкуранинг турли пўписа ва таҳдидлари, мустабид совет тузумининг асоссиз тазйиқ ва зуғумлари уларнинг иродасини бука олмади.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар фаолиятини оширишда ўзбек халқи тарихан ўзига хос менталитетга эгадир. Ўзбек аёлларига хос бўлган ватанпарварлик, ўз оиласига нисбатан содиқлик руҳияти маънавият мезони даражасига кўтарилган. Шунга кўра, миллий менталитет тизимида аёлларга бўлган эътибор муайян ўрин эгаллайди. Узок тарихий даврга назар ташлаганда аёллар фаоллиги жамият маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги фалсафий, тарихий-адабий ва педагогик манбаларда ўз исботини топди. Мустабид совет ҳокимияти ва коммунистик партиянинг ҳукмронлиги йилларида аёллар бир қатор йўқотишлар билан бўлса ҳам, ўзлигини сақлаб қола олганлар. Хотин – кизларнинг ўзига хос шижоат ва меҳнатсеварликлари натижасида маълум даражада муваффақиятларга эришганлар. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳалол меҳнат қилганлар. Жамиятда ўз ўринлари борлигини англаган ҳолда фаолият олиб борганлар.

Қисқартмалар рўйхати

1. ТАССР – Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси.
2. ХКС – Халқ Комиссарлар Совети.
3. МИК – Марказий Ижроия Комитети.
4. РСФСР – Россия Федератив Совет Социалистик Республикалари
(Российские Советские Федеративные Социалистические Республики).
5. МХК- Маориф халқ комиссарлиги.
6. БВБ- Бош вақф бошқармаси.
7. БХСР – Бухоро Халқ Совет Республикаси.
8. ХХСР – Хоразм Халқ Совет Республикаси.
9. ЎзР МДА – Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви.
10. АВДА – Андижон вилояти давлат архиви.

Тавсия қилинадиган адабиёт ва манбалар рўйхати
I. Расмий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.А.Каримовнинг асарлари

I.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.

I.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.

I.3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.

I.4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.

I.5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.

I.6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.

I.7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 32 б.

I.8. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1999. – 181 б.

I.9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.

I.10. Каримов И. «Шаҳидлар хотираси» меъморий мажмуасининг очилиш маросимидаги маърузаси. 2000 йил 12 май. –Т: Ўзбекистон, 2000, Асарлар. 8-жилд. – 528 б.

I.11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.

I.12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 430 б.

I.13. Каримов И.А. «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди» // Независимая газетаси (Москва) мухбири саволларига жавоблари // Халқ сўзи. 2005. 19 январь.

I.14. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2005, 29 январь.

II. Қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар

II.1. Конституция Республики Узбекистан. –Т.: Узбекистан. 1992.- 46с.

II.2. «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 1996 йил 16 декабрь / Халқ сўзи, 1996 йил 17 декабрь.

II.3. «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги қарори / Халқ сўзи, 1998 йил 28 июль.

II.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин – қизларнинг ролини ошириш чора – тадбирлари тўғрисида»ги тарихий Фармони. 1995 йил 2 март / Халқ сўзи, 1995 йил 3 март.

II.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин – қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги тарихий Фармони. 1999 йил 17 март / Халқ сўзи, 1999 йил 18 март.

II.6. «Ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароитларида ишлаётган аёлларнинг даромадига имтиёзли солиқ солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 мартдаги қарори / Халқ сўзи, 1999 йил 18 март.

II.7. Олий Мажлиснинг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қонуни / Халқ сўзи, 1999 йил 15 апрель.

II.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин – қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб – қувватлаш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи, 2004 йил 27 май.

II.9. 2004 йил 30 июндаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб – қувватлаш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида» ПФ-3434 – сонли Фармони ижросини таъминлаш чора – тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори / Халқ сўзи, 2004 йил 30 июнь.

II.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори / Халқ сўзи, 2006 йил 26 август.

II.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 мартдаги «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора – тадбирлар тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи, 2007 йил 20 март.

II.12. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги» Конституцион Қонун / Халқ сўзи, 2007 йил 30 март.

II.13. 2007 йил 18 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб – қувватлашга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида»ги Фармони / Халқ сўзи, 2007 йил 19 май.

II.14. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Инсон ҳуқуқлари бўйича универсал шартномалар / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро

алоқалар кўмитаси, Инсон ҳуқулари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази. –Т.: Адолат, 2002. – 270 б.

II.15. Национальный доклад республики Узбекистан Об исполнении положений конвенции «О ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин» / Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека. –Т.: 1999. – 119 с.

III. Архив ҳужжатлари

III.1. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви

86 – фонд (Ўз ССР Марказий ижроия кўмитаси), 1 – рўйхат, 3618, 4051, 4433, 4450, 4773, 6562, 6574, 7577 – ишлар; 2 – рўйхат, 27 – иш.

94 – фонд (ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлиги) 1 – рўйхат, 200, 242, 796, 429 – ишлар; 5 – рўйхат, 16, 430, 3821, 4425, 4697 – ишлар.

737 – фонд (Ўзбекистон Республикаси касаба кўмитаси кенгаши) 1 – рўйхат, 539, 836, 1363 – ишлар.

837 – фонд (Ўз ССР Министрлар совети) 32 – рўйхат, 510, 770, 3263 – ишлар.

90 – фонд (Ўз ССР Ер Ишлари Халқ Комиссарлиги) 1 – рўйхат, 3370-ишлар, 8 – рўйхат, 5571, 5574, 5820, 6455 – ишлар, 10 – рўйхат, 2864 – иш.

1619 – фонд (Марказий статистик бошқарма) 10 – рўйхат, 664, 665, 667, 670, 714, 774 – ишлар, 4112 – йиғма жилд.

314 – фонд (Ўзбекистон ССР Министрлар совети қошидаги аҳолини эвакуация қилиш бошқармаси) 1 – рўйхат, 61 – йиғма жилд, 137 – йиғма жилд, 2 – рўйхат, 49 – иш.

2454 – фонд (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиуми) 1 – рўйхат, 4996 – иш.

III.2. Андижон вилоят давлат архиви

1 – фонд, 3 – рўйхат, 3 – иш.

3 – фонд, 88 – рўйхат, 9 – иш.

18 – фонд, 1 – рўйхат, 5а – иш.

94 – фонд, 3 – рўйхат, 564 – иш; 6а – рўйхат, 22 – иш.

530 – фонд, 1 – рўйхат, 45 – йиғма жилд.

III.3. Вақтли матбуот

а) Журналлар:

1. «Вопросы истории КПСС» (1960)
2. «Вестник АН СССР» (1970)
3. «Гулистон» (1980)
4. «История СССР» (1960)
5. «Коммунист Узбекистана» (1960 – 70)
6. «Народное хозяйство Узбекской ССР» (1970 – 1980)
7. «Общественные науки в Узбекистане» (1970)
8. «Партия турмуши» (1980)
9. «Спутник агитатора» (1940)
10. «Саодат» (1970)
11. «Совет мактаби» (1970)
12. «Фан ва турмуш» (1970)
13. «Ўзбекистон хотин – қизлари» (1950)
14. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» (1970 – 1980)
15. «Ўзбекистон коммунисти» (1970)
16. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» (1970)

б) Газеталар:

1. «Комсомолец Узбекистана» (1950)
2. «Правда Востока» (1940)
3. «Совет Ўзбекистони» (1970)
4. «Қизил Ўзбекистон» (1950)
5. «Ёш ленинчи» (1970)
6. «Ташкентская правда» (1970)
7. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (1990)

8. «Знамя труда» (1950) – Тошкент Текстиль комбинатининг кўп тиражли газетаси.

9. «Ферганская правда»

IV. Адабиётлар

IV.1. Абдуллаева Я.А. Қорағалпоғистон хотин – қизлари: Кеча ва бугун. XIX асрнинг охири ва XX аср. –Т.: Ижод дунёси. 2004. – 224 б.

IV.2. Аббосова Л., Раҳимбобоева Г. Уруш йилларида Ўзбекистон маданий қурилишида хотин – қизларнинг иштироки // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1975. №5. 61-62 б.

IV.3. Авшарова М.П. Узбекская женщина в прошлом и настоящем. –Т.: Госиздат УзССР, 1958. – 176 с.

IV.4. Азиззода Л. Янги ҳаёт курашчилари. –Т.: Фан, 1976. – 144 б.

IV.5. Акилов К.А., Аббасова Л.А. Женщины Узбекистана в культурном строительстве. –Т.: Фан, 1976.

IV.6. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии: История изучения и современные проблемы (АН РУ Институт Истории. –Т.: Фан, 1991. – 132 с.

IV.7. Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941): Краткий историографический очерк (АН РУ.Институт Истории. –Т.: Фан, 1987. – 69 с.

IV.8. Алимова Д.А. «Хужум»га зарурат бормиди? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 11 сентябрь.

IV.9. Аминова Р.Х. Октябрь и решение женского вопроса в Узбекистане. –Т.: Фан, 1975. – 353 с.

IV.10. Аминова Р.Х. Аграрное преобразование в Узбекистане 20-х годов. // ОНУ – 1989. № 9.

IV.11. Аминова Р.Х. Аграрное преобразование в Узбекистане накануне сплошной коллективизации. 1925-1929. –Т.: Фан, 1969. – 468 б.

IV.12. Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // Коммунист Узбекистана. 1989. №10. –С.81.

IV.13. Аминова Р.Х. Коллективлаштириш-қашшоқлаштириш демак // Шарқ юлдузи. 1992. №12. –Б.183.

IV.14. Аминова Р. Рост творческой активности женщин советского Узбекистана // Общественные науки Узбекистана.1987. №3. –С.29-36.

IV.15. Анъаналар, дин ва аёлларнинг ижтимоий мақоми //Ўзбекистон Республикаси хотин – кизларининг аҳволи тўғрисида маъруза, RBEC // Undz, 1999. – 95 б.

IV.16. Араловец Н.Д. Женский труд в промышленности СССР. –М.: Профиздат. 1954. – 98 с.

IV.17. Ахунова М., Убайдуллаева Р.Женщины Узбекистана навстречу международному году женщины// Общественные науки в Узбекистане. 1975. №8. –С.3-8.

IV.18. Бикжанова М. Семья в колхозах Узбекистана. –Т.: Изд-во АН УзССР, 1955. – 134 с.

IV.19. Бобожонова Д.Б. Ўзбекистонда ижтимоий – иқтисодий муносабатлар. –Т.: Шарқ, 1999. – 158 б.

IV.20. Бобожонова Д.Б. Аҳоли саломатлиги ва экологик муаммолар, – Т.: Фан, 1996. – 4 б.

IV.21. Бобожонова Д.Б. Енгил саноат ва фан - техника тараққиёти

IV.22. Вахабов М.В. Ислам и женщина. –М.: Мысль, 1968. –168 с.

IV.23. Гендер тадқиқоти асослари курси хрестоматияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 411 б.

IV.24. Зиёев Х. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 2000. – 288 б.

IV.25. Икромов А. Избранные труды в 3-х томах. –Т.: Узбекистан, Т.1, 1972. – 532 с; Т.2, – 510 с; Т.3, – 574 с.

IV.26. История народного хозяйства Узбекистана. Т.1. –Т.: Изд-во АН Уз ССР, 1962. – 390 с.

- IV.27. Ислам и женщины Востока. –Т.: Фан, 1990. – 250 с.
- IV.28. Ишанов А.И. Файзулла Ходжаев. Очерк жизни и деятельности. – Т.: Узбекистан, 1972. – 111с.
- IV.29. Йўлдошев Н. Маърифат фидойилари // Гулистон. 1991. №4. – Б.21.
- IV.30. Камолов У. Ўзбекистонда хотин – кизлар маорифининг ривожланиши // Совет мактаби. 1974. №1. –Б.16-21.
- IV.31. Культурное строительство СССР: Стат.сб. Госполитиздат, 1940. – 268 с.
- IV.32. Кары – Ниязов Т.Н. Очерки истории культуры советского Узбекистана. – М.: Изд. АН СССР, 1955. – 360 с.
- IV.33. КП Узбекистана в борьбе за решение женского вопроса в период строительство социализма: (Сб.док. 4 материал) Ред. колл.: Р.Х.Аминова и др. – Т.: Узбекистан, 1977. – 456 с.
- IV.34. КП Узбекистана в резолюциях и решениях съездов и пленумов ЦК (1925-1986): В 4-х т. Т 2. 1938-1959. –Т.: Узбекистан, 1988. – 911с.
- IV.35. Любимова С. 50 – летию Международного женского дня. –М.: Знамя, 1960. – 40 с.
- IV.36. Любимова С.Октябрьская революция и положение женщин в СССР. –М.: Знание, 1967. - 42с.
- IV.37. Мадраҳимова Р. Ўзбекистон хотин – кизларининг улуг Ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасоратлари. –Т.: Фан, 1981. – 63 б.
- IV.38. Максакова Л.П. Демографический потенциал Узбекистана. –Т.: Узбекистан, 1991. – 143 с.
- IV.39. Мартынова Э.И. Формирование духовного мира советской женщины. –М.: Красноярское книжное издательство, 1983. – 181 с.
- IV.40. Норматов С. Таджикон. –Т.: Узбекистан, 1966. – 28 с.
- IV.41. Охунова М. Совет Ўзбекистони хотин – кизларининг жанг майдонлари ва меҳнат frontiдаги жасорати // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1975. №5. –Б.41- 44.

- IV.42. Оқилов К., Аббасова Л. Ўзбекистон хотин – қизлари маданий қурилишда. –Т.: Фан, 1976. – 60 б.
- IV.43. Палванова Б.П. Эмансипация мусулманки. –М.: Наука, 1982. – 302 с.
- IV.44. Сулаймонова Х. Ўзбекистон хотин – қизлари социалистик қурилишда. –Т.: Ўздавнашр, 1955. – 51 б.
- IV.45. Сулаймонова Х. Ўзбекистон хотин – қизлари коммунистик қурилишнинг актив қатнашчилари. –Т.: ЎзССР ФА, 1955. – 39 б.
- IV.46. Совет хотин - қизлари – коммунизмнинг актив қурувчилари. –Т.: ЎзССР сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамияти, 1963. – 19 б.
- IV.47. Совет Ўзбекистони хотин – қизлари // Ўзбекистон коммунисти. 1984. №8. –Б.45-50.
- IV.48. Совет Ўзбекистони шонли қизлари. –Т.: Билим, 1985. – 22 б.
- IV.49. Тошхўжаева Н. Ўзбекистон қишлоқ хотин – қизлари уруш йилларида (1941 – 1945 йй.). –Т.: Фан, 1985. – 55 б.
- IV.50. Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши / Лойиҳа раҳбари, масъул муҳаррир Д.А.Алимова. –Т.: Шарқ, 2001. – 464 б.
- IV.51. Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар. –Т.: Фан. 1991. – 72 б.
- IV.52. Ходжаев Ф. Избранные труды в трёх томах. Т.1. –Т.: Фан, 1970. – 500 с.
- IV.53. Ходжаев Ф. Избранные труды в трёх томах. Т.2. –Т.: Фан, 1972. – 650 с.
- IV.54. Худжум – значит наступление. –Т.: Узбекистан, 1987. – 206 с.
- IV.55. Хайдарова Ф. В.И. Ленин ва совет шарқи хотин – қизлари. Ўз КП МК Бирлашган нашриёти, 1969. – 40 б.
- IV.56. Ўзбекистон хотин – қизлари — коммунизм қурувчиларининг етакчи отряди. –Т.: Билим, 1974. –15 б.

IV.57. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. №2. –Т.: Шарқ, 1999. – 208 б.

IV.58. Ўзбекистон хотин-қизлари – коммунизмнинг актив қурувчилари. –Т.: Билим, 1979. – 20 б.

IV.59. Ўзбекистон коммунистик партияси съездларининг резолюция ва қарорлари. –Т.: Ўздавнашр, 1958. – 552 б.

IV.60. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. –Т.: Шарқ, 2000. – 688 б.

IV.61. Шукурова Х.С. Социализм и женщины Узбекистана. –Т.: Узбекистан, 1970. – 365 с.

IV.62. Центр по изучению прав человека и гуманитарного права. Женщина право общество. –Т.: Фан, 1999. – 157 с.

IV.63. Эштўхтаев Х. Миллий кадрлар – «халқ душманлари»// Фан ва турмуш. 1991. №5. –Б.23-25.

IV.64. Қор қўйнида лолалар. / Масъул муҳаррир. Б.Шарипов. –Т.: Академия, 2001. – 213 б.

IV.65. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистонда социал ривожланишнинг долзарб муаммолари. –Т.: Фан, 1991. – 48 б.

IV.66. Юлдашева М. Женщины Узбекистана фронту. –Т.: Узбекистан, 1982. –117 с.

V. Диссертация ва авторефератлар

V.1. Алимова Д.А. Женский вопрос в советской историографии Средней Азии (20-80-е гг.). Дисс... докт. истор. наук. –Т.: 1991. – 285 с.

V.2. Абдуллаева Я.А. Женский вопрос в Каракалпакстане в конце XIX-XX вв.(социально-политический аспект). Автореф. дисс... докт. истор. наук. –Т.: 2005. – 46 с.

V.3. Жўраева Н.Д. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин – қизларнинг ўрни. Т.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.: –Т.: 2004. –162 б.

V.4. Муравьёва Н.М. Социально-философский анализ повышения социального статуса женщин. Автореф. дисс... к.ф.н. –Т.: 2003. – 26 б.

V.5. Насруллаева Х. Ўзбекистонда хотин – кизлар ижтимоийлашуви жараёнининг фалсафий тахлили. фалс.фан.номз. дисс...автореф. –Т.: 2000. – 20 б.

V.6. Нишонбоева Қ.В. Ўзбекистонда хотин-кизлар масаласини ҳал этишининг маданий жиҳатлари (20-30-йй.). Дисс...т.ф.н. –Т.:1998. – 160 б.

V.7. Сафаева С.Х. Аёллар масаласи: умумижтимоий ва миллий жиҳатлари. Автореф. фалсафа. фан. ном. –Т.: 2002. – 20 б.

V.8. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари. Фалсафа фан. доктр. дисс. автореф. –Т.: 1998. – 53 б.

V.9. Ходжаева С.А. Правовая культура и проблемы развития социально – правовой активности женщин Республики Узбекистан. Дисс. на соискание канд. юрид. наук. –Т.: 2004. – 148 с.

V.10. Чориев Т.Х. Формирование научно-педагогических кадров в Узбекистане. 20-30 годы. Проблемы. Опыт. Уроки Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Самарканд. 1995. – 28 с.

V.11. Эргашходжаева Г.Э. Французская историография о проблемах эмансипации женщин Средней Азии в 20-годы. (Литература 50-80-х годов.) Автореф. дис...канд. ист. наук. –Т.: 1996. – 22 с.

VI. Фойдаланилган интернет сайтлар

VI.1. www.mbs-multimedia.ru - Ўзбекистан;

VI.2. www.gender.ru;

VI.3. mcgs@online.ru;

VI.4. mcgs@inecon.ru.

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ 3-

**I. МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН – ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ –
СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ.**

1.1 – маъруза. Совет ҳукуматининг хотин – қизлар масаласидаги сиёсати ва
унинг мустамлакачилик моҳияти

1.2 – маъруза. Ўзбекистон хотин – қизларининг ижтимоий аҳволи

**II. МАВЗУ. ХОТИН – ҚИЗЛАР МЕҲНАТИНИНГ ИЖТИМОЙ –
ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРИ.**

1.1 – маъруза. Республика саноати тараққиётида хотин – қизларнинг ўрни . . .

1.2 – маъруза. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришда хотин –
қизларнинг иштироки: ютуқлар ва муаммолар

**III МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН – ҚИЗЛАРИНИНГ МАДАНИЙ –
МАЪНАВИЙ ҲАЁТГА ЖАЛБ ҚИЛИНИШИ**

1.1 – маъруза. Таълим ва илм-фан соҳасида хотин-қиз кадрларнинг ўрни ва
роли.

1.2 – маъруза. Хотин – қизларнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги фаолияти. . .
.

ХУЛОСА

ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ